ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 17 АПРЕЛЬ, № 16 (3172). ЖУМА

МУКАРРАМ ВА МУНАВВАР САФАР

Оммавий ахборот воситаларида хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси шу йил 11—14 апрель кунлари Саудия Арабистонига расмий ташриф буюрди.

Мустақил Ўзбекистондан жаҳон кенгликларига, юксак маънавият ва руҳият оламининг қадим ва боқий, обод ва мукаррам манзилига яна бир нурли йўл очилди. Бу йўл давлат раҳбарлари ташрифи мисолида озодлик шабадаларидан кўкси тўлиб нафас олаётган ўлкамизни жумҳуриятимиз мусулмонлари учун муқаддас даргоҳ бўлган Маккан мукаррама ва Мадинаи мунаввара билан пайванд этди. Делегация аъзолари Аллоҳнинг уйи — жаҳон зийнати Каъбатуллоҳни зиёрат қилишдек улуғ бахтга мушарраф бўлишди.

Ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Саудия Арабистони подшоси Фаҳд бен Абдул Азиз ал-Сауд жаноби олийлари ўртасидаги самимий ва амалий мулоқотлар, иншоаллоҳ, келажакда ягона эътиқод, ўзаро иқтисодий ҳамда маданий алоқалар тимсолида юксак самаралар беражак. Бу ҳар икки давлат раҳбарларининг, ҳар икки мамлакат мусулмонларининг, жумладан, Саудия Арабистонида то шу пайтгача она юрт муҳаббатини тумордек асраб келаётган ватандошларимизнинг кўнгил малҳами, орзу истагидир. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда жаҳонда энг тараққий этган мамлакатлардан бири Саудия Арабистони ва қадим камолини тиклаётган Ўзбекистон раҳбарлари ўзаро суҳбат чоғида иқтисодий ва бошқа алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдор эканликларини билдиришди.

Муқаддас ҳадислардан бирида баён қилинганидек, «Тангри йўлида бир-бирлари билан дўстлашувчи, ўзаро суҳбатлашувчи, бир-бирларига хайру саховат қилувчи ва бир-бирларини зиёрат этувчи кишиларга Тангрининг муҳаббати ҳақдир».

РАССОМЛАР АНЖУМАНИ

Кеча республика Киночилар уйида Ўзбекистон рассомларининг XIV қурултойи ўз ишини бошлади. Шу муносабат билан 14 апрелда Рассомлар уюшмасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Уни уюшма раиси Баҳодир Жалолов қисқача кириш сўзи билан очди. У қурултойда бўладиган ҳисобот доклади мазмуни билан таништирди. Шундан сўнг муҳокамада уюшма котиблари, секция раҳбарлари ва уюшма қошидаги Бадиий фонд директори сўзга чиқиб, ўтган даврда эришилган ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирдилар.

Нотиқларнинг фикр-мулоҳазаларидан маълум бўлдики, бозор иқтисоди шароитида рассомлар олдида талайгина муаммолар йиғилиб қолган экан. Афсуски, ўтган қурултой оралиғида режалаштирилган кўпгина тадбирлар, ижодий кўргазмалар ва рассомларга иқтисодий ёрдам бериш сингари жиддий масалалар амалга ошмай қолди. Бу учун фақат уюшма раҳбариятини айблаш инсофдан эмас. Чунки қатор ижодий уюшмалар каби Рассомлар уюшмаси ҳам Иттифоқ тасарруфидан чиққандан сўнг жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, яратилаётган асарларни сотиш, кўргазмалар ташкил этиш жараёни боши берк кўчага кириб қолди. Рассомларнинг ижод билан шуғулланиши учун устахоналар ҳамон етишмайди. Ўй-жой масаласи эса танқис. Шу боис ҳам тасвирий санъатнинг кўпгина жанрларида ижод қилаётган рассомлар, халқ усталари, санъатшунослар биринчи навбатда ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши борасида куюниб гапирдилар. Улар қурултойда янги Устав лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф қилдилар.

Қурултой ўз ишини давом эттирмоқда. (Қурултой ҳақидаги ҳисоботни ҳафталикнинг кейинги сонида ўқийсиз).

СУРАТДА: қурултой қатнашчилари

ЯХШИЛИК ҚАДАМИ

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Ҳамза номидаги санъатшунослик институти директори этиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли мусиқашунос олим Тўхтасин Ғафурбековни тайинлади. У. М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида илмий ишлар бўйича проректор вазифасида ишлаётган эди. Узоқ йиллар мазкур ўқув даргоҳининг мусиқа тарихи кафедрасига мудирлик қилди. 1989 йилда докторлик ишини муваффақиятли ёқлади.

Профессор Т. Ғафурбеков мусиқа тарихига оид қатор китоблар, мақолалар муаллифи. Ўзбек тилида илк марта чоп этилган мусиқа дарсликларининг масъул муҳаррири. Унинг мақолалари хорижий тилларда ҳам чоп этилган.

Янги директорни таништириш институт ходимларининг хотирасидан умрбод ўчмайдиган маросим бўлди. Таништирув йиғини ўзбек тилида олиб борилди. Бу институт тарихида илк бор давлат тилида ўтказилган мажлис эди. Бу ҳол янги раҳбарга янада кучғайрат бағишлаши, миллий санъатимизнинг ҳар жиҳатдан тадқиқоти, илмий-амалий ишлар ривожи, санъатшуносликкга доир асарлар, мақолаларнинг она тилимизда ёзилишига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Шунингдек, санъатимиз тарихини мукаммаллигича яратиш, уни жаҳон миқёсига кўтариш ҳам институт янги раҳбариятининг асосий вазифаларидан бўлиб қолишига ишонамиз.

«БИЗКИМ, АМИРИ ТУРКИСТОНМИЗ...»

Ўтган ҳафта жумҳуриятимизнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларида Амир Темурнинг муборак таваллуд куни кенг нишонланди. Улуғ Соҳибқирон байрамлари кишиларнинг ўз қадриятларини, дину иймонини қайта англашга, тушуниб етишга, ўқиб-ўрганишга бўлган иштиёқи, ихлоси ҳали сўнмаганидан далолат берди.

Буни Ўзбекистон республикаси Адиблари иттифоқи, «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Билим» жамияти, «Очун» ижодий уюшмаси ва Ҳамза номидаги Академик давлат драма театруси ижодий жамоалари томонидан ўтказилган Амир Темур байрами ҳам яққол кўрсатди.

Эрталабданоқ Ҳамза номидаги театр ҳовлисига одамлар тўплана бошладилар. Карнай-сурнайлару ноғоралар кишиларни ушбу байрамдан огоҳ этди. Пешинда Соҳибқирон руҳи поклариға бағишлаб маъракаошй тортилди. Ош пайтида Амир Темур бобомизни эслаб қорилар Қуръон тиловатлари қилишди. Санъаткорлар соҳибқироннинг жасорати, Туркистон бирлиги йўлида қилган саъйи ҳаракатлари, боқий иймонларини тараннум этувчи қўшиқлар куйлашди.

Шундан кейин одамлар театр биносига қадам қўйдилар. Бу ерда Амир Темур байрамининг расман очилиши маросими бўлди. Байрам йиғилишини Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳамда шоир Хуршид Даврон олиб бордилар.

Абдулла Орипов йиғиннинг оча туриб шундай деди: Шу дақиқаларда наинки ўзбек халқи, балки бутун туркий олам янги бир даврни бошлаб турибдилар. Ўз-ўзимизни таниш, эътироф этишдек улуғ бир жараёнга қадам қўйиб турибмиз. Узоқ йиллар гумроҳлик қилган бўлсак бизни кечиринг, Ҳазрат! Ихтиёримиз ўзимизда эмас эди. Сўқирларга қўшилиб биз ҳам сўқир бўлдик. Сиз эса ҳамон ўша-ўша офтоб бўлиб, чарақлаб турибсиз.

Ҳазрат Амир Темур бундан 656 йил олдин дунёга келди. У билан бутун шарқ халқлари ҳақли равишда фахрланадилар. Бошқа ноёб истеъдодли кишиларни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, шарқ тарихида Темурдек буюк зот ўтган эмас. Унинг авлодлари жаҳон маданияти, тарихини яратишда бетимсол кишилар бўлиб етишдилар. Улуғбек ёки Бобурми, уларнинг қайси бирини айтай.

— Ўзимизни таниганимиз, — деб давом этди А. Орипов, — Темурни таниганимиздир. Бу билан биз бировларга таҳдид солмоқчи эмасмиз. Амир Темур ҳам ҳеч кимга таҳдид солмаган. Кеча Темур бобомиз дунёга келган Шаҳрисабзда тантаналар бўлди. Айни шу дақиқаларда эса Самарқандда, бобомизнинг ўзи асос солган пойтахт шаҳарда байрамлар давом этяпти. Бугун эса сиз билан биз бу ерда тўпландик. Биз ундан узр сўраш учун тўпландик. Ўзимизни ойнага солиш учун тўпландик. Болаларимизга нималарни айтишимиз зарурлигини аниқлаб олиш учун тўпландик.

Бобомиз ҳақида ўзга юртларда, турли динларга мансуб бўлган кишилар томонидан юзлаб асарлар ёзилди. Лекин ўз юртимизда тўрт қатор шеър ёзиб юзага чиқара олмадик. Аминмизки, ҳали халқимизнинг асл шоирлари, ёзувчилари келади. Биз қилолмаган ишларни улар албатта қиладилар.

Қатағон йилларида ҳам Амир Темурнинг ҳаёти, ишлари ҳақида ёзишга журъат этган, у ҳақдаги ёлғонларни рад қилиб келган, унинг маънавий душманлари билан курашиб келган олимлар бўлган. Раҳматли Иброҳим Мўминов ана шундай кишилардан бири эди. У кишининг Темур ҳақидаги кичкина бир рисоласи қай даражада қаршиликларга, ҳужумларга учрагани сизларга маълум. Шу залда ҳам ўша кишининг сафдошлари, шогирдларидан ўтиришибди. Мен катта бир қувонч билан сўзни ўшандай инсонлардан бири ЎзФА мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедовга бераман.

— Бу кунларни биз бир умр кутган эдик, — деди ўз сўзида Б. Аҳмедов. — Шоир айтганидек, бу кунларни кўрганлар бор, кўрмаганлар бор. Амир Темурнинг Туркистон халқлари олдидаги хизматлари бебаҳо. Унинг хизматларининг юздан бири ҳам катта-катта китоб бўлади. Амир Темур ҳаёти от устида ўтди. У бутун умрини парча-парча бўлиб кетган юртни бирлаштиришга сарфлади. Зиндонларда ўтирди. Ҳожи Дарроз (амакиси) мўғуллар ҳужум қилганда қочиб кетатуриб, Темурга сиз ҳам қочинг, деганда Темурбек, йўқ қочмайман, курашаман, деб амакисининг таклифини рад этган эди. Шу тарифа Амир Темур ажойиб, ўзига хос давлат тузди. Шундай катта бир давлатни бор-йўғи еттита вазир бошқарган эди...

Амир Темур байрамида адиблардан Иброҳим Раҳим, Маъруф Жалил, Мирзо Кенжабек, Муҳтарама Улуғова, Е. Березиковлар сўзга чиқишиб Соҳибқироннинг Туркистон халқлари тарихи, маданиятида тутган ўрни, келажакда уни ўрганиш соҳасида қилинадиган ишлар ҳақида гапирдилар. Ёш шоир Рустам Мусурмон Амир Темурга бағишланган шеърини ўқиди. Хонанда Комилжон Баротов ва шоир, ижтимоий-сиёсий қўшиқлар ижрочиси Дадахон Ҳасан қўшиқлар ижро этдилар.

Амир Темур шундай деган эди: «Биз ким, мулки Турон, Амири Туркистонмиз». Бугун юртимиз бўйлаб кезиб юрган истиқлол руҳи туркий халқларга Амир Темурни қайтарган экан, ажабмаски, уларга ўз Туркистонини ҳам қайтарса.

Х. ЕҚУБЖОН

Чинозда бўлиб ўтган тантанадан бир лавҳа.

ТАБРИК

Ҳурматли Олмахон Ҳайитова!

Сизни Ўзбекистон халқ артисти унвони билан муносиб кўрилганлигингизни хоразмлик санъат муҳлислари катта қувонч билан кутиб олдилар. Бу юксак унвон билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга миллий қўшиқчилик санъатимизни янги ашулалар билан бойитишда соғлиқ, куч-ғайрат тилаймиз.

Р. СУЛТОНОВ,
Урганч шаҳар ҳокими

ОНА ЮРТИДА ҚАДР ТОПГАН ЭР

НИҲОЯТ, БУЮК БОБОМИЗ АМИР ТЕМУР ҳазратларининг таваллуд топган кунларини ҳам нишонлайдиган қутлуғ кунларга етиб келдик. Ҳатто кечагина ҳам бу бизга тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган, сира амалга ошмайдиган буюк орзу, буюк армон бўлиб туюлган эди. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, тарихнинг кулиб боққан мана шу лаҳзасида биз ўз юртимизда — Амир Темур ҳазратлари дунёга келган табаррук заминда «икки аср ярим жаҳонни ларзага солган» буюк соҳибқироннинг туғилган кунларини ёд этиб, байрам қилиб, ўзимизни гуноҳлардан поклаб, у кишининг руҳларини шод этиб турибмиз. Шунинг ўзи ҳам биз учун — Русия қуллик кишанлари остида нафасини чиқармай яшашга мажбур этилган буюк соҳибқирон авлодлари учун қайта туғилган, ўзлигини маънан қайта топган, улуғ бобоси номини надомат ва фисқу фужур, гинаю адоват ғуборларидан поклаб олиб, баногоҳ кимлигини англаб етган фарзандлар учун катта бахтдир.

8—9 апрель кунлари бутун Ўзбекистон ана шундай хуш кайфият билан улуғ Амир Темур руҳини шод этди. Буюк соҳибқироннинг ватани Шаҳрисабз эса тўйбоши бўлди.

Бу буюк шаҳар шу куни узоқ-яқиндан келган меҳмонларни асрлар юкини елкасида тутган мунис она бўлиб, гўзал баҳори гул-гул яшнаган дилбар келинчак — чин шаҳри сабз бўлиб кутиб олди. Беш ярим аср муқаддам улуғ соҳибқироннинг хайрли ишларидан ҳайратга тушган юксак Ҳисор тоғлари бугун ҳам буюк ҳайратга чўмгандай эди. Амир Темур бунёд этган муҳташам Оқсарой шу оқ сочли юксак тоғлар билан дардлашиб, сирлашиб турганга ўхшайди.

Бир кун аввал Шаҳрисабзнинг кўплаб йирик меҳнат жамоаларида буюк соҳибқирон туғилган кунга бағишлаб учрашувлар бўлиб ўтган, Темурийлар авлодлари билан боғлиқ саждагоҳлар, мақбаралар зиёрат қилинган. 8 апрелда эса Шаҳрисабзга келган таниқли алломалар, тарихчи ва адабиётчи олимлар ҳам кўп эди. Улар билан биринчи учрашув муҳташам Оқсарой ёнидаги Амир Темур боғида бўлиб ўтди. Халқ депутатлари Шаҳрисабз шаҳар Кенгашининг раиси Фазлиддин Хатамов меҳмонларни Амир Темур боғига кўчат ўтказишга таклиф этди. Ноёб навли мевали дарахт кўчатлари янги боғни безади.

Шундан сўнг Амир Темургга ўрнатиладиган ёдгорлик учун жой танланди. Бу масала қизғин муноза рага айланди. Шаҳрисабзликлар Амир Темур жамғармасини ташкил этиб тўплаган маблағлари ҳисобига ёдгорликка буюртма беришиб, Оқсаройнинг шаҳарнинг бош майдонига туташ қисмида қурилишни бошлаб ҳам юборишган. Албатта, Темурдек буюк зотга ҳар бир давр ўз қаричи — ўз маънавий мезонлари билан ёндашади. Биз бугун ҳатто ўтган йили ҳам тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган ҳақиқатни эътироф этиб, бобомизни қайта топгандек унга янги мезонлар билан қарай бошладик. Энди Амир Темурга улуғвор ёдгорлик ўрнатиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи олдинга

Давоми еттинчи бетда

ҲАММАДАН ЗЎР ЛАРИСА

Ҳа, ҳайрон бўлманг, шундай зўр аёл бор. Унинг исми шарифи Лариса Михайлова. Ўзи Тошкент шаҳар хўжалик ҳисобидаги иккинчи стоматология поликлиникасида бош врач бўлиб ишлайди.

Лариса Михайлованинг зўрлиги шунчаликки, у айбдор бўла туриб прокурорнинг қарорини ҳам, вазир ўринбосарининг буйруғини ҳам бажармайди. Тўғрироғи, бажаришни хоҳламайди. Лекин негадир ҳеч ким унинг пишагини пишт демайди.

Келинг, гапни чўзиб ўтирмайлик-да воқеани бир бошидан айтиб бера қолайлик.

1988 йилнинг 18 май куни Лариса Михайлова раҳбарлик қилаётган поликлиникага янги ходим — Мавлуда Шукуллаева ишга келади. Аввал тиш техниги, 1990 йилнинг 21 августидан санитарка бўлиб ишлайди. Орадан тўрт-беш ой ўтгач эса ҳомиладорлик таътилига чиқади. Лекин бу негадир бош врачга ёқмайди. Шунинг учун 1990 йил 10 декабрь куни М. Шукуллаевани ишдан бўшатади. Бу билан Ўзбекистон республикаси меҳнат қонунини қўпол равишда бузади. Аммо ўзининг айбини хаспўшлаш мақсадида Мавлуданинг меҳнат дафтарчасига, «Поликлиникани қайта ташкил қилиш ва штатлар қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилди», деб ёзиб қўяди. М. Шукуллаева норозилик билдиради, бош врачга ҳомиладорлик таътили пайтида ишдан бўшатиш ноқонуний эканлигини айтади. Лариса Михайлова шундагина хато қилганини, қўпол камчиликка йўл қўйганини сезиб қолади. Дарров янги буйруқ тайёрлайди. М. Шукуллаевани ҳомиладорлик таътили тугаган кундан, яъни 1991 йилнинг 8 январидан «ишдан бўшатади».

Шундан буён орадан ўн олти ой вақт ўтди. Шундан буён Мавлуда Шукуллаева идорама-идора чопади. Лекин ҳеч ким уни ўз вазифасига тиклай олмаяпти. Дастлаб бу иш билан Собир Раҳимов район прокуратураси шуғулланган эди. Район прокурори Р. Рўзиев 1991 йилнинг 22 май куни имзолаган ҳужжатда Л. Михайлова ноқонуний иш қилгани учун протест келтирилган. Мавлуда Шукуллаевани ўз вазифасига тиклаш лозимлиги айтилган. Шу протест асосида эса Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Ризаев имзоси билан қуйидаги буйруқ чиқарилган:

Буйруқ № 339
1991 йил 5 июнь.

...1. Хўжалик ҳисобидаги 2-стоматология поликлиникаси бош врачи ўрт. Л. Н. Михайловага

— меҳнат қонунини бузганлиги ва бузиб бажарганлиги учун огоҳлантирилсин.

— М. Р. Шукуллаевани ишдан бўшатиш тўғрисидаги 1-К сонли (08-01-91 йилги) буйруқ бекор қилинсин. У ўз ишига тиклансин ёки СССР ва республика меҳнат қонунининг 2 қисми 73 моддасига биноан иш билан таъминлансин.

— Меҳнат дафтарчасига тегишли ўзгартириш киритилсин.

— Кўрилган тадбирлар ҳақида уч кун ичида соғлиқни сақлаш бош бошқармасига, бошлиқ ўринбосари ўрт. Д. Махсумовга хабар берилсин.

Минг афсуски, бу буйруқ ҳам ўз ижросини топмади. Л. Михайлова бошқарма бошлиғи буйруғини бажармади. Демак, танбеҳ бош врачга бурга чаққанчалик ҳам таъсир қилмаган. Шундан сўнг ўз буйруқлари фақат қоғоздагина қолиб кетганини тан олган, Л. Михайлованинг ҳақиқатан ҳам зўрлигига ишонган бош бошқармадагилар М. Шукуллаевага қуйидаги мазмунда хат йўллайдилар:

«...Собир Раҳимов район прокурори томонидан 1991 йилнинг 22 январида келтирилган Д-16 рақамли қаршилик хати асосида соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 1991 йил 5 июндаги № 339 қарори билан Сиз ўз ишингизга қайта тиклангансиз. Лекин хўжалик ҳисобидаги 2-стоматология поликлиникасининг бош врачи ўрт. Л. Н. Михайлова томонидан бу қарор шу кунгача бажарилмай келинаётганлиги туфайли Сиз Собир Раҳимов район халқ судига мурожаат қилишингиз мумкин.

И. Ҳ. ҲОШИМОВ,
Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи муовини».

Ушбу жатни ўқиб ҳайрон қоласан киши. Наҳотки шаҳар шунчалик бедарвоза бўлса. Битта бош врач прокурорнинг ҳам, ўзидан юқори ташкилотнинг ҳам қарорини бажаришни хоҳламаса-ю, улар индамай кузатувчилик қилишса. Унда қонунни ҳимоя қилувчи бу идоралар нинг обрўси неча пуллик бўлди?

Бу орада Мавлуда Шукуллаева ҳам бўш ўтирмади, хатда айтилганидек Собир Раҳимов район судига мурожаат қилди. Одил суд одил ҳукм чиқаради, мени ўз ўрнимга тиклай олади деган умидда эди у. Афсуски, унинг бу умиди ҳам саробга айланди. 1991 йилнинг 20 декабрь куни бўлиб ўтган суд мажлисида «...Район прокуратураси томонидан М. Шукуллаева қонунсиз ишдан бўшатилгани масаласи текширилиб, ўз ўрнига тиклаш бўйича протест келтирилгани, яъни даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилгани учун ушбу фуқаролик иши ҳаракатдан ётқизилсин» деган ажрим чиқарилди. Ва шу билан ҳаммаси тугади.

Юқоридаги ҳужжатлардан кўриниб турибдики, Мавлуда Шукуллаева ишдан ноқонуний бўшатилган. Ҳамон мансабдор шахс томонидан унинг фуқаролик ҳуқуқлари поймол қилинмоқда. Унга нафақат маънавий, балки катта моддий зарар ҳам етказилди.

Ўтган йилнинг бошидан буён республикада нархнаво ўн-йигирма баравар ошиб кетди. М. Шукуллаева салкам бир ярим йилдан буён ўзининг нафақасини ҳам, болаларининг товон пулини ҳам ололмайди. Икки фарзанди билан эрининг аспирантлик стипендиясига яшашга мажбур. Аммо бу ҳеч кимни ташвишга солаётгани йўқ. Жумҳуриятда битта бош врачни тартибга чақириб қўядиган, адолатни охиригача тиклайдиган идора топилмаяпти. Топилган идоралар эса ўз қарорларининг ижросини назорат қилишни унутиб қўяяпти. Балки кучлари етмаётгандир. Чунки Лариса Михайлова ҳаммадан зўр-да.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ

АДИБГА ЁДГОРЛИК

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла ўнлаб дилбар ва латиф шеърлари, бир қанча кино асарлари, «Нодирабегим» каби пьесалари, халқчил насрий асари билан халқ хотирасида ёдгорлик ўрнатиб кетди.

15 апрель куни таниқли шоирнинг сафдошлари, шогирдлари ва муҳлислари унинг қабри устига хотира лавҳаси — барельеф ўрнатилиши муносабати билан Чиғатой қабристонига йиғилдилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов адиб хотирасига ўрнатилган ёдгорлик унинг серқирра ижодига бўлган ҳурмат рамзи эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, таниқли ёзувчилар Саид Аҳмад, Иброҳим Раҳим, Аскад Мухтор, адабиётшунос олим Наим Каримов йиғилганларга дилкаш ва меҳрибон ҳамкасблари Туроб Тўланинг ёркин инсоний фазилатлари, ижодий ва жамоатчилик фаолияти ҳақида сўзлаб беришди.

Маросимда шоирнинг оила аъзолари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари қатнашишди.

ҚАЙСИ ТАРИХНИ ЎРГАНАМИЗ?

ДОРУЛФУНУН ТАЛАБАЛАРИГА ҳар гал «ХХ аср сиёсий тарихи» курсидан маъруза ўқиганимда уларнинг юзларида дилларидаги туғён ифодасини кўраман. Баъзан бу туғён уларнинг тилларига кўчиб саволларга айланади: «КПСС тарихи» онгимизни хиралаштирганди, «ХХ аср сиёсий тарихи» бизга нима берарди? Ундан барибир «КПСС тарихи»нинг ҳиди келади-ку! Нега ҳамон ўзимизнинг қолиб бошқаларнинг тарихини ўрганамиз? Шу чоққача буюк бобокалонларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт, идеал жамият тўғрисидаги ғоя ва таълимотларини бошқаларнинг деб ўрганиб келганимиз етмасмиди?..»

Бу аччиқ ва истеҳзоли саволларга [illegible] қудрат жавоб бераман. Лекин жавобларимни янги-янги фикр, мулоҳаза ва далиллар билан бойитсам-да, баъзан уларни оқ қоғозга туширишга ботинолмай, «айтсам тилим, айтмасам дилим...» деган мулоҳазага берилардим.

«Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деганлари рост экан. Утган йили 25 сентябрда ҳаммаси юзага қалқиб чиқди. Шу куни жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ХХ аср сиёсий тарихи кафедралари мудирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда Узбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши муносабати билан «ХХ аср сиёсий тарихи» курсининг олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанлар сафидаги ўрни ва роли масаласи биринчи марта муҳокама қилинди. Кенгашда ҳамма ўз фикрини айтди. Жумладан, мен ҳам кўнглимда борини ўртага ташладим. Афсуски, менинг фикр-мулоҳазаларим ҳамкасбларимнинг кўпчилигига маъқул бўлмади.

Орадан еттн ой ўтди. Бу вақт ичида ижтимоий-сиёсий ҳаётда кўп ўзгаришлар бўлди. Энг муҳими, «қизил империя» барҳам топди, мустақил давлатлар юзага келди. «ХХ аср сиёсий тарихи» курси хусусидаги мунозаралар эса ҳамон олий ўқув юртлари илмий кенгашларида, ўзаро суҳбатларда расмий ва норасмий равишда давом этмоқда.

«Сиёсий тарих» ва «сиёсатшунослик» курслари олий таълимдаги собиқ ҳукмрон курслар — «КПСС тарихи» ва «Илмий коммунизм» курслари ўрнига, улар фан сифатида ўз нуфузини йўқотганидан сўнг шоша-пиша жорий қилинди. Ҳозирча уларнинг иккаласининг ҳам ҳали олий таълимдаги ўрни аниқ белгиланган йўқ. Улар ўз илмий йўналишларига ҳам эга эмас. Ижтимоий-инсонпарварлик таълимига, аниқроғи, унинг муҳим таркибий қисми — ижтимоий-сиёсий тарихга муносабат ҳар хил, уни ҳамма ўзича талқин қилишга ошмоқда. Кўп жойларда масала ярим-ёрти, охиригача ўйлакмай ҳал қилинмоқда. Олий ўқув юртлари ўзларига берилган «мустақиллик»дан тўғри ва истиқбол манфаати йўлида фойдалана олмаяптилар. Масаланинг эркин ва мустақил ҳал қилиниши яхши, аммо у ўзбошимчаликка айланиб кетаяпти. Оқибатда мутахассислар сифатига салбий таъсир қилиш хавфи кучаймоқда. Бу — биринчидан. Иккинчидан, миллат ва унинг мустақиллиги, келажаги манфаатига оид масалалар «ички имконият» ва баъзи раҳбарларнинг ҳоқиш-иродасига қараб ҳал қилиниши ҳеч қандай асосга эга эмас. Бу шўро даврида бўлганидек, яна ўзини-ўзи алдаш, бирининг дўпписини иккинчисига кийдиришдан иборат. Қолаверса, ҳали суяги қотмаган «ХХ аср сиёсий тарихи» курсига талабалар ва жамоатчиликнинг муносабати ҳам ниҳоятда яхши эмас. Бунинг сабаби, бизнингча, баъзи ўқитувчиларнинг собиқ «КПСС тарихи» курси «тутқинлигидан» ҳали тўла қутила олмаганликларида, янги курснинг номи ҳамда мазмунидаги ноаниқлик ва номутаносиблик, шунингдек, илмий асосланган аниқ концепция ишлаб чиқилмаганлигида: Негаки, «ХХ аср сиёсий тарихи» деганда Ватани ва ҳудуди номаълум, эгасиз сиёсий тарих тушунилади. Умуман олганда, мавҳум бир асрлик сиёсий тарих курси ўқитилишининг ўзи кишига ғалати туюлади. Бу ёғини сўриштирсангиз, яна 8 йилдан сўнг ХХI аср бошланади. Кейин нима бўлади? Курснинг номи яна ўзгарадими?

Бизнинг кузатишимизча, вазирликдаги кенгашдан сўнг уч хил фикр шакилланди:

1. ХХ аср сиёсий тарихини ўқув жараёнидан бутунлай олиб ташлаб, ўрнига Узбекистон тарихини ўқитиш.

2. ХХ аср сиёсий тарихини сақлаб қолиб, унда Узбекистон тарихига кенг ўрин бериш.

3. ХХ аср сиёсий тарихи ўрнига Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихини ўқитиш.

БИРИНЧИ ФИКРДА БИРОЗ ЭҲТИРОС ва шошма-шошарлик бор. Бизнингча, сиёсий тарихни бутунлай инкор этиш тўғри эмас. Бу бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдиришдек гап. Асосий эътибор биз қайси сиёсий тарихни (аниқроғи, кимнинг сиёсий тарихини) ўқишимиз керак, деган муаммога қаратилса, тўғри бўларди.

Иккинчи фикр ҳам маромига етмаган. Гарчи унда Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихига катта эътибор бериш ваъда этилган бўлса-да, «бошқаларники» биринчи, ўзимизники эса иккинчи ўринга қўйилган. Аслида, аксинча бўлмоғи керак.

Учинчи фикр, назаримда, янгича илмий йўналишга эга. Бу ўтган йили биринчи марта Тошкент Давлат дорулфунунининг гуманитар факультетлари сиёсий тарих кафедрасида камина томонидан кўтарилиб, маълум мунозаралардан сўнг қабул қилинди. Ҳозир кафедра аъзолари ўзлари тузган ушбу «Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи» курси дастури бўйича ўқув қўлланмаси яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

Албатта, биз тузган дастур ягона эмас. Кейинги пайтда яна иккита дастур яратилди. Уларнинг бири «Сиёсий тарих» деб номланган бўлиб, таниқли олим, профессор А. Абдунабиев томонидан тузилган. Унда асосий эътибор, Урусия, дунё, сўнгра Узбекистонга қаратилган. Бизнингча, бунинг акси бўлса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Иккинчи дастур — «Узбекистон сиёсий тарихи» Тошкент Давлат дорулфунуни қошидаги ижтимоий-инсонпарварлик фанлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш институти сиёсий тарих кафедрасида бир гуруҳ олимлар томонидан тузилган. Иккала дастурнинг ҳам номи уларнинг мақсад ва мазмунига тўғри келмайди. Уларда эскича сиёсатга ўта мойиллик билан бирга чала маъно бор. Сиёсат ижтимоий ҳаётнинг акси ёки унинг асосида юзага келади. Сиёсат ва ижтимоият бир-бири билан узвий боғлиқ, умумий тушунча. Шунинг учун уларни иккига бўлиш тўғри бўлмайди. Курснинг вазифаси ижтимоий ҳаёт ва тузум ҳамда уларнинг бағрида воқе бўлган сиёсат, ижтимоий-сиёсий ҳаракат ва фирқалар фаолиятини ўрганишдан иборат. Шунинг учун курснинг номи «Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи» деб аталса, тўғри бўларди.

Учала дастур ўз тузилиш услуби ва мазмуни, тарихий ҳақиқатга ёндашиш нуқтаи назарига эга. Уларга катта илмий-ижодий ва ақлий меҳнат сарфланган. Кўпгина эскича илмий тушунча ва атамалар янгича талқин этилган. Бироқ дастурларда камчиликлар ҳам бўлиши табиий. Чунки улар янги предмет, аниқроғи, фан яратиш соҳасидаги дастлабки қадамлар. Энг муҳими, собиқ КПСС тарихи мутахассис-олимларининг эътибори тобора Узбекистон тарихига қаратилаётганида, ўта фирқавийлик ва коммунистик ғоявийлик принциплари барҳам топаётганлигидадир.

Кўп фикрлилик асосида пайдо бўлган бу дастурларнинг ҳаммасида, бизнингча, яна бир долзарб масала унутилган ёки онгли равишда эътибордан четда қолдирилган. Муаллифлар «ХХ аср сиёсий тарихи» курси таъсирида бўлганликлари учунми, асосий диққатни XIX асрнинг иккинчи ярми ва ХХ асрга қаратадилар, гўёки туркий халқлар тарихида уларни Урусия босиб олгунга қадар ҳеч қандай ижтимоий-сиёсий фикр, ҳаракат ва воқеалар бўлмагандай. Бу ҳолда янги туғилаётган «Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи» курсининг вазифаси, мақсади, нуфузи ва хронологиясини тўғри белгилаб бўлмайди. Зеро, қилинаётган ишлар кўлами ва сифати ҳали қувонарли даражада эмас.

Утган йилдан эътиборан олий ўқув юртларининг гуманитар факультетларида 140, тарих факультетларида 220, табиий факультетларда 70 соатлик «Узбекистон тарихи» курси ўқитила бошланди. Жумҳурият халқ таълими вазирлиги 1992—93 ўқув йили учун белгилаган режада эса тарих фанлари учун жами 680 соат ажратилган бўлиб, шундан фақатгина 187 соати Узбекистон тарихини ўқитишга қаратилган.

Ҳозир қарийб ҳамма олий ўқув юртларида «ХХ аср сиёсий тарихи» курси Узбекистон тарихи билан параллел, кўп жойларда эса бир кафедрада ўқитилмоқда. Уларга ажратилган соатларда катта фарқ бор. ХХ аср сиёсий тарихига ўртача 100—120 соатдан ажратилган. Қисқаси, олий ўқув юртларида Она тарихга муносабатда адолатсизлик тўла барҳам топгани йўқ. Бундан ташқари, коммунистларча қизиллик «касалиг»га муккасидан чалинган айрим ўқитувчилар Узбекистон тарихи ёшлар билим доирасини чеклаб қўяди, деган шубҳадан қутула олмаяптилар.

БИЗНИНГЧА, ОНА ТАРИХИМИЗГА ҳам давлат мақоми бериш, унинг «оқ ва «қора» доғлардан бутунлай холи дарсликларини ёзиш, дастурларини тузиш ва ўқитиш бўйича махсус давлат барномасини ишлаб чиқиш вақти етди. Давлат дастурида бир вақтнинг ўзида муҳим икки босқичли жуда катта илмий-ижодий ва таълим-тарбия ишлари назарда тутилмоғи зарур. Биринчидан, ҳар томонлама мукаммал Она тарихимиз яратилиши ва амалга оширишини кутиб турмай ҳозирданоқ бор имкониятлардан фойдаланиб, ШСЖИ тарихи ўрнига Узбекистон тарихи мактаб ва олий ўқув юртларида кенг ўқитилиши керак. Иккинчидан, Она тарихнинг олий таълим учун мосланган махсус юқори босқичини — энг қадимги даврдан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олган Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи курсини яратиш алоҳида эътибор берилса, айни муддао бўлади.

Келажакда албатта ҳозирги сунъий ва объектив тўсиқлар барҳам топиб, Узбекистон тарихи мактабларда кенг ўрганилади. Ана шундан сўнг уни олий ўқув юртларида такрорлашнинг ҳожати қолмайди. Шунинг учун олий таълим учун махсус Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи курсини яратиш керак. Бу, шубҳасиз, осон ва тез орада бўладиган иш эмас. У янгича дунёқараш ва мозийни демократик асосда бегараз идрок қиладиган жуда катта илмий-ижодий кучни, маблағларни бир нуқтага тўплашни, шунингдек, маълум ўтиш даврини тақозо этади.

Бизнингча, «ўтиш даври» икки босқичда бўлиши керак:

1. Шу йил сентябридан ХХ аср сиёсий тарихи ўрнига Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи ҳозирча XIX аср ўрталаридан бошлаб 60—70 соатлик курс сифатида ўқитилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун юқорида тилга олинган дастурлардан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, Узбекистон тарихининг мактабларда кенг ўқитилиши амалга ошгунча, у олий ўқув юртларида ҳам энг қадимги даврдан бошлаб, параллел ўқитилиши зарур. Унинг соатлари миқдорини ўқув жараёнидан «СССР тарихи» ва «ХХ аср сиёсий тарихи» курсини олиб ташлаш эвазига 240 соатгача кўпайтирса бўлади.

2. Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихини яратиш давлат аҳамиятига молик иш. Шу боис ҳукумат томонидан олимлардан махсус саралланган гуруҳ тузилиб, унга қулай шароит яратилса, маблағ ажратилса, аниқ вақт белгиланса, мақсадга тезроқ эришган бўлардик. Бу ўринда адабиётчи олимлар тажрибасидан фойдаланиш ҳам мумкин. Утган йили уларнинг бир гуруҳи «таашаббуси билан жумҳурият Вазирлар кенгаши оталиғида «Узбек адабиёти тарихи» курсининг икки намунада янги дастури лойиҳаси тайёрланди. Улардан бири таилаб олинди, матбуотда эълон қилинди. Ҳозир бу дастур муаллифлари дарслик яратиш борасида қизғин ижодий услубий меҳнат қилмоқдалар.

Баъзи кишиларда «Ижтимоий-сиёсий тарих курсини яратиш ва уни ўқитиш шартми, ҳозир жамиятнинг ўта сиёсатлашувига қарши ҳаракат кучли-ку?» деган савол туғилиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки салкам бир асрлик шўро даврида бизда яккаю ягона қизил сиёсат ва мафкура катта қон тўкиш, тазйиқ ва хўрлаш каби ноқонуний йўллар билан жамият негизига, кишилар онгига сингдирилди. Олий малакали мутахассислар сиёсатнинг мўмин қулига, олий мактаб эса уларни тарбияловчи қулхоналарга айланди. Ҳозир кишиларда коммунистик сиёсат ва унга бўктирилган ижтимоий-сиёсий «тараққиёт» тарихига нафрат кучайди. Аммо бу энди сиёсатдан бутунлай холи жамият бўлади, ижтимоий-сиёсий тарихни ўқитиш керак эмас деган тушунчани билдирмайди. Марксизм-ленинизм таълимотига янгича баҳо бериш даври бошланмоқда. Жамиятни иқтисодий ва сиёсий таназзул ботқоғидан олиб чиқиш, жумҳурият мустақиллигини барқарорлаштириш учун оддий фуқародан тортиб ҳукумат раҳбарларигача — барчасига тўғри сиёсий онг ва кураш тактикаси, ҳалол ижтимоий-сиёсий фаоллик, эзгу инсонпарварлик мафкураси сув ва ҳаводек зарур бўлиб турибди. Қува, Қўқон, Бўка, Паркент, Наманган, Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида бўлган қонли фожиалар бизда сиёсий маданият ўта пастлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳозир олий таълим тараққиётини ижтимоий-сиёсий ва инсонпарварлик асосида белгилашга интилиш бирдан бир тўғри йўл ҳисобланмоқда. Ижтимоий-сиёсий ва инсонпарварлик фанларига дунё олий ўқув юртларида катта эътибор берилади. Масалан, АҚШ олий ўқув юртларида бу фанларни ўқитишга ҳамма ўқув соатининг 30 фоизи ажратилган. Бизда эса бу жараёнга сарфланаётган ўқув соати атиги 12—16 фоизни ташкил этади.

ХУШ, «УЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИ» курсининг ўрганиш объекти ва ўргатадиган масалалари мажмуи нималардан иборат бўлиши мумкин? Бизнингча, ижтимоий-сиёсий тарих катта Она тарихнинг айнан ўзи эмас. Бу унинг ижтимоий-сиёсий жараёни, маълум тарихий бурилишлар давридаги тараққиёти ва инқирозлари, уларнинг сабаб ва сабоқларидан иборат бўлмоғи керак. Янги курс (фан)нинг илмий ўрганиш объектига Узбек халқининг энг қадимги даврлардан то ҳозиргача бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаёти киради. Унда ижтимоий турмуш, жамият ҳаётига оид турли диний ва ижтимоий-сиёсий ғоя, оқим, ҳаракат, гуруҳ ва фирқалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий тузумлар тараққиётига асосий эътибор қаратилмоғи керак. Шунингдек, буюк мутафаккир олим ва фозиллар фаолияти, уларнинг ижтимоий-сиёсий масалаларга оид асарлари, таниқли шоҳ ва давлат арбобларининг ижтимоий-сиёсий фаолияти, олиб борган ички ва ташқи сиёсати ҳамда ислоҳотлар ҳам янги фан ўрганадиган масалалар жумласига киради.

Узбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи энг қадимги диний ва ижтимоий-сиёсий ғоя ва ҳаракат — зардуштийликка бориб тақалади. У дунёга юнонча зоростризм номи билан танилган бўлиб, милоддан аввалги бир мингинчи йиллик бошларида Хоразм заминида туғилиб улғайган Зардушт томонидан асосланиб, Урта Осиё, Эрон ва Озарбойжонда ҳукмрон бўлган.

Эътибор беринг, марксизм кишиларни коммунизмда яшаш учун курашга даъват этса, зардуштийлик уларни яхши худога сиғинишга, бойлик орттиришга ўргатган. Иккала таълимот ҳам асосий эътиборни ижтимоий-сиёсий масала, инсоннинг яшаш тарзи ва келажагига қаратади. Шунинг учун ҳам бу иккала ва бошқа диний ҳамда дунёвий таълимотларни тарихий тараққиёт, ижтимоий-сиёсий жараён маҳсули деб тушунмоқ керак. Бироқ марксчаленинча таълимотни инсоният тафаккурининг энг юқори ва мукаммал нуқтаси деб, ўргача бўлган инсоният тафаккурига «ноилмий», «хаёлий», «диний-мистик» ва «буржуа синфи манфаатини ифода этади» деб бир томонлама баҳо берилиб, тамға босилди ва қарийб ўрганилмади. Биз хаёлий социализм таълимотининг ватани Ғарбий Овруп деб билдик ва ўқитдик. Аслида эса бу бошқача эди. Агар Ғарбий Оврупода хаёлий социализм XVI—XVIII асрларда шакланиб, XVIII аср охири XIX аср бошларида янги босқичга кўтарилган, Урусияда у XIX асрнинг 30—50-йилларида пайдо бўлган бўлса, бизнинг юртимизда X—XV асрлардаёқ кенг ривожланган эди. Унинг намоёндалари ўша даврнинг буюк мутафаккирлари Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий ва бошқалар бўлган.

ТУРГАН ГАПКИ, ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ диний-фалсафий, ижтимоий-сиёсий оқим ва ҳаракатларга жуда бой. Уларнинг барчаси Она мозий бағрида пайдо бўлиб, воқеликка айланган, бутун дунё илм аҳлига маълум ва машҳур бўлган, лекин ўзимиз учун тахи бўзилмай ётган қадриятларимиз силсиласидир. Бизнинг эндиликдаги вазифамиз уларни жамлаш, дунё мамлакатлари тарихи билан солиштириб, илмий хулосалаш асосида келажак авлодларга етказишдан иборат. Бу ҳозир барчамизнинг, айниқса, тарихчи-олимларнинг олдида турган энг долзарб вазифалардандир.

Сотимжон ХОЛБОЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

ИМТИҲОН МУАММОСИ

КАДИМ РИВОЯТДА келтирилишича, Арасту етти ёшга тўлгач, отаси Афлотуннинг олдига келиб, ўғлини шогирдликка қабул қилишни сўрайди. Афлотун имтиҳон шартлари оғирлигини маълум қилади. Ота ўғлининг ҳар қандай имтиҳон шартларини бажаришга тайёр эканлигини айтиб, уни Афлотуннинг ихтиёрига топширади.

Афлотун мурғак Арастуни юксак миноранинг тепасига чиқариб, у бир кечани ўша миноранинг устида ўтказиши кераклигини, агар тирик қолса, шогирдликка қабул қилишини билдиради. Гўдак зим-зиё кечада, қишнинг қаҳратон совуғида, увиллаган шамоллар қўйнида, яшириниб жон сақлагудек бошпанаси йўқ шипшийдам томда даҳшат билан юзма-юз қолади. Шунга қарамай, мудҳиш имтиҳондан эсон-омон ўтади: томда ётган харсанг тошни эрталабгача уёқдан-буёққа юмалатиб, ўзини-ўзи овунтиради.

Бу имтиҳоннинг ўзига хос афзалликлари бўлган. У бирданига боланинг бир қанча имкониятларини, жумладан, жисмоний, руҳий қувватини, ақл-идрокини, иродасини, меҳнатсеварлигини, илмга иштиёқини аниқлашга ёрдам берган. Бизнинг давримиздаги ўқишга кириш имтиҳонлари-чи? Улар қадимги имтиҳонлардек боланинг ички имкониятларини ҳар томонлама аниқлашга имкон берадими? Афсуски, йўқ. Аввало, танлов имтиҳонларининг нуқсонли жойи шундаки, имтиҳон топширувчи маълум бир фандан, масалан, ёзма иш (диктант)дан ҳеч қачон имтиҳонни «яхши» баҳодан ортиққа топширолмаслиги мумкин: диктант матнини шундай танлаш мумкинки, уни ўша диктант олаётган ўқитувчининг ўзи ҳам ҳеч қачон «яхши» баҳодан юқорига ёзолмайди. Демак, ўқишга даъвогар ўз кучи билан танлаган соҳасига кираман деса, беш йил қатнаб ҳам киролмайди. Бу фақат назарий фаразлар эмас, амалда ҳам шундай.

Борингки, даъвогар ўқитувчи ёллаб, пухта тайёрланиб бир амаллаб синовлардан ўтди ҳам дейлик. Четдан қараганда, у ўз кучи билан ҳалол кирди, лекин бу синов барибир ўқувчининг ўша соҳа бўйича қанчалик қобилияти борлигидан далолат берувчи мезон бўлолмайди.

Боланинг туғма қобилиятлари бўлади. Туғма қобилият эса ҳеч қачон маълум фандан олинган баҳо билан ўлчанмайди. Албатта, бола ўша фандан аъло баҳога ўқиши мумкин, лекин кўпинча мактаб дастуридаги билимлар, уни ўқитиш тарзи боланинг зеҳнини чарчатмайди, балки ўтмаслаштиради. Масалан, буюк математик, фазони забт этувчиларнинг отаси Циолковский мактаб программасидаги фанларни ўзлаштира олмагани учун «эси пастроқ» деб тўртинчи синфда гимназиядан ҳайдалган. Беш мингдан ортиқ оламшумул ихтиро қилган америкалик буюк олим Эдисон ҳам худди шундай сабабларга кўра мактабдан четлаштирилган. Бу мисоллардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўқишга даъвогарнинг шу соҳага муносиб-муносиб эмаслигини аниқлашда унинг мактабда олган баҳоси асосий кўрсаткич бўлолмайди.

У ҳолда боланинг билими ва қобилиятини қандай аниқлаш мумкин? Ўқув юртларига кириш учун танловда нималарга асосланиш керак? Бу мезонлар мажмуасини аниқлаш мутахассис-психологлар, ҳар бир соҳа бўйича юксак тажрибали мутахассисларнинг иши, бир одам ҳал қиладиган муаммо эмас. Лекин бир нарса аниқ-равшанки, болани ўқишга танлашда ёки бирон касбга йўналтиришда асосий кўрсаткич унинг ўша соҳага иштиёқи, қизиқиши, вақти ва меҳнатини аямаслиги бўлиши керак. Буни аниқлаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилиши ва мактабдаги мавжуд ўқув тизими тубдан ислоҳ қилиниши лозим.

ФИКРИМЧА, бу ислоҳотнинг биринчи шарти мактабни давлат инҳисорлиги (монополия)дан чиқаришдан иборат. Тўғри, давлатнинг энг биринчи ва асосий вазифаси ҳаммага баравар ва муяссар имконият, жумладан ўқиш имкониятини яратиб бериш. Лекин ҳаммани бир қолипга солишга интилмаслик лозим. Давлатимиз қўлидан келганича имкониятни яратиб қўйибди, бунинг учун раҳмат! Аммо энди давлат уддасидан чиқолмайдиган ишларни бошқалар қиламан деса, уларга йўл очиб бериш зарур.

Шу ақидадан келиб чиқадиган ислоҳотнинг иккинчи шарти давлат мактаблари билан давлат таркибидагидан ўзгача мактабларнинг беғараз рақобатидир. Бу шарт амалга оширилса, мактабда таълим-тарбия ишлари ўнгланиб, равнақ топади. Акс ҳолда, қанча қарор, қанча низом қабул қилинмасин, қутилган самарани бермайди.

Давлат тузумидан ҳоли мактаблар, табиийки, пуллик бўлади. Амалда бу ҳозир ҳам мавжуд, олий ўқув юртларига киришга тайёрловчи ҳар хил курслар, ўқитувчилар ана шу вазифани бажаришяпти. Бироқ улар мактабда бериладиган билимларни мунтазам шаклда бермайди, фақат маълум фанлар бўйича таълим беради. Агар биринчи синфдан бошлаб ана шу тарзда пул тўлаб ўқитилса, ўқувчи ҳамма фанлар бўйича белгиланган ҳажмдаги билимларни олган бўлур эди.

Ислоҳотнинг учинчи шарти мактаблар йўналишининг хилма-хиллигини таъминлаш, яъни ижтимоий ва табиий фанлар, махсус фанлар ва ҳунарларни чуқур ўзлаштиришга мўлжалланган давлат, ижтимоий ва шахсий мактабларнинг очилишига имкон яратишдир. Бунда ҳар бир шахснинг ички имкониятлари, қобилият ва истеъдодлари рўёбга чиқишига, равнақ топишига йўл очилади.

Ислоҳотнинг тўртинчи шарти — шахс эркинлигидир. Ҳар бир давлат фуқароси 16 ёшга тўлгач, ўқийдими ёки ишлайдими, буёғи унинг ихтиёрида бўлмоғи керак. Буни қонун йўли билан тасдиқлаш лозим бўлади. Чунки айрим ёшлар отаонасининг ёки бошқа кишиларнинг тазйиқи остида мажбуран ўқишади. Ҳолбуки, ўқиш ўқувчининг табиий эҳтиёжига айланиши керак. Бундай ёшлар учун ўқишга эҳтиёж сезган ҳар қандай лаҳзада, то умрининг охиригача, ҳар доим ўқув юртларининг эшиги очиқ бўлмоғи даркор.

Мактаб ислоҳотининг яна бир шарти, ёшлар ўн олти ёшгача давлат томонидан қишлоқ хўжалиги, қурилиш ишларига ва шунга ўхшаш бошқа оммавий тадбирларга мажбуран жалб қилинмаслиги керак. Ҳунар ўрганиш мактабларидаги жисмоний меҳнат бундан мустасно. Албатта, булар узоқ келажакка мўлжалланган масалалар. Хўш, шу кеча-кундузда нима қилиш керак, кириш имтиҳонлари қандай ислоҳ қилинса, ўқишга ҳақиқий истеъдодли болалар киришини таъминлаш мумкин?

Назаримда, ҳозирги мавжуд имтиҳонлар тизими, иш ҳақи тўлаш ва кадр танлаш йўли сақланиб қолса, бу иш ҳеч қачон амалга ошмайди. Чунки кириш имтиҳонларини ўтказиш ўта шартли нарса. Уни имтиҳон олувчилар бузмаслигига ва даъвогарларга «туртки» бермаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Масалан, 1990 йили ва ундан олдинги йили Иттифоқнинг турли жойларида ўтказилган такрорий имтиҳонда деярли ҳеч қайси ўқув юрти талабалари кириш имтиҳонларида олган баҳоларини ололмадилар.

Агар танлов қоидалари бузилса, адолат қарор топишига, ўқишга ҳақиқий синовдан муваффақиятли ўтган даъвогарлар киришига умид йўқ. Оқибатда ҳалқ онгида давлат ташкилотларига, институт ўқитувчиларига ишончсизлик уйғонади, эл-юртнинг руҳий ва ақлий қадриятларига путур етади. Шундай экан, бу аҳволга қатъий чек қўймоқ керак!

Биринчидан, ҳамма ўқув юртларида пуллик ва «бепул» ўқув гуруҳларини ташкил қилиш зарур. «Бепул», яъни ўқиш жараёни давлат томонидан таъминланадиган гуруҳлар учун даъвогарни ҳар томонлама синовдан ўтказадиган, жисмоний, руҳий ва ақлий имкониятларини аниқлайдиган имтиҳонлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва буларни аниқлашда беғаразликни таъминлаш учун имтиҳон жараёнини компьютер орқали ўтказиш керак. Шундан кейин ҳам ўқишга тасодифий кишилар кириб қолиб, ўқув жараёнида яхши ўзлаштиришга эришмаса, уларни дарҳол пуллик группаларга ўтказиш лозим.

Иккинчидан, кимнингки пул тўлаб, маълум соҳа бўйича ўқишга иштиёқи бўлса, унга чекламаган даражада имконият яратиб бериш жоиз. Олий ўқув юрти бўйича ҳамма учун дастур талаблари бир хил бўлиши, белгиланган муддатда фанларни ўзлаштиролмаган талабаларга муайян тўлов ҳисобига яна бир бор ўзини синаб кўриш имконини бериш мумкин.

Учинчидан, битирув имтиҳонларини буюртмачи (ташкилотлар ёки шахслар)нинг намояндалари иштирокида ўтказиш, битирувчининг билим савиясига қараб турли категориялар бериш, ўша категориясига мувофиқ ҳақ тўлашни жорий қилиш керак.

Булар биринчи босқичда амалга ошириладиган тадбирлар. Иккинчи босқичда юқорида айтиб ўтилганидек, бутун ўқув тизимини бошдан-оёқ ислоҳ қилиш зарур бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда чиқарган «Республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади, деган умиддамиз. Фармонга кўра, 1992—93 ўқув йилидан бошлаб тажриба тариқасида жумҳурият Халқ таълими вазирлигига қарашли педагогика институтларининг ҳамда жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли университетлар тегишли соҳа (ўқитувчи кадрлар тайёрлаш билан банд бўлган) факультетларининг кундузги бўлимларига мазкур фаолият турига мойил бўлган мактаб ўқитувчилари ҳамда бошқа тонфадаги ёшлардан иборат абитуриентлар синаб кўриш асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Ушбу тажриба Тошкент давлат техника университетида, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида, Тошкент автомобиль-йўл институтида, Фарғона давлат университетида, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ва Тошкент электр техника алоқа институтида ҳам ўтказилади.

Жамиятда инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатлар бор. Бу ҳақиқат эртами-кечми юзага чиқади. Уларни тезда англаб етиш ва тараққиёт учун энг тўғри, энг фойдали йўлларни танлаш эса шу соҳа мутахассисларининг, жонкуяр зиёлиларнинг, қолаверса, барчамизнинг вазифамиздир.

Аҳмад ҚУРОНБЕКОВ,
филология фанлари номзоди

АНДИЖОН. Бўз районда очилган кичик саноат корхонасида ҳар ойда 110 минг метр атлас тўқувчи цех ишлаб турибди. СУРАТДА: илғор тўқувчи Нонла рибдж. Файзиҳаҳмонова.

Ў. ҚУШВОҚОВ суратга олган

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

АСОРАТЛИ СЎЗЛАР

ТЕЛЕВИЗОРДА уч-тўрт ўзбек олимининг тил тўғрисидаги суҳбати намойиш этилаётган эди. Бир маҳал улардан бири «Инглизча ўргандим, немисча ўргандим, бу йил юрак учун французчани ҳам ўрганмоқдаман», деб қолди. Бу гапни эшитиб, унга: «Ўзбекчани ҳам яхши билиб олишингиз керак экан-ку», дегим келди. Чунки ўзбекчада бу ўринда «кўнгил учун» дейилади.

Диққат қилсангиз, биз анча-мунча сўзлар русчасида қандай бўлса, ўзбекчада ҳам ўзидек қилиб нусха кўчириб олаётганимизни кўрасиз. «Кўп раҳмат» ўрнида «катта раҳмат», «кўп йиллар» ўрнида «узоқ йиллар», «ош бўлсин» ўрнида «ёқимли иштаҳа», «сақич» ўрнида «живачка», «бултур» ўрнида «ўтган йил» деймиз. Ҳолбуки, ўзбекчада «ўтган йили» икки йил бурунги билдиради.

Русча сўзларнинг асорати шунчаларки, ҳатто мўътабар газеталардан бири «туршак» ўрнига «қуритилган ўрик» деб ёзишгача бориб етди. Бозорларда эса «посонги»ни «довеска» дейиш расм бўлган. Илгари биргина «и» қўшимчаси билан сўздан чиройли сифат ясаб, «ироқи совун», «фаранги рўмол», «Кобили шўрва» дердик. Энди ҳаммаёқда «японский зонтик», «индийский чой» деган сўзни эшитамиз.

«У ёки бу» деб нотўғри ибора ишлатилаётганлигини мавлоно Абдулла Қаҳҳор ҳатто ҳажв ҳам қилгандилар. Самараси қаёқда дейсиз? Ҳозир ҳам кўпчилик ана шу ибора ўрнида ўзбекча «бирон» сўзини ишлатмайди.

Оғирлик ўлчовларидан бири мисқол — 4 граммдан салгина ошади. Бу ўлчов бирлиги асосан заргарликда ишлатиларди. Энди пахтачиликка ҳам олиб ўтилди. «Пахтани сўнгги мисқолигача териб оламиз» деган жумлалар тез-тез учраб туради. Аслида «Пахтани сўнгги чигитигача териб оламиз», дейилса деҳқонча гап бўларди. Чунки етилган пахтанинг энг кичик ўлчови чигит бўлиб, бунда шу чигитни ўраган пахта момиғи назарда тутилади. Тола эса аслида момиқ дейилиши лозим.

«Чин дилдан» деган ибора ҳам русчадан кўчирилган. Ўзбек «сидқидилдан», «астойдил» деб ишлатади.

Уруш йилларида ва ундан аввал Жалақудуқ районидеб тўғри аталарди. Кейинчалик негадир Жалолқудуқ деб ёзила бошлади. Атайлаб «Географик номлар луғати»ни очиб кўрдим. «Жалақудуқ» деб равшан ёзиб қўйилибди. Демак, бутун бир шаҳарнинг номи бузиб русчасига айтилади. Китоб шаҳри икки оқар сувнинг кифтидаги ерда жойлашганлиги боис халқ унга Кифтиоб деб ном қўйган. Бу номни тикламоқ зарур. Негаки, шаҳарнинг номи ўқиладиган китоб маъносини бермаслиги керак!

Русча иборалар таъсири остида бир драматик асарга «Кимга тўй, кимга аза» деб ном қўйилибди. Ҳолбуки, бизнинг тилимизда «Бировга тўй, бировга аза» деган гап бор.

Худди шунингдек, «Қизил ярим ой» жамияти дейиш ҳам нотўғри. Жамиятнинг рамзи бўлмиш ой кўринишини биз «ҳилол» деймиз. 20-йиллар матбуотида бу ибора «Ҳилоли аҳмар» деб олинган. Булар арабча сўзлар-ку деб эътироз билдирсангиз, «қизил ой» дейилса «ой» «ҳилол» маъносини бераверади. Ҳарқалай, русчадан кўчган «ярим»га ҳеч бир эҳтиёж йўқ.

Абдулла Қодирий 20-йилларда ёзган ҳикоя, мақолаларида ҳозир «бизнесмен» ўрнида олинаётган ясама «

Биз яқин-яқинларгача ўзбеклар ҳам жаҳондаги катта сиёсатга аралашса, Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб дунёда ўз қонуний ўрнини эгалласа, олимларимиз хориждаги ҳамкасблари билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилса, баҳс-мунозаралар олиб борса, ўз мухбирларимиз чет эллардан хабарлар юбориб турса деб орзу этардик. Мана, эндиликда ана шу эзгу ниятларимиз аста-секин рўёбга чиқаётир. Бунинг исботини жумҳуриятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кузатиш мумкин. Жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар, шубҳасиз, ҳафталигимиз фаолиятига ҳам ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Буни ҳар бир зийрак газетхон кўриб, билиб турибди. Масалан, жумҳуриятда биринчи бўлиб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» Америкадаги ўз мухбири Хайрулла Исматулланинг АҚШдан йўллаган мақола ва хабарларини 1991 йилнинг бошлариданоқ ўз саҳифаларида мунтазам равишда эълон қила бошлади. (Тўғри, таниқли тилшунос олим ва таржимон Х. Исматулла идорамизда ишламайди, у бизнинг жамоатчи мухбиримиз. Бироқ бу масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди.) Газетамизда ўз мухбиримизнинг янгиликларга бой ўнлаб мақолалари босилди ва ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Ҳафталигимиз саҳифаларидаги энг нуфузли рубрикалардан бири — «Ўзбеклар ва дунё» ҳам Х. Исматулла мақоласи билан очилди. Биз олимимиз мақолаларини долзарблигига қараб, имкони борича, тез-тез ёритиб бормоқдамиз. Бироқ, имкониятимиз бўлмаганлигидан айрим мақолаларни, улар аввалроқ келган эса-да, ҳамон аҳамиятини заррача камайтирмаганлиги туфайли, сал кечроқ бўлса-да, эълон қилиб турибмиз. Ҳафталигимизнинг бугунги сонидаги мақола ҳам шулар жумласидандир. Ўйлаймизки, мақола ўқувчиларга кўп янгилик беради.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

Хайрулла ИСМАТУЛЛА

ХАЛҚАРО ЙИҒИНЛАРДА ЎРТА ОСИЁ

Махсус мухбиримиз Америкадан ёзади

БУНДАН БИР ЯРИМ ЙИЛЧА АВВАЛ АҚШнинг Висконсин штати маркази Мэдисон шаҳридаги университетда «Ўрта Осиёда тил, миллий-пик ва ижтимоий тузум: 1100—1990 йиллар» деган мавзуда Тўртинчи Халқаро Ўрта Осиё анжумани бўлиб ўтган эди. Бу университетда сўнгги йилларда Ўрта Осиёга доир тадқиқотларга катта ўрин ажратилмоқда. Университетда тўққиз олимдан иборат «Ўрта Осиё маслаҳат комитети» тузилган. Комитет олдига қўйилган вазифа — энг қисқа вақт ичида Висконсин — Мэдисон университетида «Ўрта Осиё тадқиқот маркази»га асос солишдир. Дорулфунунда олимлар жумҳуриятларимиз тили, адабиёти, тарихи, ижтимоий ҳаёти бўйича тадқиқот ишлари олиб борадилар. Масалан, профессор Камол Карпат туркшунослик, профессор Улай Шомил ўғли Ўрта Осиё халқлари тиллари, асосан татар ва ўзбек тиллари, профессор Анатолий Хазанов антропология, профессор Винсент Фурниау тарих, тадқиқотчи Адиб Холид тарих, жадидизм бўйича лекциялар ўқийдилар, илмий тадқиқот ишлари олиб борадилар.

Яқин йиллар ичида бу университет Ўрта Осиёни тадқиқ этувчи ва шу соҳадан мутахассислар етиштириб чиқарувчи АҚШнинг яна бир марказига айланади.

Тўртинчи Халқаро Ўрта Осиё анжуманида мамлакатимиздан ўндан ортиқ турколог олимлар, жумладан Қозоғистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Мусаев, татаристонлик профессорлар — М. З. Закиев, М. Усмонов, Р. Фахрутдинов, қирғизистонлик Д. Чўнинбоева, А. Эркабоев, Озарбойжондан шайхулислом Аллоҳшукур Пошазода, ленинградлик Шчербак ва бошқалар қатнашдилар. Ўзбекистондан Оролни қутқариш комитетининг раиси Пирмат Шермуҳамедовнинг «Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг тарихий, маданий ва экологик масалалари» деб номланмиш маърузаси ҳам йиғилиш кун тартибидан жой олганди. Йиғилиш раисининг ахборотига кўра, П. Шермуҳамедов номаълум сабабларга биноан келолмаган. Ўзбекистондан Тошкентдаги Ўпка касалликлари институти ходими Абдулла Убайдуллаев қатнашди. У киши йиғилишда «Ўзбекистон экологияси ва ўпка касалликлари» мавзуида ўзбек тилида маруза қилди. Мазкур маърузанинг инглизча матнини Тошкент Чет тиллар педагогика институти ўқитувчиси А. Содиқов ўқиб берди.

Ўрта Осиё масалаларини ёритишга бағишланган бу Тўртинчи Халқаро йиғилишда Татаристондан жуда кўп мутахассислар қатнаша олгани ҳолда, бизнинг жумҳуриятларимиз жуда ҳам пассив иштирок этишди. Тожикистон ва Туркманистондан эса ҳеч ким қатнашмади. Тожикистон аёлларининг аҳволи ҳақида АҚШ Колумбия университетининг тадқиқотчиси, асли эронлик Шоҳбонухоним Тожбахш маруза қилди. Биздаги экологик инқироз ва аёллар тақдири ҳақида АҚШ Жанубий Каролина университети профессори А. А. Рорлих, «Туркманистонда ислом ва ошкоралик» мавзуида Вашингтон университетининг профессори М. Толмачева, Ўрта Осиёдаги демократик партиялар ва гуруҳлар ҳақида «Озодлик» радиосининг ходими Ч. Карлсон, ўзбек суфий тариқатининг Ҳиндистон ва Туркияга тарқалиши тарихи бўйича истанбуллик олим Т. Зарконе, Илк Ўрта Осиё адабиётларида русларнинг тасвирланиши мавзуида Иллинойс университетининг профессори М. Шориш маруза қилдилар.

Анжуманда ўқилган энг эсда қоларли маърузалардан бири — америкалик олим, Ҳарвард университети Ўрта Шарқ тадқиқотлари марказининг профессори Ҳ. Б. Паксойнинг маърузаси бўлди. Маруза ёш ўзбек ёзувчиси Алишер Ибодиновнинг «Гулистон» журналининг 1980 йил 9-сонида эълон қилинган «Қуёш ҳам олов» ҳикояси таҳлилига бағишланди.

Ҳ. Б. Паксойнинг фикрича, 70-йиллардан бошлаб Ўрта Осиёликларнинг она тилларида тарихий воқеалар тасвирланган ҳикоя, қисса, романлар сони ошган. Ўзбек ёзувчиси Алишер Ибодиновнинг «Қуёш ҳам олов» ҳикояси туркий халқ — ўзбек халқининг тарихи ҳақида тўғри маълумот берувчи асардир.

Ҳ. Б. Паксой тарихий, илмий манбаълардан, миллий жумҳуриятларимизда чоп этилган ишлардан унумли фойдаланган. Ҳ. Б. Паксой маърузасининг менга ёққан томони шу бўлдики, у Алишер Ибодиновнинг «Қуёш ҳам олов» асарини тўлалигича ўзбекчадан инглиз тилига таржима қилган ва тингловчилар ҳукмига ҳавола этган. Тадқиқотчининг ўзи фикр юритаётган асар билан бошқаларни ҳам таништириши илмда ҳалоллик ҳисобланади. Бу ҳусусият асарни, китобни кўрмасдан, ўқимасдан у ҳақда мақола ёзувчи айрим нотавонларга ўрнак бўларли бир фазилатдир.

Ҳ. Б. Паксой ўзбек ёзувчилари ҳикоя ва романлари орқали фақат шу кунги ҳаётнигина акс эттириб қолмасдан, балки аниқ тарихий ўтмишдан ҳам сабоқ олишга чақираяптилар, деб ёзади. Унинг фикрича, Алишер Ибодиновнинг (Ҳ. Б. Паксой ҳамма ерда «Алишер Ибодин» деб кўрсатган) асари ҳақиқий ўтмишни англаш учун кўприк вазифасини ўтайди.

Ҳ. Б. Паксойнинг маърузасида Алишер Ибодинов ҳикоясидаги қаҳрамонлар «Қутадғу билиг», «Девону луғатит турк»да эслатилган тарихий шахслар ҳамда озарбойжон ёзувчиси Жаўфар Жабборли-

нинг «Ўт келини» романи қаҳрамонлари билан қиёсланади. У чиқарган хулосага кўра, Алишер Ибодиновнинг «Қуёш ҳам олов» ҳикоясига ўхшаш асарлар тарихнинг ёзилмаган саҳифаларини чин ҳақиқий матнлар билан тўлдиришга ёрдам беради.

ПАКСОЙ — ЎЗБЕКШУНОС ОЛИМ. У ўзбек тарихи, адабиёти, кундалик матбуотини кузатиб боради, улар ҳақида илмий хулосалар чиқаради. Унинг «Босмачилик: Туркистон озодлик ҳаракати. 1916—1930», «Қозоқлар ва ўзбекларнинг келиб чиқиши» (1990), «Алпомиш» (1989) асарлари ҳам туркологлар диққатини ўзига тортади. Айниқса, унинг Ўрта Осиёни тадқиқ этиш АҚШ ассоциацияси томонидан 1989 йили чиқарилган, Абубакр Диваев хотирасига бағишланган «Алпомиш» монографияси эътиборга лойиқдир.

«Алпомиш» монографиясида Ҳ. Б. Паксой бу достонни «Ўғуз хоқон», «Тоҳир ва Зуҳра», «Манас» достонларига ҳамда «Дода Қўрқут» билан қиёслайди, ўхшаш томонларини кўрсатади ва «Алпомиш» достони халқнинг босқинчиларга қарши курашини тасвирловчи асар эканини қайд этади.

Ҳ. Б. Паксой китобининг бир бобини «Алпомиш» достонини бадном қилишга уриниш давлати ёзувчилари ва олимларининг ёзувлари ҳақида ёзган. Ҳ. Б. Паксой Абубакр Диваевнинг «Алпомиш ботир» достонининг араб ҳарфларига асосланган ёзувдаги нусхасини тўла келтиради ва унинг инглизча таржимасини батафсил изоҳлар билан китобига илова қилади. У хулосалар чиқараётганда ўндан ортиқ ўринда ўзбек фольклорист олими, филология фанлари доктори, ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими мудири Тўра Мирзаевнинг «Алпомиш» (Тошкент, 1969), «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари» (Тошкент, 1968) китобларига суянган.

Булардан ташқари, яна Ҳ. Б. Паксой ёзувчимиз Муҳаммад Али публицистикасига катта аҳамият бериб, унинг бир қанча мақолаларини инглиз тилига таржима қилган ва изоҳлаган («Ўрта Осиёни тадқиқ этиш ассоциацияси бюллетени», II том, 1989). Америкалик ўзбекшунос олим Ҳ. Б. Паксой яқинда «Ўрта Осиё ёдгорликлари» номли китоб ёзган.

Халқаро йиғилишдаги эътиборли маърузалардан яна бири Лос Анжелесдаги Калифорния университетининг профессори Андраш Бодроглигетининг «Чиғатой тилими ёки классик ўзбек тилими?» номли маърузаси бўлди. Тарихдан маълумки, хорижий шарқшуносликда янглиш равишда Армин Вамберидан бошлаб Лутфий, Атоий, Саккокий, Навоий, Бобур ва улардан сўнгги давр ёзувчиларимиз тили «чиғатой тили» атамаси билан номланиб келинади. Андраш Бодроглигети «чиғатой» атамаси ўрнига «классик ўзбек» атамасини ишлатиш вақти келганлигини исботлашга ҳаракат қилди. А. Бодроглигети қадимги Хоразм ёдномалари, Навоий, Гадоий, Яссавий асарларини ўрганиш соҳасида жуда катта тадқиқотлар яратган олимдир.

Висконсин-Мэдисон университетидаги Тўртинчи Ўрта Осиё халқаро йиғилиши шуни кўрсатадики, айрим жуда кучли илмий тадқиқотлар билан бирга жўн, фандан йироқ чиқишлар ҳам илмий тадқиқот сифатида тақдим этилмоқда.

ТЕХАС УНИВЕРСИТЕТИ 1990 ЙИЛ 10—13 ноябрь кунлари Сан Антонио шаҳрида Ўрта Шарқ тадқиқотлари халқаро бирлашмасининг йиғилишини уюштирди.

Ўрта Шарқ тадқиқотларига бағишланган мазкур йиғилиш ҳаддан ташқари катта доирада ўтказилди. Бу йиғилишга ҳам мен АҚШнинг Индиана университети номидан қатнашдим. Йиғилишда 69 (олтмиш тўққизта!) секция иш олиб борди. Ҳар бир секцияда ўртача 4—6 маруза ўқилди. Ҳар бир секцияни АҚШдаги муайян бир ташкилот, фонд молиявий таъминлашни бўйнига олган. Ўрта Осиё секцияси АҚШнинг Ўрта Осиёни тадқиқ этиш ассоциацияси томонидан маблағ билан таъминланган.

Биргина халқаро йиғилишда 69 секциянинг иш олиб бориши кўпчиликни ажабландириши мумкин. Бир неча йиллар мобайнида Эрон, Афғонистон, Форс кўрфази, Ироқ, Қувайт, Фаластин, Исроилга оид ечилмаган масалаларни ечиш, тинчлик билан ҳал этиш йўлларини ахтариш жаҳон олимларининг диққат марказида турибди. Бунинг устига СССР жумҳуриятларидаги катта ўзгаришлар бизнинг мамлакатимизга оид маданий, ижтимоий масалаларга ҳам бошқача ёндашишга чорлаяпти. Шу боис Шарқ масалаларини тадқиқ этувчи олимлар бир ерга тўпланишиб, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашиб олдилар.

Секцияларнинг номларини санаб чиқишга ҳам имконият йўқлиги учун мен бу ерда Ўрта Осиёга тегишли айрим маърузалар билангина таништириб ўтмоқчиман.

«Ислом фалсафасининг тараққиёти» секциясига бешта маруза тавсия этилган бўлиб, шулардан профессор Ч. Е. Ваттервортнинг «Ар-Розийнинг сиёсий таълимоти», профессор Д. Л. Блэкнинг «Ибн Синонинг мантиқий ва руҳий таълимоти», профессор П. Е. Волкернинг «Ислом таълимотида платонизм» каби маърузалари Ўрта Осиё фалсафасига қизиқувчилар эътиборини ўзига тортди.

Ўрта асрларда Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Эронда тасаввуф таълимоти тарихига бағишланган бошқа бир секцияда профессор Д. Дамрел «Нақшбандийликнинг ўтиш даври: Бобурийлар Ҳиндистонида Ўрта Осиёлик шайх», профессор С. Ф. Дейл «Ашрафийлар. Илк Бобурийлар Ҳиндистонида ахрорийлик», Ж. Э. Гросс «Темурийлар даври Ҳиротида нақшбандийлик: ҳақ одам ҳақ ерда ва ҳақ вақтдами?», профессор Д. Девис «Темурийлар Ўрта Осиёсида суфий Уайсийнинг фаолияти» мавзуларида маруза қилдилар.

Газетада ажратилган ўлчовли жойда мазкур маърузаларда кўтарилган фалсафий масалаларни батафсил ўқувчига етказиш амри-маҳол. Менингча, юқорида санаб ўтилган маърузаларнинг ҳар бири билан тўла равишда ўқувчини таништирмоқ даври келди. Тасаввуф таълимотини бизнинг ота-боболаримиз яратган бўлса-да, уни бутун Ғарб дунёси ўргангани ҳолда, ўзимизнинг ёш авлод ундан бехабар бўлса! Бу маърузаларда мени бир нарса қувонтирди: маруза ўқиган профессорларнинг барчаси ҳам ўз чиқишларида Навоий ва Жомийни четлаб ўтмадилар ҳамда ЎзФА Шарқшунослик институтининг директори, тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоевнинг Тошкент, Душанба ва Кобул шаҳарларида нашр этилган Навоий — Жомий хатларига бир неча бор мурожаат этдилар.

Йиғилишнинг «Ўрта Осиёда шу кунги маданий ва сиёсий йўналишлар» деб аталган секциясида профессор Улай Шомил ўғли (Висконсин-Мэдисон университети) Татаристон, профессор Гулиз Кўрўғли (Техас-Остин университети) Озарбойжондаги сиёсий йўналишлар, тил сиёсати хусусида, профессор Валтер Фелдман Ўзбекистондаги халқ шоирлари ва ўзбек халқ мусиқаси ҳақида, Нью-Орлеан университетининг профессори жадидизм бўйича АҚШдаги энг мўътабар мутахассис Эдвард Лаззарини қримтатарларнинг сиёсий ҳаётига оид маърузалар ўқидилар.

Мазкур Ўрта Шарқ тадқиқотлари халқаро бирлашмасининг йиғилиши Техас университетида ташкил этилганлигининг сабаби Техас университетининг кейинги йилларда шарқшуносликка жуда катта эътибор бераётганлигидандир.

Техас университетининг таклифига биноан, бир неча кун давомида мен бу университетнинг Остин, Коллиж Стейшн шаҳарларига жойлашган биноларида тил бўйича маруза-лар қилдим, талабалар [illegible] профессорлар билан учра[illegible]

Бу университетда [illegible] мутахассислари [illegible] икки профессо[illegible] Сёберг ва Гули[illegible] лабаларга дар[illegible]

Техас унив[illegible] йилдан бери [illegible] Овруп[illegible] тад[illegible] зи» фаол[illegible] 1988 йили [illegible] зирлиги [illegible] ни Сове[illegible] тадкик[illegible] милл[illegible] чет [illegible] марка[illegible] Рус [illegible] Осиё [illegible] Кавказ[illegible] жон т[illegible] ли кур[illegible]

ТЕХ[illegible] КУ[illegible] миллио[illegible] лардан [illegible] Совет И[illegible] Овруп[illegible] тари[illegible] қида.

Бу уни[illegible]нда нуфузли ва[illegible] ва Шарқбек [illegible]эди. Давлат[illegible]лари мар[illegible]ди, ўрис истибек, озарбо[illegible]лардан фойда[illegible] серб тилла[illegible] лабага алоҳ[illegible] муаллифини[illegible] пендия ажрат[illegible]н» экан деб [illegible]

Техас уни[illegible]бийк жоҳил[illegible]ларининг м[illegible] бу табиий[illegible]та Осиё жуга БХСЖ би[illegible]тига қизиқ[illegible]ўғли муҳар[illegible]ражада каторода босқин[illegible]

Университ[illegible]ҳидлар бухо[illegible]ўқитувчи[illegible]шарди. Лекин [illegible]рашганлар бизга бошқ[illegible] давомида яъни «оила но[illegible]сиёсий ҳаҳ[illegible]ли бу ҳолга[illegible]рини қ[illegible]ҳимоя қилишга [illegible] жавоб [illegible]н бошланиб [illegible] жумҳуриятлари сафидан [illegible]ётган ўзлари[illegible]ча [illegible]гагина тааллу[illegible] [illegible]масдан, балки [illegible] [illegible]барқ тараққиёт тараф[illegible]ларига қизиқтираётганлиг[illegible]нам[illegible]ниш этдилар.

Индиана университети
Урол-Алтой тадқиқотлари факультети,
Блумингтон,
АҚШ

БЕҲБУДИЙ АМЕРИКАДА

Нью-Йоркдаги Колумбия дорулфунунининг профессори Эдвард Оллворт «Ўзбек адабий сиёсати» (1964) китоби, сўнгги йилларда хорижий тилларда чиқадиган турли илмий журналлар ва театр қомусларида бостирган «Туркистон замонавий театрининг бошланиши» (1964), «Илк ўзбек драмасида ислоҳот ва инқилоб», «Рус Шарқида драма ва театр (Кавказорти, Татаристон, Ўрта Осиё»), «Падаркуш» — биринчи Ўрта Осиё драматик асари» (1979) ва бошқа тадқиқотларида XX аср бошларида Туркистондаги замонавий театрчилик ҳаракатлари, бунда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг асос солувчилик мавқеи ҳақида батафсил тўхталди. 1986 йили эса «Ўрол-Олтой йилномаси» журналида М. Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесасини унинг 1913 йилги муаллиф нашри (Самарқанд) асосида лотин ёзувида ўзбек ва инглиз тилларида нашр эттиради. Унга олим «Ўрта Осиё драмасида фожиавий асос» сарлавҳали мақолагина сўзбоши ҳам ёзади.

Э. Оллворт «Падаркуш»нинг мазкур ўзбекча нашрини М. Беҳбудийнинг Самарқанд нашри билан солиштирганимизда америкалик олимнинг драматург қаламига мансуб асл нусха асосида синчковлик билан асар қаҳрамонлари мансуб бўлган жонли сўзлашув ва ушбу хусусиятларини айнан сақлаб қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Биз «Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йилги 7-сонидаги нашримизда ҳам ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Салоҳиддин Мамажонов шахсий кутубхонасида сақланаётган Э. Оллворт нашридан фойдаланган эдик.

Тўғри, М. Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси 30-йиллари Ўзбекистонда профессор Абдураҳмон Саъдий ва Порсо Шамсийнинг «Адабиёт дарслари учун ёрдамчи материаллар» (1933), Ҳомил Ёқубов ва С. Паластрёвнинг «Адабиёт хрестоматияси» (1936) китобларида ҳам босилган эди. Лекин уларда сталинизм даврининг ғоявий-сиёсий тазйиқи таъсирида «Падаркуш»даги чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати оқибатида кириб келган ички-ликбозлик ва маънавий-ахлоқий бузуқликларни фош этувчи саҳналар (майхоначи армани Артун ва фаҳш аёл Лизанинг нодон бойваччаларни ўз пули ҳисобига бузуқликка тортишлари воқеалари) туширилган ва пьеса кейинчалик ҳам жумҳуриятда тўла нашр этилмай қолиб кетган эди.

Шу ҳолларни ҳисобга олганда, «Падаркуш» пьесасининг Э. Оллворт томонидан Америкада ўзбек ва инглиз тилларида нашр қилиниши фақат хориждаги ватандошларимиз учун эмас, балки Ўзбекистонда яшаб турган ўзбек китобхонлари учун ҳам биринчи тўла нашр дейиш мумкин. Бундан ташқари, олимнинг «Падаркуш»ни инглизчада нашр этиши унинг ўзбек адабиётининг Америкадаги ҳақиқий тадқиқотчиси ва тарғиботчиси эканлигини кўрсатади. Олимнинг бу фазилати унинг «Падаркуш»га ёзган каттагина сўзбошисида янада очиқ сезилади. «Маҳмудхўжа Беҳбудий (1874—1919), — деб ёзади Э. Оллворт ўша сўзбошисида, — мазкур регионда ўзининг биринчи драматик асарини ўз ватандошларига тақдим қилиш билан у фақат Ўрта Осиёдагина биринчи драматург бўлиб қолмай, унинг нашр этган бу асари драматургия янгича сўз санъатининг новатори сифатида майдонга чиқарди. Қизиғи шундаки, унинг бу биринчи саҳна асари муаллиф ижодида ҳам биринчи бадиий асар ҳисобланади. Чунки у бунгача кўпроқ дидактик йўналишда, яъни ҳозир биз публицистика деб юритадиган дарсликлар, журнал-газеталар, шунингдек, исломга оид тарихий-диний асарлар ёзган эди.

Беҳбудий «Падаркуш» драмасини 1911 йили ёзиб цензурадан ўтказгач, 1913 йили нашр этади. Ўша йили Самарқанддаги «Халқ уйи»да ўйналганда залга одам сиғмай кетган экан. Бундан ташқари, мазкур пьеса ўзидан кейинги пьесаларнинг саҳналаштирилиши учун бир тажриба намунаси бўлиб ҳам хизмат қилган. Адабий асарнинг драматик шакли айниқса янги усулни тарғиб қилувчи муаллифлар учун қулай эди. Улар кўпчилиги саводсиз бўлган ватандошларининг кенг оммасига ўз маслак ва ғояларини таъсирли ҳамда тушунарли тарзда етказиш учун саҳнавий ҳаракат ва кўринишлардан фойдаланишга уриндилар.

Ўрта Осиёда театр анъаналари бормиди? Ҳа, бор эди. Улар сайёр масхарабозлик, қизиқчиликлар, ўйинчилар эдилар. Европача маъ-нодаги театр эса асосан рус тилини билувчилар учунгина мавжуд эди. Шунинг учун ҳам мазкур пьесанинг ўзбекча ёзилиши айниқса унинг муҳим томони ҳисобланади.

Беҳбудий ўз пьесасини «фожиали воқеа» деб атайди ва у буни, Туркистондаги ҳамма балолар ёшлар ўртасида маърифатга аҳамият бермасликдан, одамлар табиатини унга илм бериш билан тузатиш мумкин, Туркистон ёшлари жаҳолат қандай фалокатларга олиб боришларини билиб қўйишлари керак деган мазмундаги фикрлар билан асослайди...»

Шундай қилиб, Колумбия университети профессори Эдвард Оллвортнинг «Падаркуш»нинг хориждаги ўзбекча ва инглизча нашрлари, сўзбошиси ва бошқа мақолалари америкалик олимнинг XX аср бошларида Туркистонда янги замонавий театрга асос солган Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодига берилган одилона баҳо деса бўлади.

Шералн ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон жумҳурияти ФА Алишер Навоий номидагн Адабиёт институтнинг катта илмий ходими

САНКТ-ПЕТЕРБУРГЛИК ЎЗБЕКШУНОС

Санкт-Петербург дорулфунунининг профессори, атоқли туркшунос ва истеъдодли таржимон Сергей Николаевич Иванов етмиш ёшга тўлди.

Сергей Николаевич ҳаётида таржимонлик алоҳида ўрин тутади. Олимнинг бошқа таржимонлардан фарқи шундаки, у туркий тиллар қонун-қоидаларини мукаммал билгани учун асарни рус тилига бевосита асл нусхадан таржима қилади. Сергей Николаевичнинг туркий тилни чуқур билиши XI аср ёдгорлиги Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарини муваффақиятли таржима қилишида қўл келди. Асар қанчалик муваффақиятли таржима этилганлигини китобнинг кейинги ўн йил ичида икки марта қайта нашр қилинганидан ҳам кўриш мумкин. У татар, бошқирд, озарбойжон, туркман шоирлари асарларининг ҳам моҳир таржимони ҳисобланади. Сергей Николаевич ижодида ўзбек шоирлари алоҳида ўрин тутади.

Олим қариб ўттиз йилдан бери Алишер Навоий асарларини рус тилига ихлос билан таржима қилиб келмоқда. У «Хазойин ул-маоний»даги юзлаб ғазаллардан ташқари чуқур фалсафий руҳдаги «Лисон ут-тайр» асарини ҳам моҳирлик билан рус тилига ўгирди. Таржиманинг муваффақиятли чиқишида олимга суфизм таълимотини яхши билиши катта ёрдам берди. Сергей Николаевич ўзбек адабиётида мураккаб жанр ҳисобланган туюқни шакл-шамойилини сақлаб рус китобхонига етказа олган ягона таржимондир.

Олим фақат Алишер Навоий ижодининг улкан тарғиботчисигина эмас, балки у улуғ шоир юбилейларининг фаол ва мунтазам иштирокчиси ҳамдир.

Сергей Николаевич шоир юбилейлари тантаналарида халқимизга ҳурмат юзасидан ўзбек тилида маруза қилади. Унинг 1968 йили Алишер Навоий театри минбаридан туриб ўзбекча нутқ сўзлаганини кўпчилик мароқ билан эслайди. 1991 йилги юбилей тантаналарида ҳам олим ўзбек тилида нутқ сўзлади. Биз ушбу кичик тўйхатда олимни етмиш ёши билан табриклаб, Алишер Навоий кейинги юбилейида сўзлаган нутқи матнини ўқувчиларга ҳавола этмоқдамиз.

Суйима ҒАНИЕВА,
Эргаш УМАРОВ

Сергей ИВАНО

ЖАҲОН АДАБИЁТИДА БЕҚИЁС СИЙМО

Бундан атиги бир неча ўн йил муқаддам «Алишер Навоий форсий анъаналарнинг туркий тилдаги тарғиботчиси эди» деган мулоҳаза ҳукмрон эди деб айтсак, ҳозир ҳеч ким ишонмайди. Чунки бугун бутун дунё Навоийни бутун жаҳон адабиётининг классиги деб билади. Сиз луғат ва қомусларда «бутун жаҳон адабиёти классиги» деган унвонни ва унинг шарҳини топа олмайсиз. Лекин бундай унвон бор ва бундай шарафли унвонга Навоий сингари асарлари дастлаб миллий маданият бойлиги бўлиб, шунингдек, байналмилал адабиёт хазинаси дурдоналари саналган, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни юксалтиришга хизмат қилувчи санъаткорлар лойиқдир.

Алишер Навоий бутун жаҳонга довруғ солгани бежиз эмас ва бунинг боиси унинг амалиёт ва ижодиётининг беқиёслиги, бемисллигидадир. Буюк шоир умрининг охирги йилларида ёзган «Муҳокамат ул-луғатайн» асарининг хотимасида шундай ёзади: «...ва ҳаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасиҳларига улуғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва ибораталари ҳақиқати, ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсийгўйларнинг иборат ва алфоз бобида таън қилур сарзанишидан қутулдилар».

Мен бу қисқа сўзимда буюк санъаткорнинг асарлари аҳамияти ва бадиийтини санаб ўта олмайман. Лекин менинг туркийшунос ва таржимон сифатида катта тажрибамга ишонинг: Навоий жаҳон адабиётида беқиёс сиймодир.

Бугун биз Ватанимизда улкан тантана ва байрам иштирокчиларимиз. Бу тантаналарга Петербург [illegible] нуни вакили сифати[illegible] рок этаётганлигимда[illegible] мамнунман. Шуни[illegible] ўтиш керакки, бундан қ[illegible]рийб бир юз эллик йил [illegible]авал — бир минг саккиз ю[illegible] эллик саккизинчи йилд[illegible] буюк Навоий ижодига б[illegible]ғишланган биринчи тўл[illegible] асар (монография) овруп[illegible] тилларида илк бор шу д[illegible]рулфунунда эълон қилинг[illegible] эди. Қизиғи шундаки, Навоий асарларининг эски ўзбек тилидан рус тилига бевосита таржимаси ҳам шу дорулфунунда, камина хизмат қилаётган шуъбада бундан эллик йил муқаддам бошланган эди. Мен бу ишга бевосита шериклигим билан фахрланаман.

Сўзим якунида шуни таъкидламоқчиманки, ўзбек халқи Навоий асарларига янги умр, янги шон, янги шуҳрат бағишлади. Буюк шоир ҳам қарзда қолмади. У ўзбекнинг ҳуснига ҳуси, донгига донг, савлатига савлат қўшди. Бугунги байрам — бунинг равшан исботи. Эътиборингиз учун раҳмат.

ОТАСИ ЎПМАГАН БОЛА

Бугун ер ташвишлари билан банд кишиларнинг осмонга қарашга вақтлари йўқ. Уларнинг нигоҳи оёқ остига қадалган. Кўзлар кўпроқ эълонларни: ишга, арзонроқ мол харид қилишга таклиф этаётган эълонларни қидиради. Бугун юлдузларга қарамай қўйишгандек. Мен бунинг сабабини излаб, ўйланаман. Ҳақиқатан ҳам, нега одамлар бирдан юлдузларга бегона бўлиб қолдилар? Осмонда юлдузлар борлигига ўзим ҳам қишлоғимга борганда, ўз ҳовлимиздан осмонга назар ташлаганимдагина гувоҳ бўламан. Шаҳарда осмон мен учун юлдузсиздай туюлади. Бироқ, ишонаманки, ўзининг торгина айвончасидан осмонга қараган одам менинг ҳовлимиздан туриб кўрганимдаги каби ҳолатга тушади. Негаки, ўша айвонча, унга қапишган уй унинг ватани. Ватан осмони эса юлдузли бўлади. Шарқ кишисининг табиати ўзи шунақа. Агар у зиндонда туғилиб, шу ерда яшаб ўтса ҳам зиндон туйнугидан унга юлдузли осмон қараб турадн. Бобур ҳазратларининг Ҳиндистонда туриб Андижон осмонига, унинг юлдузларига зориқканини эсланг. Юлдузли осмони йўқлар дунёдаги энг бахтсиз кимсалардир.

Вақт ҳам ватан мақомида биз учун. Бугун ўз осмонида юлдузларни йўқотиб қўйган биз — ўз ватани — Вақтини йўқотиб қўйган одамлармиз. Биз ҳозир оралиқ даврда — бировнинг уйида вақтинча яшаб турибмиз. Кўчкўронимиз тугунда. Фақат шу кунга зарур нарсалардан фойдаланиш — измимизда. Шунинг учун юлдузлар кўзимизга кўринмайди. Уларни кўриш имконини берадиган асбоб — шеърият филофда.

Бироқ, бизни минг ҳайратларга солиб шоир дўстимиз янгигина босмадан чиққан шеърлар тўпламини ҳадя сифатида қўлимизга тутади. Агар ўзи олиб келиб бермаса, уни дўкондан сотиб олишмайдигандек ҳисолат.

«Тадорик» («Ёзувчи» нашриёти, 1991) деб номланган тўпламни варақлай туриб, муаллиф дўстимиз юлдузли осмондан узилмай яшаётганига ҳавасимиз келади.

Негадир яхши шоирларнинг бировга, айниқса бошқа шоирга бағишлаб ёзган шеъри ҳам алал-оқибат ўзига бағишланган бўлиб чиқади. Балки, шоирлар шажарасининг бирлигиданмикан бу? Илҳом Аҳрорнинг «Чўлпоннинг сўнгги шеъри»даги ушбу сатрлар «Тадорик» тўпламининг ўзаги каби:

Наҳотки, йиғламоқ дилозорликдир,
Ўз кўнглимдан бошқа нени бузибман?

Илҳомнинг шеърлари жуда босиқ. Бирорта хитоб янграмайди унинг шеърларида. Синовлардан ўтган ҳақиқатлар ҳам босиқлик билан сўзлайди бу шеърларда.



Енгди Керак — Керакни,
Енгди Юрак — Юракни.
Даврни давр енгди,
Сабрни сабр енгди.
Енгди шўрлик — шўрликни.
Яхшилик — яхшиликни...

Бундай босиқлик боисини «Армон йўлидаги туйғулар» деб аталган туркумни ўқиган шеърхон бир қадар англайди. Икки-уч қатордан иборат, кўпи билан ўн қаторга чўзилган бу қисқа шеърлар отасиз рўзғордек ғариб. Отасизлик қўлнигина эмас, тилни ҳам қисқа қилиб қўяди. Орзулар ҳам қисқаради бундай азобдан.

Болалигим беғубор эди,
унда ўзга ҳаёт бор эди.
Сен у билан қолдинг.

Ўша «ўзга ҳаёт»да қолган ота билан бирга қўлу тилнинг узунлиги, орзуларнинг буюклиги қолиб кетган. Армон ва йўлларнинг узун йўли бошланган ундан.

Қолдирган дўстларнинг учун раҳмат,
лекин нега ғанимларинг билан
таништирмай кетгансан мени?!

«Қирқ ёшида қийилган» ота ҳаёт ҳақиқатлари билан ҳам фарзандини таништиришга улгура олмаган. Нотаниш ҳақиқатлар — номаълум душмандек гап. Улар билан тўқнашгандан сўнггина улар дўстга — тажрибага айланади.

Менинг-ку хотирамдасан,
укам сени эслай олмайди.
Укамга ачинаман, лекин яшаш
кўпроқ менга қийин, отажон!

Ҳақ гап. Хотира билан яшаш оғир. Отасини хотирлай олмайдиган укининг йўриғи бошқа: «Бу сенми? Отаси ўпмаган бола?»

Илҳомнинг шеърларидаги руҳ ўта ноёб, масъум руҳдир. Бу масъумлик ёпон шеъриятидаги масъумликни эслатади. Ёпон шеъриятн — азобланган дил меваларидир.

Бугунги кунда бинё етмиш йил ўзимизни алдаб келган

Равшан ФАЙЗ

...ОК СОҒИНЧИ

...ю...
...нфо...
бу ту...
кўчиб...
«КПСС...
...ралаштир...
...сий тари...
...рарди? Ун...
...тарихи»нин...
Нега ҳамон...
...либ бошқал...
ўрганамиз? Ш...
бобокалонлари...
...моий-сиёсий ҳаё...
...мият тўғрисидаги...
...лимотларини б...
деб ўрганиб кел...
...масмиди?..»
Бу ...ччиқ ва ...
...волларга ...
...воб бо...
...ларимни янги-ян...
...лоҳаза ва дал...
...бойитсам-да, ...
...оқ қоғозга ...
...тинолмай, «айт...
...масам дилим...
...ҳазага берил...
«Касални я...
...ск ошкор қ...
...рост экан. Ут...
...тябрда ҳам...
...қиб чиқди.
...рият Олий ...
...лим вазир...
...сий тарихи...
...дирларини...
...ўтди. Ун...
...мустақил ...
...қилиниши ...
«XX аср сиё...
...сининг олий ...
...ўқитиладиган ...
...даги ўрни ва ...
...биринчи март...
...линди. Кенгаш...
...фикрини айтд...
...мен ҳам кўнг...
...ўртага ташла...
...менинг ...
...ҳамкас...
...га ме...

Ер ...эй туғишган эл,
...мир, мен битта гулни
...деган танти ел
...аҳор бағрингдан юлди.
...дирга раҳматлар айтиб
...сак орзумга етдим:
...тмас девона, дайди
...ўга айланиб кетдим.
...ндим юрагим билан
...нинг жону жисмингга.
...на бу дунё бир кам —
...им йўқ, армоним мингта.
...нлар юрагим оғрир,
...ан сени, қишлоғим,
...ингни эслайман оғир
...урилган чоғим.

Туриб-туриб келади кўргим,
Сен-чи, сен ҳам садо бергин,
ҳой,
Билинарми ҳали ҳам ўрним,
Оғрийдими мен юлинган жой?

●

Қаҳратон қишларнинг қаҳри нимадир,
Аччиқ аёзлари, заҳри нимадир.
Бири кам дунёни тўлдириб оққан
Ғурбату ғамларнинг наҳри нимадир.

Нимадир надомат, маломат тоши,
Саратон селию кузак кўз ёши.
Ул очиқ кунларнинг ёди олдида
Нимадир баҳорнинг қовоғи, қоши.

Токи бутун экан оёғим, қўлим,
«Борса-келмас» бўлди танлаган
йўлим.
Бир бошга бир ўлим, дедим-да кетдим.
Титроқ сололмади танамга ўлим.

Доғули девлар-да, омон қолмади,
Айёр ажиналар алдай олмади.
Алпомиш шиддати, Темур руҳи ёр
Кўнглима ғанимлар ваҳм солмади.

Шиддатли шамоллар ўпдилар изим,
Замоннинг зўрига бермадим изн.
Кейин сен умримга бахш этдинг чирой,
Энди мен ўлимдан қўрқаман, қизим.

БУ ТУН

Хуршид ДАВРОНга

Тун. Манзарга чиқдим тонг кутиб —
Шовқин-сурон тегди жонимга.
Бу одамлар юрагин ютиб,
Тоза ташна қилди қонимга.

Тайёралар бўлганда канда
Қаторларда ўтар пишқириб.
Оддий бир сўз билан айтганда
Ҳамма тонгга шошар, ишқилиб,

Билиб-билмай, ҳатто ўзлари
Саҳарлардан кутиб шон-шараф,
Келажакка шошар ёш-қари,
Шошар тинмай олдинга қараб.

Тун-кун демай бечидам, бетин,
Билмай ором, билмай ҳаловат.
Югуради, ейди ич-этин,
Гоҳ бахт кўриб, гоҳи талофат.

Мен-чи, куздай ғариб, бенаво,
Деразадан турардим боқиб.
Келажакка қараб бир дунё,
Битта дарё борарди оқиб.

Озод ўйлар сочларин ўрдим
(О, бунча дўнг хаёллар арши)
Шунда ногоҳ бир шуъла кўрдим,
У борарди оқимга қарши.

Шовқин-сурон тўла дунёда
Қўлларида фонуси... ё раб,
Фақат бир зот пою пиёда
Кетар эди ўтмишга қараб.

●

Яна туман тушди намчил боғларга,
Кўзлардан ёшринди атроф-жавониб.
Алдандим мен ўттиз иккинчи марта
Бу шум шамолларга қаттиқ ишониб.

Энди куз... шафқат йўқ, ҳар қанча
тилан.
Ул маъюс шамоллар шамширдир,
ўқдир.
Баҳорни сирқираб соғинган билан
Бориб кўрмоқликнинг иложи йўқдир.

Алижон ИБРОҲИМ

СЕНДАН БЕЗА ОЛМАДИМ, ҲАҚИҚАТ

Одам боласи икки нарсани — ўлари билан тўярини билмайди. Шунинг учун бир-бировига озор бериб, ҳаққига хиёнат қилиб яшайди.

●

Калтакесак тили билан пашша овлаганидек, биз одамлар ҳам бир-биримизни тилимиз билан овлаймиз.

●

Куй ҳам куйгандан чиқади.
Қизиқ замон бўлди-да, ҳаммаёқ буюкларга тўлиб кетди, аммо мазлум халқнинг кўнглидаги куюк қолаверади, азалий армон бўлиб.

●

Авомликнинг белгиларидан бири шулки, ғорнинг ғорлигига, зўрнинг зўрлигига, ғўрнинг ғўрлигига худди шундай бўлиши керакдек кўникиб қўя қоладилар. Мен ҳам ўшалардан бириман.

●

Чидаяпман, яшаяпман ўз-ўзимни лаънатлаб...

●

Дадам мени алдаган эканлар, мен ҳам фарзандларимни алдаяпман уялмай-нетмай.

●

Тўрт карра тўрт ўн олти эканлигини билсам-да, ундай эмас деб, баралла айта оламан. Чунки мен ҳам кун ўтказиш учун нимадир қилишим керак-да.

●

Биз одамлар ғалатимиз-да, ўлганларни қайта-қайта ўлдириб турамиз.

●

Кўршапалак, сен зимистон тунда ҳам ўзингга йўл топа оласан. Биз одамлар эса ҳатто кундузи ҳам юрар йўлимизни топа олмаяпмиз. Сенга тасанно, кўршапалак.

●

Замондан бездим, ўзимдан бездим, сўзимдан бездим, сендан беза олмадим, ҳақиқат.



ЕНМА-ЕН ВА ҲАМФИКР. СУРАТДА: адиблар Асад ДИЛМУРОД ва Мурод МУҲАММАД ДЎСТ



Еқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ

ЖАННАТ ЭШИГИ

Сен ҳақсан, мен кеча эдим бир осий,
Маломат қилишга тилинг ўтади.
Унутган эмасдур мени ул соқий,
Сенга ҳам майи ноб келсанг етади.

Маломат қилабер, туну кун майли,
Тебратиб толмагин ғийбат бешигин.
Ким билар, фақат шу маломат балки,
Менга очиб берар жаннат эшигин.

ҚАЙТИШ

«Ё раббий, илмимни зиёда қилғил»
(Ҳадисдан)

«Ё раббий, илмимни зиёда қилғил»
Тиз чўкиб сўрайман тунлар худодан.
Қалбимда ўсган эй, шайтон, йиқилғил,
Сен билан бақамти кунлар худодан.

Пайтидур воз кечмоқ сенинг измингдан,
Турланиб турсанг-да букун қошимда,
Даҳшатлар қоларкан босган изингдан,
Англадим, во дариғ, қирқ беш ёшимда.

МУСУЛМОН ДАРАХТ

Азизлигинг билдим Хурмо дарахти,
Дарахтлар ичинда энг азиз ўзинг,
Сенда кўрдим шу дам дунёнинг бахтин,
Бунчалар улуғдир ризқи ҳам рўзинг.

Тўкилмас баргларинг — яшил байроқлар,
Ҳилпирар қалбимда мангулик даъват.
Кўз тикиб яшайди сенга авлодлар,
Эй, Хурмо, азизим — мусулмон дарахт.

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

Нимадир ҳаловат асли дунёда?
Фарзанддан тинчишми? Ёки тўқ ҳаёт?
Етмиш ёш, саксон ёш ёки зиёда
Яшамоқ эрурми, қандай у нажот!

Нимадир ҳаловат, қайси рангда у?
Ҳаловат бахш этур қайси замона?
Бир овоз юксакда янграйди мангу:
«Иймон ҳаловати бордир ягона!»

САБОҚ

Ҳар тонгда тинглайман шундайин бир сас:
«Сен майли ҳам Шарқу Ғарбга қарагил,
Моҳият қай томон қарашда эмас,
Бор бўлсанг то охир динга ярагил!»

Ҳар кеча оламан руҳоний сабоқ:
«Одам ҳеч одамдан бўлмас зиёда.
Ёнаркан токи ул минглаб Қорабоғ,
Билгилки, миллат йўқ, дин бор дунёда».

ТУШ

Мулла бобо, кеча сизни туш кўрдим,
Кузатиб турибсиз жаллодни зимдан.
Мулла бобо, сиз тириксиз, мен ўлдим,
Набирам тушига не деб кираман?

Бобо, сизни отган ўқлар қайтишда
Дон бўлиб ўлдирди неча зурёдни.
Фарқ шуки: сизни иймон деб отишди,
Иймонсизлик йитди неча авлодни.

МЕН ИСТАГАН ЮЛДУЗ

Мен нени истадим шунча йўл юриб?
Не-не юлдузларни кўздан қочирдим.
Ўзимнинг юлдузим нелигин кўриб,
Умрим, мен сени зимдан ўчирдим.

Мен нени истадим шунча йўл юриб?
Шу бугун англадим жонкуяр иним.
Қандайин яшадим борига кўниб,
Мен истаган юлдуз — муқаддас диним.

МУСОФИР ҚУШЧА

Эй, менинг беқадр, бесабр қушчам,
Тарк этиб қафасни учдинг-да, кетдинг,
Мусофир кўнглимда эдинг қўшиқчам,
Нега ҳам ўзингни мусофир этдинг?

Ушбу дам учасан қайси юртларда,
Қандай у дарахтдир учиб-қўнибсан?
Ишинг борми олмадаги қуртларда?
Қайда бўлма айтай: фақат савобсан.

ҚИСМАТ

Бир дарахт баҳорда мевалар тугди,
Ғунчалар боғлади настарин гуллар.
Бир дарахт баҳорда хазонлар тўкди,
Шу баҳор туғилди фақат бир қуллар.

Мевалар етилди, ғунча очилди.
Хазонлар тупроқнинг кирди қаърига,
Бир баҳор очилди, бир баҳор сўлди,
Қуллар-чи, учради қуллар қаҳрига!

●

Ал Маарийдан

Қўнғироқ чалади роҳиб асабий
Жаҳолат кар қилган милён қулоққа.
Муаззин совуққон, азон маҳали
Оятлар ўқийди сўқир юракка.

Иймондин сўйлашар бу содиқ қуллар,
Оташин баҳслари фақат иймондин.
О, билсайдим қай бири ҳақлигин улар,
Ажратиб билсайдим яхшин ёмондин...

ХАЙРУЛЛО

ҲИКОЯ

—МАНА, ЭРТА-ИНДИН ҲАММА-ҲАММАСИ тугайди. Биз бир-биримиздан абад ажраламиз. Бу айрилиқ изоҳсиз, қуруқдан-қуруқ, табиий бўлмоғи мумкин эди. Аммо мен ҳали бунақа даражага кўтарилишга улгуролмадим. Кечир мени, мен айрилиқ ҳақида жуда кўп ўйладим, қайғурдим, хаёлларим эса доим шу айрилиққа довур кечган лаҳзаларга бориб тақалаверарди; ҳа, оддийлик бу, бундан ортиғи бўлиши мумкин эмас, лекин не қилайки, масъулликни ҳам, сендаги менга нисбатан илиқликни ҳам ўзимга ноҳтиролмадим. Эҳтимол ноҳтирмагандирман... о, нечоғли аҳамияти бор бу аҳамиятсизликнинг?.. Кечир, бироқ менда сенга боғлиқ бирор бир эслашга арзигулик, хушбахтроқ, воқеа, дейлик, муҳаббат деганлари йўқ эди. Мен бундан келиб чиқиб фикр қилардим, ўйлардим, эзилардим! Ҳа, мен уни севардим... севаман... йўқ... ҳа, бу менга аён, мен Сароб ошиғиман, бироқ биласанми... сенинг мени севишинг (о, бу лаънати сўз — «севги»!) ҳақидаги ҳар қандай таассурот туғдирадиган кўриниш, исбот... умуман... тўхта, мен чекмоқчиман, биламан, бу зарарли, ҳа, ҳамма гап шундаки, сен учун, сенга зарарли... йўқ, бу бошқа мавзу, о, кўраяпсанми мен сени севмайман, севолмайман, қандай одамман-а? Ҳа, кейин... кейин ўшандай далилий ҳолат жонимни халқумимга келтирарди. Севишингни ҳеч истамасдим, гўё мени севишинг унга қиладиган хиёнатим эди. Рост, мен севгингга ишонишни ҳам хоҳламасдим ҳатто, менн айнан сен севишингни тасаввуримга сиғдиришга ҳам ожиз эдим... Иложсизлик ёмон... иложсизлик — ўлим... ўлимдан эса қўрқаман! Мана, сен эрта-индин... қарагин-а, эҳтимол бугундир, эҳтимол ҳозир... йўқ, гап сенинг ўлишинг мени қизиқтириш-қизиқтирмаслигида эмас, тушун мени, эшитаяпсанми, йиғлама, кўз ёшларинг... менда ҳеч нарса уйғотолмайди, қолаверса энди фарқи йўқ... Фарқсизлик. Ахир мен нима ҳам қилардим, мен шундай... шундай одамман!

(Қаердадир шундай бўлиши керак. Қаердадир шундай бўлиши табиий: Ёмғир ёғаётган маҳал кавушлар тиззаларга олиниб йиғланади. Кейин ҳўл кавушлар кийилиб ёмғирга чиқилади. Шундай дейилади:

«Қара. Ёмғир, мен сени ҳақорат қилмадим, мен сени тушундим...)

— Нима қилай, айт? Сездир, имо қил! Биласанми... сен мени дунё каби идрок этмоғинг керак, чунки мен дунёдан, дунё билан гапираяпман. Тўғрироғи... ҳа, буниси ҳақиқатга яқинроқ, дунёга гапираяпман. Бироқ, дунё меники эмас. Истамайман. Рости, сен ва унинг ўрталарингдаги фарқ-масофа атиги бир... қадам эди... Уни бир лаҳза кўргач сенга ойлаб чидаб юраверардим. Йўқ, мен уни, бу бемаъни бўлур эди... У сендан кўра хунукроқ. Ҳамманинг ҳаваси келарди менга... сен бениҳоя гўзал эдинг! Мен эса... мен бу гўзалликни мана, ҳозир, ҳатто сен ўлим тўшагида ётганингда ҳам ҳис қилолмаяпман. Унинг афту ангори муз қояни эслатарди. Мен ана шу муз қояни бир мартагина бўлса ҳам батримга босиш ва... ҳаммасидан кечиб қўйишга ҳам қурбим етарди. Қутурган эди бу ниятим! Ёдимда, бундан бир ой муқаддам, энди бу оламдан кўз юммоғинг аниқлашган кунларнинг бирида «сен уни бағрингга боссанг, у эриб кетади — ўлади, менга эса ҳаёт ато этасан...» дегандинг. Ўшанда баданларимдан тер чиқиб кетганди, қўрққандим, нимаданлигини билмайман, рост, ёмон қўрққандим. Қўрққанимдан сени маҳкам қучоқлаб олгандим, сен эса «мен ўламан...» дединг. Бу икки сўз орамиздаги жарга тушиб йўқолганди...

У тамаки қолдиғининг устига сув қуйди.

Касалнинг салқинган қовоқларидан тинмай ёш оқарди.

Қуруқшаган лаблар бирор сўз айтиш илинжида титрар, бироқ калом йўқ эди...

— Йўқ, сен менга зинҳор-базинҳор осон тутма, ахир, мен шу тахлит мажбуран етти йил умргузаронлик қилдим, осон тутма, бу менинг ихтиёримда эмасди. Мана, ҳозир бирданига сени шапатилай бошласам ва бетўхтов айблайверсам — ифлослашаман, демакки, буни ўзим, ўз ҳолимча ихтиёр кенглигига йўйиб бажараман... аммо мен етти йил мобайнида сенга нисбатан бунақа муносабатда бўлмадим! Ўзини оқлаяпти, дема, оқлолмайман ўзимни, чунки қоралашга ҳам кучим етмайди. О, худойим! Мен... ахир ҳаммасига чидадим! Мен... мен... табиатан бошқалар кўзидаги «даҳрий»ман. Муқим диним йўқ, лекин улардан фарқли — мен Худога ишонаман, майли бошқача бўлсин... мен учун осмон ва унинг ҳудудсизлиги, унинг мен кўра оладиган ва кўролмайдиган, унинг остидаги туганмас зарралари Худодир ёки Исбот, эшитаяпсанми? Мен ана шу Исбот ва Чексизликка туну кун тиловатлар қилгучи эдим, сен кўшни хонада гўё ухлаётгандай сассиз ётардинг, ҳа, биламан сен бундан огоҳ эдинг, огоҳсан... шам ёқиб қўярдим, атайдан, яп-янгисини ёқардим, ялинардим. Худо-ё, дердим, амр эт, шам ўчишига атиги бир лаҳза, майли, лаҳзанинг мингдан бир бўлаги қолганида... менга унинг жамолини намоён эт! О, ўзимга нима бўлганини билмасдим. Буларнинг ҳеч бири китоблардагига ўхшамасди... Шам беғамларча ёниб тугарди. Худо эса унинг жамолини энг даҳшатли сир каби мендан пинҳон тутарди. Аввалига ичимда, кейин ташимда, бора-бора ўкраб йиғлардим, ...тонг аллақачонлар отган ва сен ҳозир оқ оралаган тунранг сочларингни ёйганингча эшикка суяниб, остонада мўлтираб турардинг.

Эсингдами, тиззаларингни қучоқлаб йиғлардим, ўкирардим... қандай синоат эди бу?!. Сен.. сен эса ўчакишиб олгандай доим бир сўзни қайтараверардинг... «Йиғлама... йиғлама...» Деворлар бефарқ эди, дераза, деразанинг ортидан бефарқликнинг башараси кўринарди... дераза йўқоларди, деворлар йўқ эди, қон қўйиларди кўзларимга... эзилиб кетардинг бағримда, о, сен... сен барибир. У эмассан! Йўқ! Йўқ! Йўқ!

ДЕРАЗАГА БИТТА МУСИЧА ўзини ураверириб-ураверириб синдирди.

Хона ичи Чарчаган Қуш патларига тўлди.

Чарчаган қанотларини ёйганича Беморнинг кўксига йиқилди.

Тумшуғидан қон оқаётганлигига қарамай, кўзлари очиқ, ҳали жони узилмаган эди.

Мусича йиғлаётганди.

— Қара, кўраяпсанми, бу қуш ҳозир чалажон, ҳозир... эҳтимол, у ўлади, ҳа, у шубҳасиз ўлади, мен эса ҳудди мана шу аҳволда етти йил яшадим... айблама, бил... бироқ унинг кўзлари сеникидан, ҳамманикидан кўра ўзгача ва сўз қудратининг ожизлигини исбот қилгулик даражада эди... қошлари... ва баъзан у менга ҳақиқатдан муз қояни эслатарди, нима десам экан, у такрорланмас эди... эшитаяпсанми, йўқ, йўқ, «эди» эмас, Худойим, кечир мени, У — БЕТАКРОР! Мен сендан уни қидирардим, кўзларингга соатлаб тикилиб ўтирардим — топмасдим, синиққан чеҳранг ифодаси нақадар ёт эди, о, ҳатто сочинг толаларидан бирор монандлик илинжида саргардон бўлардим. Ёдингдами, бир куни ўнтача сариқ япроқларни териб келганим, жиғибийрон бўлиб уларнинг ҳар биридан унинг оёқ изларини, ҳа, мен унинг оёқ кийими ва у қолдириши эҳтимоли бўлган изларни сенинг чеҳрангдаги ифодадан кўра минг карра яхшироқ танирдим. Исмим каби ёд бўлиб кетганди унинг излари... Сен... кейин мен, ўша япроқларни ёқиб, куйдириб кулини қўлимни кесиб ярага босганим ва орадан ой, йил ўтиб... мана қара, бу унинг оёқ излари... менинг қўлимда! О, Худойим менинг ҳеч ҳам ўлгим келмайди, ўлгим келмаяпти... Худойимга шукрки, сенинг ўрнингда эмасман! Ўлим... айрилиқ, ҳа, мен яқинда бир шоирнинг шеърини ўқиб қолдим, у адашмасам, шундай...

Фано масканинг қай бир қатида,
Санг йўллар буржида сени учратгум...
Қиёмат аталган зиёфатида,
Биз учун учрашув ҳозирлар Тангрим!..

Ўзимни ўлдиришдан мени бир нарса асради, агар ўзимни ўлдирсам, яна ўша ҳижрон, яна ҳаммаси такрорланарди... Дарвоқе, шоирлик... биласанми, шоирлик нима? Шоирлик бу Усизлик! Йўқ, ҳа... ҳақиқий шоирларнинг шеър ёзишга қурбилари етмайди, улар ўзлари билан ўзлари бўлиб юришади, қандоқ тушунтирсам экан... Иккинчи бир шоирлар ўзларини шунақа куйга солишади, ғам, азоб деганларидек... фаҳш! фаҳш! Мен уларни тушунмайман... мен... шоир эмасман, бироқ мен ҳам шеър ёзгандим, эсингдами, ўқиб бергани... бу шеър менинг ибодатим!

қор тўшалган бўлса тўшакдай
ва ҳеч ким ётмаса ушбу кўрпада
ва висол лаззати ёт бўлса
қандоқ тушунилар оппоқ манзара
қуёш ғолиб башарасини
намоён этишдан чарчамаса ҳеч
барибир ифқирт бир матоҳга айланса тўшак
қандоқ тушунилар кийимсиз туҳмат
ҳеч нарса бўлмагандай чуғурлайверса
бироқ қон аримаса тумшуқларидан
ишонгинг келмаса чумчуқлигига
ювошлиги мусичадай қузғунларнинг
деразангни тешганча юзсиз
қор каби оппоқ нур йиқилса
шунда минг йиллик ҳасратинг ҳирси
қўзиса қўзиса бақирсанг — ооо
қандоқ тушунилар бетоблик фасли

МЕНИНГ ИБОДАТИМ! Эрта индин... эҳтимол, бугун... қанчалар шаккокман-а, менинг шаккоклигим ўзимга нисбатан... қара, одамзод деганлари неча аср, ҳатто замонлардан буён мавжуд ва нимага у эгнидаги сийқа туйғуларни, ўта жўн тушунчаларни эски кийим каби ечмайди, нимага? Мен уни севаман, бироқ нимага? Нима учун? Ахир бу оддий... ва аввалдан шундай... қийналиб, кетдим, мадорим қолмади, тушун мени, ахир нимага танлаш бахтидан бенасибман? О, сени севсам бўлмасмиди, айт? Бу моддийликдан юқори дейсанми, овутасанми мени? Йўқ! Наҳотки, ўша азал ва абад қонунларга мен ҳам, мен ҳам бўйсунмоғим керак?! Мана... сен ўлаяпсан... кечир, бу қийнолмайди мени... ҳурсанд қилолмайди, агар, агар... У ўлаётганида эди... билсанг, шу заҳотиёқ томирларимни кесишга, ўзимни ёқишга, сувда чўкишга рози бўлардим, о, мен уни истайман! Жуда ҳам истайман уни! Ҳатто илон ҳам йилда бир пўст ташлайди-ку!.. Наҳот... Биламан, инкор қилиш мумкин, бироқ менга инкор эмас, у — малҳам керак, эшитяпсанми?! Эшитаяпсанми, Эй, қутулаётган! Кейин... бу ҳам менинг ихтиёримдаги ҳол эмас эди, сенинг ўлимга маҳкумлигинг аёнлашган ўша беҳис кунларнинг бирида, Унинг кўзларимга суртилавериб, лабларимга босилавериб увадаланиб кетган расмини олдиму, суратхонага олиб бориб иккитага кўпайтирдим. Шаҳар чеккасидаги овлоққина жойдан йиғлаб-йиғлаб, пичоқ билан қабр қазидим, тентакларча мотам куйини хиргойи қилиб расмни... кўмдим. Тўхта, мен... яна чекаман... Эшит. Айтиб-айтиб йиғладим, унинг ўлганлигига тирноқларимдан тортиб сочимнинг толаларигача ишонтириб чиқдим. Тонггача адо бўлдим, хароб бўлдим-қайтдим; дарвешсифат афторим билан мармартошларга ёзиш устахонасига бордим... о, сен биласанми, шунақа устахоналар бор, унда одамлар ишлашади, даҳшатлиси шундаки, усталар ҳузурига одамларни ўлим ва оқибат, ўлим ва оқибат етаклайди, энди тасаввур қил усталар учун ўлимнинг нақадар сийқалашганини ... Мотам! Қоп-қора мармарни танлаб, устага Унинг расмини бердим. У ҳеч нарса бўлмагандай, худди оёқ кийимини олаётган устадай расмни қўлига олди. Менга қоғоз ва қалам тутқазиб «ёзинг» деди. Нимани ёзишим керак эди. Унинг исминими, туғилган... ўлган йилиними? Мен «у» деб ёздим, бундан етти йил аввалги ва ҳозирги санани титраганимча қоғозга туширдим. Ўзининг мармартошлари каби совуқ уста... ҳатто... нимага, саналар ўртасидаги фарқ атиги етти йил бўла туриб, расмдаги мавжудот салкам ўттизларга кирганлиги ҳақида қизиқиб ҳам ўтирмади. Мен... одамлардан ҳам ажралиб улгурган эдим, уларнинг кўзларидаги аянчли ачиниш ифодаси телбавор кулгумга сабаб бўлар, аҳмоқликларини қарагинки, улар баттарроқ ачинишларини қўйишмасди. Охир-оқибатда уларга мутлақо эътибор бермай қўйдим... нималарни гапираяпман-а? Хоҳлайсанми, ҳозир миямга келганини айтаман?! Хоҳлайсанми... мана, сен ўлаяпсан-ку, ўтинаман, Худойимдан менга ёрдам сўра, дардимга малҳам берсин! Илтижо эт! Эшитаяпсанми?!

ТАШҚАРИДА ҚОР ЁҒАЁТГАНДИ. Сап-сариқ қор ёғаётганди ташқарида. Тувакдаги гуллар сўлиш арафасида эди.

Деразадан кираётган қор парчалари бемор кўзларига оҳиста қўнаётганида ҳам мусича ўлмаганди.

Кун ва Тунни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган маҳал эди.

— Билсанг, мен ўзимни ҳаддан зиёд кўп тафтиш қилганман: нимага севдим, қандай қилиб севдим, нима истайман, нимага... ва ҳоказо. Одам Ато билан Момо Ҳавони эслайсанми? Эсингда бўлса, одамзотнинг бу икки ибтидоси жаннатда роҳат-фароғатда, кайфу-сафо билан яшашади, яшайверишади. Менга зерикарли туюлади бунақа яшаш... ҳа, шошма... нимага улар ўша ман этилган олмани ўз хоҳишларича, токи илон, дейлик иблис, йўлдан урмаганигача ейиш ҳақида ўйлашмайди. Кел, уларнинг фаришталигини қўя турайлик... сабаб... уларга оқибат аён, оқибат эса жараёнсиз ҳеч нарса ёки йўқ! Жараён-гуноҳ! Улар фаришта, фаришталик эса ҳудбинликнинг энг олий кўриниши! Кўраяпсанми, улар ҳудбинона, ҳудбин жаннатларида абад қолишни исташади. Бундан чиқди... йўқ, шошма, энди ўзимни оқлаяпман чоғи... йўқ, барибир! У иккови алдангганларидан сўнг, яъни тақиқ олмаси ейилганидан кейин ана ўша ҳудбинлик бугунга келиб бошқача талқинга рўбарў келди. Ҳудбинлик жўнлашди. Ҳудбинлик фаришталик аслида ёки тескариси! Чунки, нимага олмани едиларинг, деган саволга Момо Ҳаво, мени илон йўлдан оздирди, деган гапни айтади, гуноҳ ёки жўнлашишга юз бурган ҳақиқий ҳудбинлик ўша инсониятнинг асл ибтидоси Илонга ағдарилмадимикан? Агар илон бўлмаса сену-мен йўқ бўлардик, о, ўта дунёвий фикрлаш бу! Майли, рад қилиб кўр! Тушунаяпсанми, ўзим ҳам... тушунолмаяпман, бироқ бу шундай! Шундай! Ҳа!

Қор тинганида бемор кўксидаги мусича ўлди.

Шифтга осилган олмалар гупиллаб йиқилишди.

Бемор ётган ўрин остидан Дарё оқиб ўтарди.

Хонадаги энг Катта нарса — Тегирмон. Увлаётган шамол ихтиёрига парракларини топшириб, қаерлардадир, жуда узоқларда улкан сукунат яшашини, бир кун келиб у халоскор сифатида ўзига — тегирмонга озодлик келтиришини ва у ниҳоят учиб кетиши ҳақидаги хаёлларини энг тез оқувчи дарёга оқизарди.

— Мана қара, бу унинг учинчи — сўнгги расми, кўраяпсанми? О, юммагин кўзларингни, наҳот... наҳотки мени Қул қилганни ақалли бир мартагина кўришни истамасанг, қара! Сен... сен фаришта эмассан, кўрқма, қара!

Изҳор Этаётган Бемор кўксидаги мусича ёнига расмни қўйди.

Кўзларини юмди.

Оёғига совуқ бир нарса ўралаётганини сезди.

Илон.

Илон унга олма тутқазаётганди.

Осмонга қаради.

Осмон кўринмасди.

Беморга кўз тикди.

Мусича, унинг ёнидаги расм ва Беморнинг бир-биридан мутлақо фарқи қолмаган, олмалар эса ғойиб бўлганди.

1 А. Блок шеъри, Шуҳрат Раҳим таржимаси

ШУ ЙИЛНИНГ 16 МАРТ КУНИ Тожикистон Ўзбек жамияти қароргоҳида, Душанба шаҳрида ватандошимиз Булоқбоши домла (Эргаш Шермат) бир гуруҳ знёлилар билан учрашув ўтказди. Ҳозир учрашув таассуротлари ҳақида сўз юритмоқчи эмасман. Лекин ҳурматли домламизнинг битта гапи кўпчиликка маъқул бўлди. Мен ўша гапни ён дафтарчамга қуйидаги тартибда қайд этиб қўйганман:

— Тожикистон Ўзбек жамиятининг шнори ўзбекчиликни олға суришдан иборат бўлмаслиги лозим. Балки, Тожикистон фуқароларини олға суришни ўзимизга шиор қилиб олмоғимиз мақбулдир... Мафкуравий, синфий, ирқий кураш ўрнига тикланиш учун курашмоқ зарур. Ҳозирги шароитда ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан тикланиш муҳим аҳамиятга эга. Биз етмиш йил мобайнида путурдан кетган иқтисодни, маънавиятни тикламасдан аввал, на мустақилликни, на озодликни қўлда сақлай оламиз!.. «Қўшнингни сев», деган азалий ҳикмат бор. Зеро, қачон қўшнинг тинч бўлса, сен ҳам хотиржам яшайсан; қачон қўшнинг тўқ бўлса, еганинг ичингга тушади, татийди. Худди шу каби жамиятдаги қўшничилик — қўшни жумҳуриятларнинг тараққий этишлари учун омил бўлади. Демак, Тожикистонда яшайдиган ҳар бир фуқаро миллатидан қатъи назар шу жумҳурият тараққиёти учун курашмоғи керак... Собиқ СССР ҳукм сурган даврда қўшни халқлар ўртасига атайлаб ихтилоф уруғи сочилди, халқларимиз айириб ташланди. Ҳозир ҳам бизни бирлашишимизга ғаш бўлаётган кучлар хорижда ва собиқ Иттифоқ ҳудудида мавжуд. Биз ҳар хил ғояларга учмаслигимиз даркор...

Дунёдаги сиёсий найранглардан жуда яхши хабардор бўлган инсон шундай насиҳат қилди. Тўғри, биз илгари ҳам ана шу мазмундаги гапларни кўп эшитганмиз. Аммо «сўс. интер» ниқоби Афғонистондаги фуқаролар уруши даврида чок-чокидан сўтилиб кетди, бу ғоянинг асл ғайриинсоний моҳияти очилиб қолди. Хусусан, бу аслида, «ўзингдан кучсиз халқларни қул қилгин, агар қул бўлишни истамаса, қириб ташлагин!» деган маънони англатар экан.

Эҳтимол, ушбу сиёсий чекиниш ҳозир мен ёзмоққа ният қилганим мавзуга алоқасиздек туюлар. Аммо, сут ичиб оғзи куйган киши қатиқни ҳам пуфлаб ичади. Яъни, камина Иброҳимбекнинг лақай элатига мансублигини байроқ қилиб олиб лақайчиликни олға сурмоқчи эмасман. Ниятим — халқимиз бошига тушган мусибат (инқилобий мусибат) тарихини холис ўрганишдан иборат, холос.

ИБРОҲИМБЕК ЛАҚАЙ

1937—1938 ЙИЛЛАРДА РЎЙ БЕРГАН мислсиз қатли ом тарихига оид ҳужжатлар билан танишиш жараёнида англаб етдимки, қодирийлар, чўлпонлар, фитратлар устидан чиқарилган ҳукм 1938 йили зимдан ижро этилган бўлса-да, лекин бу ҳукм остига ўн беш-йигирма йил, ҳатто ундан ҳам олдинроқ имзо чекилган экан — айбнома илдизлари юртимиз тарихи бағрига найза мисоли қадалиб турарди ва ўша заҳарли найза учидан ҳамон қирмизи қон сизиб чиқаётган эди. Бу найза босқинчилар қўлидаги ибтидоий қурол бўлиб, яна кўпчиликнинг умрига завол келтириши аниқ-равшан эди... Хуллас, ана шундай шахслардан «Қўқон мухторияти»га, Мадаминбекка, Иброҳимбекка алоқадор архив ҳужжатлари билан танишувимга ижозат беришларини сўрадим. Афсуски, «Қўқон мухторияти»га, Мадаминбекка оид ҳужжатлар яхлит жилд-тахламлар ичида тўпланмаган экан, минг-минглаб «иш»ларга сочилиб кетган экан. Бироқ, «Иброҳимбекнинг иши» учта жилд-тахламга тартиб билан тикиб қўйилибди.

— Марҳамат, танишиб кўраверинг, — дейишди.

Уч жилдлик «жиноий иш»ни сўзма-сўз кўчириб олдим, саккизта умумий дафтар тўлди. Сўнг, шалоп этиб жаҳаннамга тушиб кетганимни пайқаб қолдим. Йўқ, бу жаҳаннам эмасди, балки болшовойлашган Шўро ҳокимияти барпо этган қатлобод эди! Қатлободнинг жўғрофий ҳудуди Ҳазор денгизи соҳилларидан бошланиб, туркий забон, форсий забон халқлар истиқомат қиладиган қадимий Туронзаминни ямлаб олган эди ва Жайҳун ортидаги мустақил мусулмон давлатнинг чегараларини хонавайрон қилиб, Афғонистон тахтига чанг солиб турарди. Қатлобод — шаҳидлар мозорини эслатарди, сокин эди. Сокинлик ҳукм сурарди-ю, заминдан лақай тулпорларининг дупур-дупури қулоққа чалиниб қоларди. Гўё лақай тулпорларининг сарвари — Ғозий Қизил эди. Бу Муҳаммад Иброҳимбекнинг суюмли оти, ишонган йўлдошидир.

Эрксевар боболаримизга сўнгги маскан бўлмиш Лақайистонни кўрмасдан, у ерда яшамасдан, адирларга сочилиб кетган шаҳидлар мозорини тавоф этмасдан ва фирқа архивларида, Давлат архивларида сарғайиб ётган ҳужжатларни батафсил ўрганмасдан Қатлобод тўғрисида ҳеч нарса ёзиб бўлмайди деган қарорга келдим. Дафъатан нотаниш ўрмонга кириб адашиб қолган йўловчига ўхшатаман ўзимни... Ҳартугул, Иброҳимбекнинг изидан борганим маъқул, шекилли. Яна қайдам. Эҳтимол, камина боши берк кўчага кириб қолган эсам-да ажаб эмас. Шундай бўлса-да, Иброҳимбек тўғрисида тўқилган миш-мишларга («вўшек» дейишади лақай жўралар) барҳам берилиши лозим. Ушбу мақола ҳам шу ниятда ёзилган.

Ростини айтсам, назаримда, энг катта «вўшек»ни Ўзбек Совет Энциклопедиясини ёзган ҳурматли олимларимиз тарқатганлар. Мана, ўша «вўшек»:

«Иброҳимбек — Мулла Муҳаммад Иброҳимбек (Иброҳим Чақабой ўғли, 1889 й. — вафот этган йили номаълум). Бухоро ва Тожикистон ҳудудида ёш Шўро жумҳуриятига қарши курашган босмачилар тўдасининг қўрбошиси. Кўктош қишлоғида амир амалдори оиласида туғилган. Ёшлигидан ўғрилик ва талончилик билан шуғулланган. Ҳисор беки ҳузурида қилган хизматлари эвазига 1919 йили «Қоровулбеги» даражасига, кейинчалик Бухоро амири томонидан «Мир девонбеги», «Тўпчибоши» ва «Лашкарбоши» лавозимига кўтарилган. Амирлик емирилгандан кейин (1920 й.) Иброҳимбек парчаланиб кетган амир қўшининг омон қолган бир тўдасига бошчилик қилиб, аксилинқилобий ҳаракатларини бошлаб юборди. Қўрбошилар йиғилишида 1921 й. сентябрда Иброҳимбекка «Лашкари ислом» номи берилди. 1923 йилнинг иккинчи ярмидан 1924 йил охиригача Иброҳимбек чет элларнинг (Англия, Америқо, Афғонистон, Туркия) авантюристлари ёрдами билан босмачилар тўдаларини бириктириб, уларга бошчилик қилди. Бухоро амирлигини қайтадан тиклашга уриниб, 1925 йилнинг охирига қадар Тожикистон ва Ўзбекистоннинг кўпгина туманларида босқинчилик ва талончилик қилди. Аммо Қизил Армиянинг зарбалари натижасида талофотга учраб, 1926 йил 21 июнда Афғонистонга қочди. 1931 йилга келиб Иброҳимбек бошчилигидаги босмачи тўдалар яна Тожикистонга суқулиб кира бошлади. Қизил Армия бу каллакесар тўдаларни тор-мор қилди. Иброҳимбек Кофирниҳон дарёси орқали Афғонистонга қочиб ўтаётганда Хўжаи Булбулон қишлоғида деҳқонлар томонидан қўлга туширилган (1931 й. 23 июн)».

ЎСЭда эзтироф этилган ёрлиқнусха айбнома 1974 йилга қадар ёзилган «тарихий» (илмий!) китоблардан териб-териб олинган ва «парҳезпараст» Шўро ўқувчисига тақдим қилинган. Бироқ келтирилаётган далил-исботлар шубҳали ёки ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Энг ажабланарли жойи шундаки, «қомусий» олим негадир ҳеч қандай «синфий» аҳамиятга эга бўлмаган рақамларни ҳам нотўғри ёритади. Масалан, Иброҳимбек 1889 й. туғилган деб кўрсатилади, лекин... «вафот этган йили номаълум». Ҳақиқатан ҳам, Иброҳимбек 1889 ё 1890 йили туғилган: Тошкент шаҳрида (ОГПУ қамоқхонасида) 1931 й 28 июн куни илк бора тергов қилинган Иброҳимбек: «Мен қирқ икки ёшга кирдим. Миллатим ўзбеки лақай. Ҳозирги Исталинобод шаҳридан ўн чақирим жанубда жойлашган Кўктош қишлоғида (Кофирниҳон дарёси соҳилида) туғилганман», дейди. Демак, агар Иброҳимбек йил бошидаги ойлардан бирида таваллуд топган бўлса, 1890 йили туғилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо Иброҳимбекнинг «вафот этган йили» кунигача аниқ-ку! Тўғриғи, И. қатл қилинган кун — 1932 й. 31 август. Узбекистон Давлат Хавфсизлиги қўмитаси архивида бу тўғрида махсус анғлатма бор. Ўйлаймизки, ЎСЭга маълумот тайёрлаётган олим кимлардандир маслаҳат сўраган бўлиши лозим. Акс ҳолда, «қўрбоши» ҳақида лом-мим демасди. Хўш, нима учун Иброҳимбекнинг қатл этилган куни кўрсатилмаган?.. То 1974 йилгача чоп этилган китобларда ҳам, ҳатто ўттизинчи йиллардаги рўзномаларда ҳам Иброҳибекнинг қилмишларини фош этадиган мақолалар сурункасига эълон қилинган бўлса-да, лекин «инқилоб чавандози»нинг қисмати тўғрисида босим сукут сақланарди. Чунки олис Хўжабулбулон ва Эсонбой қишлоқларида истиқомат қиладиган гувоҳлар — оддий деҳқонлар ҳаёт эдилар: гувоҳлар билишардики, «Кофирниҳон дарёси орқали Афғонистонга» нафақат Иброҳимбек, балки Фантомас ҳам қочиб ўтиб кета олмасди — чунки Кофирниҳон дарёси оқимига қарши уч юз (300) километр юзиб борилган тақдирдагина Афғонистон ҳудудига яқин бориш мумкин, холос. Ақли расо киши Кофирниҳон дарёсидан ўтиб, яъни сўл соҳилидан ўнг соҳилига ўтилса, Иброҳимбек туғилган қишлоққа — Кўктошга келиш мумкин; нариги соҳил эса ўзбекларнинг дўрмон, қўнғирот уруғлари азалдан истиқомат қиладиган Сурхон воҳасига туташиб кетади. Демоқчимизки, Иброҳимбек Кофирниҳон соҳилида Афғонистонга қочиб кетишни хаёлига ҳам келтирмаган; агар унинг нияти яна муҳожирликка кетиш бўлганда борми, у Тожикистон пойтахти томон келмасди! Аслида, Иброҳимбекнинг нияти — Шўро ҳукматига ўз хоҳишига кўра таслим бўлиш эди ва таслим бўлади. Лекин бу ҳодиса мураккаб бир вазиятда рўй берди... 1931 й. 9 ноябр куни Иброҳимбек билан ОГПУ терговчиси Г. Дуров ўртасида бўлиб ўтган савол-жавобдан ҳам шу ҳолни англаш мумкин.

«САВОЛ. Агар Сиз ҳақиқатан ҳам таслим бўлишни ният қилган бўлсангиз, нима учун Боботоғда юрган кезларингизда, яъни «таслим бўлишингиздан илгари аҳоли, қизил аскарлар ва ишчилар ўртасида Шўро ҳукматига қарши хат-эълонлар тарқатиш тўғрисида топшириқ бердингиз!

ЖАВОБ. Мен бундай хат-эълонларга унчалик аҳамият бермасдим; улар бир пулга қиммат эканини билардим. Узингиз айтганингиздек, ўша мурожаатномаларнинг кўпчилиги Боботоғда ёзилган эди; у ерга турли тоифадаги қочоқлар тўпланиб қолган экан, мен уларнинг илтимосини қондирдим, холос. Яъни, мен ўз номимдан хат-эълон тарқатишга рози бўлдим. Лекин биз Боботоғни тарк этганимиздан кейин хат-эълонлар қизил аскарлар ўртасида тарқатилсин, деб кўрсатма бердим. Уз-ўзидан равшанки, ҳеч ким бундай мурожаатномаларга жиддий эътибор бермасди».

ИБРОҲИМБЕК ЮҚОРИДАГИ КЎРГАЗМАНИ берганидан сўнг, нима учундир жавоблар терговчини қониқтирмайди ва ўн кунлик танаффус эълон қилинади. Чамаси Иброҳимбекка «ишлов» берилади лекин 1931 й. 19 ноябр куни Иброҳимбекдан «Қуйида начальник биродарларим берган саволларга ростлик илан жавоб бераман» деган тилхат олинади; кейин Иброҳимбек ўз жавобларини шахсий котиби Мирзақаюм Шеровга айтиб туриб ёздиради (шу кунги тергов чоқида кўргазма матнида саволлар қайд этилмаган, фақат жавоблар бор, холос). «Ишлов берилган Иброҳимбек ўзининг таслим бўлиши масаласига яна алоҳида тўхталиб ўтади, «ростлик илан жавоб беради». Мана, ўша жавоб:

«Ўзим Кофирниҳон дарёсига бориб, бир фуқародин сўрадим: «Иброҳимбекка келган элчилар қайда!» Фуқаро айтдиким: «Қаюм парвоначи, элчилар Хўжабулбулон идорасидадир». Энди мен анинг қўлига Қаюм парвоначи, Муқим командирларнинг отига хат ёзиб бердимким, мен ҳукматга таслим қилғали келдим, келиб мени олиб боринглар, деб. Хатни фуқародин юбориб, ўзим ҳам дарёдин ўтиб эрдим, Қаюм парвоначи, Муқим командир ва бошқа элчилар келишиб, мени бирга Хўжабулбулон идорасига олиб бордилар. Ҳукматга таслим қилғаним ҳам шул, кўрганим ҳам шулдир. Лекин, дарёнинг нарёғи — Афғонистонда, буёғи — ҳукумат тупроғида ва яна Қаюм парвоначи, элчиларни эшитганимдан илгари ҳеч бир ерда ҳукматга таслим қиламиз деган гапни айтқоним йўқ ва ҳеч бир аскар ҳам айтқони йўқ. Ва ҳукумат тарафидан хат, бир одам ҳам келиб айтқони йўқким, ҳукматга таслим қил, деб. Лекин-да, ҳукматнинг катталиғи ва менинг ва бошқаларнинг кучи етмаслиғи ўзимга хўб маълум эрди».

Шундай қилиб, УСЭда қайд этилишича, «Иброҳимбек Кофирниҳон дарёси орқали Афғонистонга қочиб ўтаётганда Хўжаи Булбулон қишлоғида деҳқонлар томонидан қўлга туширилган» экан!.. Кўриниб турибдики, 1931 йилги тергов жараёнида ҳам Иброҳимбекнинг ўз хоҳишига кўра Шўро ҳукматига таслим бўлгани шубҳа остига олинади. Чунки «қўлга туширилган» қўрбошини отиб ташлаш осон эди, ўз хоҳишига кўра таслим бўлган қўрбоши отиб ташланса, одамлар Шўро ҳукматини субутсизликда айблаши мумкин. Лекин ҳукумат Иброҳимбекни отиб ташламаса ҳам бўлмасди: ахир, у етти йил мобайнида (1920—26 йилларда) Шўро ҳукматига қарши курашган мужоҳидларга раҳнамолик қилган эди-да! Айни пайтда (30-йилларда) ҳукмни ошкора ижро этишга Шўро ҳукматининг юраги дов бермайди: аҳоли Шўро ҳукматидан безор бўлади, яъни авом халқ ҳам Иброҳимбек бекорга Шўро ҳукматига қарши курашмаганига имон келтира бошлайди. Иброҳимбек устидан чиқарилган ўлим жазоси ғазабга тўлиб турган халқни оёққа турғазиши ҳеч гап эмасди.

Хўш, Иброҳимбек нима учун 1926 йили Афғонистонга муҳожир бўлиб кетадию 1931 йилда нега қайтиб келади? Ахир, у ҳам ўрис муҳожирлар каби собиқ СССР ҳудудида «қайта қуриш» бошлангунча хорижда яшайверса бўлмасмиди? Албатта, Иброҳимбек ўз ватанига бемаврид қайтиб келади. Эҳтимол, Шўро ҳокимиятининг авф этишига, инсонпарварлигига ишонгандир?.. Умуман, бу борада истаганча хаёлимизга эрк беришимиз мумкин, турли фаразларни олға суриш мумкин. Лекин, ўша пайтлардаги Афғонистонда вужудга келган сиёсий, ижтимоий вазиятни ҳаққоний баҳолай олмасак, Иброҳимбекнинг қайтиш сабабларини тўла-тўкис билиб бўлмайди.

МАЪЛУМКИ, АМИР ОМОНУЛЛАХОН 1919 йили Афғонистон тахтига ўтирадию дарҳол Шўро Ўрисияси билан дўстлик тўғрисида шартнома тузишга шошилади. Сўнг Афғонистонда ижтимоий ислоҳот ўтказишга бел боғлайди. Бироқ, «амир Омонуллахон ва унинг вазирлари томонидан ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, интизомий, ҳуқуқий, ахлоқий соҳаларда кўрилган чора-тадбирлар халқ орасида тотувлик ўрнатиш ўрнига нобек раҳнамолиги остидаги мужоҳидлар оммавий равишда Афғонистонга муҳожирликка боришади. Муҳожирлар Афғонистондаги нисбий сокинликни, лоқайдликни мувозанатдан чиқариб юборади: маҳаллий аҳоли ўртасида Омонуллахонга қарши бўлган қайфият кучайиб кетади, сиёсий мухолифлар амирни «Бухорои шарифдаги мусулмон биродарларига ёрдам бермагани учун» айблай бошлайдилар ва муҳожирларнинг маълум қисмини ҳам амирга қарши оёққа турғизишади. Бу ҳол эса амир салтанатига ростакамига хавф соларди. Чунки муҳожирлар Афғонистон ҳудудига қурол-яроқлари билан ўтишган бўлиб, ўша пайтдаги афғон ҳарбий қучлари хийла ночор қуроллангани туфайли амир Омонуллахон сиёсий мухолифларига қарши ҳаракат қилиш имконидан деярли маҳрум этилади. Яна Омонуллахонга қарши қўзғолон бошланади. 1929 й. 13 январ куни Бачаи Сақао Кобул шаҳрини босиб олади. 14 январ куни Омонуллахон тахтдан воз кечишга мажбур бўлади. Бироқ, Бачаи Сақаонинг тахтга ўтириши (у ўзини «Кобулистон амири» деб эълон қилади) ички ихтилофларни баттар авж олдириб юборади. Чунки Бачаи Сақао оддий мешкобнинг ўғли эди, амирзода эмасди. Шу боис тахт даъвогари Нодирхон (собиқ Бош қўмондон, Ташқи ишлар вазири) халқни Бачаи Сақаога қарши курашга чорлайди. Ва 1929 й. 8 октябрь куни Нодир тарафдорлари Кобулни ишғол қиладилар. Бачаи Сақао пойтахтни ташлаб қочади; орадан бир ой чамаси вақт ўтгач, уни Кобул тайёрагоҳида дорга осадилар.

Иброҳимбек 1929 йилга қадар Кобул яқинидаги Қалъаи Фату деган сўлим масканда амир Олимхон ҳаватида яшайди. Афғонистон ҳукумати унга ҳар ойда минг рупия нафақа бериб туради, Олимхон ҳам ўз хазинасидан беш юз рупиядан нафақа тайинлайди. Лекин мамлакатда талотўп бошланиши биланоқ Иброҳимбек ҳам, муҳожирлар ҳам афғон амирлари ўртасидаги ихтилофларга жалб этиладилар. Бу ҳақда Иброҳимбекнинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

«Бачаи Сақао Кобулга қилган илк ҳужум афғонлар тарафидан даф этилди. Аммо ўн икки кундан сўнг у Кобулни босиб олди. Омонулла Қандаҳорга қочиб кетди. Бу даврда афғонларнинг низоларига мен аралашганим йўқ. Бачаи Сақао ўзини подшоҳ деб эълон қилди. Рамазон ойи бошларида мен янги подшоҳни муборакбод этгани бордим. Мусулмон одатига кўра, қутлов расм-русумларини адо этдим-да, дарҳол Қалъаи Фатуга қайтдим. Орадан уч ҳафтача вақт ўтди. Рўзанинг охирларида Қобулнинг валиси этиб тайинланган эски танишим Малик Муслим ҳузурига бордим ва ундан Хонободга кетиб, ўша ерда лақайларим орасида муқим яшашим учун Бачаи Сақаодан рухсат олиб беришни илтимос қилдим. Малик Муслим илтимосимни бажо келтиришга ваъда берди. Орадан яна бир ойча вақт ўтди. Қалъаи Фатуга Хонободдан Алимардон додхоҳ, мулла Аҳмад додхоҳ ва улар сафида элликтача беқурол йигит ташриф буюришди. Қошимда икки-уч кун меҳмон бўлишгач, мени Хонободга — лақайлар ҳузурига олиб кетиш ниятида келганликларини изҳор этдилар. Худди шу кунлари Бачаи Сақао амир Олимхонни ҳузурига чорлайди ва: «Бадбахт Ғулом Набихон ўрислар билан бирлашиб олиб Мозори Шариф атрофида менга қарши уруш бошлаб юборди! Мен қўзғолонни бостириш учун Ҳарбий ишлар вазиримни — Саййид Ҳусайнни жўнатдим. Иброҳимбекни ҳам ишончли одамлари билан ўша ёққа юборишнинг иложи йўқмикан?» деб маслаҳат солади. Олимхон мени ўша ёққа боришга кўндиришга ваъда беради. Мен муҳожирлардан кўнгилли аскарларни тўплаб, Саййид Ҳусайн ёнида туриб жанг қилишим лозим эди.

Мен Бачаи Сақао таклифига рози бўлдим... Чордарага бориб Бобочори даллол қошида Ўтанбек, туркманлар, қўнғиротлар, дўрмонлар иштирокида машварат чақирдим. Бачаи Сақао таклифини маълум қилдим, «Нима қиламиз?» деб маслаҳат сўрадим. Машварат аҳли Саййид Ҳусайнга ҳарбий ёрдам беришга қарор қилди... Орадан йигирма кунлар чамаси вақт ўтдию бирдан Хонобод томондан замбарак товушлари эшитила бошлади. Сўнг чопар келиб Бачаи Сақао тахтдан ағдарилганини, асир тушганини, Кобулда осойишталик ҳукм сураётганини сўйлаб берди. Яна хабар келдиким, Хонободга Сафархон янги ҳоким этиб тайинланибди. Тез кунларда Сафархон ҳузуридан қошимга вакил келди: барча қурол-яроқни ҳукматга топширишим лозим эканини маълум қилди. Мен Хонободга йигирма олтита милтиқ жўнатдим; бошқа қуролларимни мамлакатда тинчлик бошланса, ўзимизни ҳимоя қилишимиз учун ҳожат қолмаса, кейин топширамен, деб айтдим. Кейин мени Кобулга етиб боришим тўғрисида Нодирхондан фармон олдим. Лекин оқсоқоллар Кобулга боришимга изн бермадилар: «Агар сен кетиб қолсанг, афғонлар ҳолимизни ёмон қилади», дейишди. Шу орада амир Олимхондан хат келди — у ҳам мени Кобулга боришга даъват қилган эди: «Агар зудлик билан пойтахтга етиб келмасанг, бундан кейин орамиз очиқ — сени танимасман!» деб огоҳлантирди. Мен унга мана бундай жавоб бердим: «Сенинг буйруқларингни бажараман деб, ўз куч-қувватим, молу жоним билан Шўро ҳукматига қарши етти йил курашдим. Сен доим ёрдам бераман деб менга ваъдалар берардинг, аммо бир марта ҳам ваъдага вафо қилмадинг! Биз ғалабаларга ҳам эришдик, мағлубиятга ҳам учрадик — охир-оқибат мағлуб бўлдик. Наҳотки, мен ҳалигача Олимхондан нажот кутадиган даражада гўл-меров бўлсам?! Йўқ, чучварани хом санабсан! Мен Кобулга бормайман, ўз халқим билан Алиободда яшайман ва агар лозим бўлса, лақайларимни қаватимга оламан-да Амударёни кечиб ўтиб, Шўро ҳукматига таслим бўламан!»

Эртаси кунёқ афғонлар бизни замбараклардан тўпга тутдилар, сўнг Алиободга ялпи ҳужум бошладилар...»

Хуллас, Афғонистон ҳукумати муҳожирларга ростакамига уруш эълон қилади: ўртада ўринсиз қон тўкилади. Муҳораба бир йилча давом этади, урушнинг ниҳояси кўринмасди. Фақат Иброҳимбек бошчилигидаги муҳожирлар қириб ташлангандан кейингина биродаркушликка чек қўйилиши мумкин эди, холос.

«Бир куни сидқим билан хаёл қилдимким, афғонлар илан урушдан афғонлар зўрлик қиладир, бир одамни ҳукматга юборайин, ҳукумат ҳар нима буюрса, ўшал қарорда иш қилайин деб, Жўрақулни маҳфий равишда Саройкамарнинг каттасиға юбордим. Жўрақул бориб келиб айтди: «Мени Масков олиб кетмоқчи бўлишди, мен қочиб келдим», деди. Шундай ҳам бўлса, аскарлар Жўрақулнинг Саройкамар борғонини билишиб, менга айтдиларким, Жўрақул Саройкамар борибди. Жўрақулни ўлдирмак керак, деб. Мен, ёлғон, деб ўлдирмакни ман қилдим. Яна бир хаёл қилдимким, одам юбормак билан бўлмади, хат қилайин, деб. Дўстмуҳаммад афғонни олдириб келиб, маҳфий хат қилиб, Дўстмуҳаммаддан Саройкамарга бериб юбордим. Ҳеч бир нишон бўлмади. Саройкамар атаб хат ёзилғон ёзилғон гаплар».

Набижон БОҚИЙ

КИСҚАСИ ИБРОҲИМБЕК ЎЗ ИХТИЁРИ билан Шўро ҳукматига таслим бўлади. Соддадиллиги унга панд беради — бўри галасидан нажот кутади. Машъум тўда эса 1931 йил 3 июль куни «Правда Востока» рўзномасида Мурожаатнома эълон қилади:

«Шўро ҳокимиятининг ашаддий душмани, мустабид оқ подшо ва Бухоро амирининг мухлиси, Шўро Тожикистонидаги ишчи-деҳқонларнинг рақиби, тожик халқи миллий бойлигининг ўғриси қўлга туширилди. У энди қилмишига яраша жазоланади!

Куммунистик эҳтиром билан,
ВКП/б/ МҚнинг Ўрта Осиёдаги тўдаси».

Албатта, бундай «эҳтиром»дан сўнг Шўро ҳудудида яшайдиган ҳар қандай киши Иброҳимбек номини эшитиши биланоқ дарҳол қулоғини беркитади ва қулоғини беркитган кўйи бошини силкитиб тураверади. Ундай эмас, бундай-ку, дейишга бировнинг юраги дов бермайди. Шўро олимлари Иброҳимбек тўғрисида оғзига келган бўҳтонни қоғозга туширдилар: оппоқ қоғоз юзини ҳам қора қилдилар. Энг ёмони — Иброҳимбекнинг элатдошлари муттасил таҳқирланди, таъқиб этилди. Ҳаттоки, Лақай зотли отлар атайлаб қириб ташланди, ҳозир бундай зотли от борлигини фақат Катта Шўро Қомусидангина ўқиб билиш мумкин, холос.

Дарҳақиқат, Иброҳимбек эл-юрт эрки учун курашади, элатдошлари уни қўллаб-қувватлайдилар. У зинҳор-базинҳор «парчаланиб кетган амир қўшининнинг омон қолган бир тўдасига бошчилик» қилгани йўқ, балки элга бош бўлган — халқ ҳаракатининг сафида бўлган. Шу масалага алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, шекилли. Чунки кейинги пайтларда эълон қилинаётган (шу пайтга қадар нашр этиш тақиқланган) асарларда ҳам, янги ёзилаётган баъзи бир «қўлбола» асарларда ҳам Иброҳимбекни гўё амир Олимхон саройида хизмат қиларди, деб талқин этишга уриниш бўляпти. Ҳатто битта «ёзувчи» Иброҳимбек амир Олимхоннинг суюмли канизаги билан дон олишиб қўйиб, Ҳисорга қочиб келади, дейишгача бориб етди! Бу бемаъни «кашфиёт», албатта. Ачинарлиси шундаки, бундай бемаъни «кашфиётлар» ҳам Иброҳимбек тўғрисидаги «тарихий ҳақиқат»ни тиклаш учун ёзиляпти. Аслида эса, Иброҳимбек шаънига айтиладиган бўҳтонлар уни яна бир марта бадном қилади, обрў-эътиборини тупроққа қоради, холос. Шу муносабат билан Иброҳимбекнинг амир Олимхонга нечоғлик алоқадор эканини кўрсатадиган иккита тарихий ҳужжатни қуйида келтириб ўтмоқчиман.

Булардан биринчиси Санджон додхоҳ исмли муаллифнинг «Хотиралар»и бўлиб, у 1928 йили Туркияда чоп этилган «Янги Туркистон» рўзномасининг 13-сонида эълон қилинган. Мана, ундан айрим парча:

«1921 йил санасининг ёз ойлари эди. Балшувик ўрис урудлари то Бухоро шаҳридан Помир этакларига қадар истило этмишлар. Зулм, ваҳшат ва исканжа Туркистоннинг бу нижа гўшаларини жуда қовурмоқда эди. Балшувик инқилобига қадар бу ерларга ўрисларнинг оёғи етмаган эди. Аввалом бор, аҳолининг мол-мулки талон-тарож қилинди, сўнг оила номусига қадар тажовуз бошланди. Ҳар қўйда ўрис навкари ва унинг ёнида қулоғиз беклар ҳокими мутлақ бўлиб олдилар. Аҳоли бунга чидай олмади. Шарқий Бухоронинг қувватли ўзбек қабиласи ўлан Лақай беки — Иброҳим лақай ва Тўғойсори беклар читалар ташкил этдилар-да ўрисларнинг навкарларини ўлдиришиб, қурол-яроқ тўпламоқга бошламишлар. Буларнинг изиндан Қоратегиндан Фузайил Махсум, Болжувондан Давлатманд, Қоратоғдан Абдураҳмон, Дарвоздан Эшон Султон айни тарзда фаолият кўрсатдилар. Бу зотларнинг аксарияти эски амир тарафдорлари ва бийк жоҳил унсурлардан иборат эдилар. Буларнинг ичинда энг ақлли, аҳоли ўртасида нуфузли ва қудратли бўлгани Давлатманд бек эди. Давлатманд ташкилотга аҳамият берарди, ўрис истилосига қарши ўлан ҳар нав қувватлардан фойдаланишга уринарди...».



Муҳаммад Иброҳимбек. 1932 йил, август.

Кўриниб турибдики, «Хотиралар» муаллифини Иброҳимбекка нисбатан «меҳрибон» экан деб бўлмайди. Чунки у Иброҳимбекни «бийк жоҳил унсурлар» қаторига қўшиб қўяйди: бу табиий ҳол — «Янги Туркистон» рўзномасига БХСЖ биринчи раиси Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли муҳаррирлик қилган бўлиб, Шарқий Бухорода босқинчиларга қарши бош кўтарган мужоҳидлар бухоролик жадидларни ҳам ўз ичига кўришарди. Лекин хотирадан келтирилган парчадан бизга бошқа бир ҳақиқатдан далолат беради, яъни «оила номуси қадар тажовуз қилинди» аҳоли бу ҳолга чидай олмайди — ўз номусини ҳимоя қилишга отланади: Иброҳимбек эса ўз-ўзидан сафидан кетган халқ ҳаракатининг раҳбарлиги ва ноиблигини жой олади. Тарихий шароит оддийгина: ўша лақай йигитини (ўша пайтларда у бор-йўғи ўттиз ёшга қадам қўйган эди!) йирик лашкарбоши сифатида сиёсий саҳнага кўтариб чиқади.

Иброҳимбекнинг амир Олимхон билан алоқасини кўрсатадиган яна бир ҳужжат Тожикистон коммунистик фирқаси архивида (1 фонд, 1 опис, 131-жилдтахлам, 79 саҳифа) сақланаётган чақувномадир.

«Иброҳимбек таржимаи ҳолига қўшимчалар

Иброҳимбекнинг отаси Чақабой туғсобо 1912 йили вафот этган. Кўктошда унинг ер-мулки бор эди. Иброҳимбек маҳаллий мадрасада сабоқ олган, лекин мадрасани тамомламаган. Иброҳимбек отаси вафот этгандан кейин ҳам тўкин-сочин ҳаёт кечира бошлайди. Бироқ отасидан жуда катта миқдорда қарз марос бўлиб қолгани туфайли тез орада бойлигидан ажралади ва тегирмон билан обжуюздан келадиган даромад эвазига яшашга мажбур бўлади. Чақабой туғсобонинг хотираси ҳурмати Ҳисор беки Иброҳимбекка «Қоравулбеги» унвонини ҳадя этди. Бухоро амири Шарқий Бухородан ўтиб кетаётган пайтда (1921 й.) Ҳисор беки Иброҳимбекни амирга таништиради: уни довюрак йигит сифатида таърифлайди. «Ҳар ишдан топшириқни бажаришга қодир!» дейди. Амир Иброҳимбекнинг довюраклигини синаб кўриш учун унга Душанбе шаҳрида қолиб кетган учта мусулмон туғини олиб келиб бериш тўғрисида фармон беради. Қизил Қўшин қисмлари шаҳарни ҳар тарафлама назорат қилиб туришгани боис бу фармонни бажариш ниҳоятда хавфли ҳисобланади. Шунга қарамасдан, Иброҳимбек дўсти Асадуллобек билан биргаликда амир фармонини тўла-тўкис бажаради.

Душанба шаҳри Қизил Қўшин томонидан бутунлай ишғол этилгач, Иброҳимбек билан Асадуллобек Болжувон лақайлари қошига кетадилар. У ерда Давлатмандбий билан Абдуқаюм парвоначи ўзларининг қуролли бўлинмаларини ташкил этаётган эдилар. Аммо йигитларнинг кўпчилиги умрида биринчи марта қўлига милтиқ ушлаётгани учун ҳали отишни ҳам, ўқлашни ҳам билмасдилар. Айни пайтда уларга милтиқ отишни ўргатадиган мубошир (инспектор) ҳам йўқ эди. Иброҳимбекка милтиқ отишни ўргатиш вазифаси топширилади. У Давлатмандбий бўлинмасига мубошир этиб тайинланади. Тез орада бўлинмага ҳукмронлик қилиш учун ўзаро кураш бошланиб кетади. Шу сабабдан Иброҳимбек бўлинма оқсоқоллари билан жанжаллашиб қолади ва қаватига бешта ишончли йигитни олиб, Лақайга қайтади. Ўз юртида мустақил ҳарбий тўда тузади. Ўша пайтларда Шарқий Бухорога етиб келган Анвар пошо билан қасдлашиб қолади. Фақирободдан икки чақирим нарида у Анвар пошони қуролсизлантиради ва ундан элликта милтиқ ўлжа олади. Шу йўсинда Иброҳимбек ўз йигитларини қурол билан таъминлайди.

Ушбу маълумот Фақиробод инқилобий қўмитасининг раксидан 1925 й. 21 октябрь куни олинди, деб

XIII Корпус Жосуслик бўлимининг бошлиғи Гавровский (имзо)».

Ушбу чақувномада эзтироф этилган Иброҳимбек билан Анвар пошо муносабатига оид маълумот алоҳида текширишни тақозо этади (ҳақиқатан ҳам, улар ўртасидаги муносабат мураккаб бўлади). Бироқ, ҳозир бизни амир Олимхон билан Иброҳимбек муносабати кўпроқ қизиқтиради: хўш, Иброҳимбек амир Олимхон қўлидаги, бевосита амирнинг фармонини бажарадиган саркарда бўлганми ёки улуғ мартабага ўз қолича (тасодифан) эришганми? Чақувнома мазмунидан англашадики, Иброҳимбекни амир то 1921 йилгача танимасди; ҳатто Иброҳимбекнинг довюраклигини синаб кўриш учун унга афсонавий топшириқ берган бўлса-да, лекин топшириқни бажаргани эвазига ҳеч нарса совға қилмайди...

ХОЗИРЧА БИР НАРСАНИ КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН айтишим мумкинки, Иброҳ

Хазон билмас баҳор

Чаҳалоққа исм

1946 йилнинг куз палласи эди. Ўзбекистон Давлат радио қўмитасининг мусиқий эшиттиришлар таҳририятида хизматда эдим. Оддий иш кунларининг бири тугади. Хонамиздаги ходимларнинг ҳаммаси кетиб бўлишган. Мен эртанги дастурга баъзи ўзгартишлар киритиш зарурати билан тутилиб қолган эдим.

Бизнинг бўлим катта бир хонага жойлашган бўлиб, унинг ойналари коридор томонгагина қурилган эди. Ишни тугаллаб, қоғозларни йиғиштираётган чоғимда ўша коридор томондаги ойналар ёнидан кимлардир ўтиб, бизнинг хонага кириб келишди. Улар Собир Абдулла, Зокир Ҳабибий домла ва яна бири ёши 80—85 лар атрофидаги нуроний қария эди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, Ҳабибий домла қарияни менга таништириб, мақсадни баён қилдилар:

— Қурёз ота Авазматов. Хоразм мақомларининг моҳир устаси. Кўп йиллар Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида етакчи хонанда бўлганлар. Бир неча кундан бери Усмон аканинг боғларида меҳмонда эканлар. Биз ҳам бугун борган эдик, Усмон ака: менинг номимдан икковларинг Қурёз отани радиога олиб боринглар, устознинг энг яхши мақомларидан ёзиб олишсин, деб ўз машиналарида жўнатдилар. Иш битгач яна Дўрмондаги боққа қайтиб кетамиз.

Ҳалимдек мулойим, не-не улуғ зотларни кўрган Қурёз ота ёйилиб гаплашадиган, бир нарса сўрасангиз, унинг ёни-верини ҳам қамраб жавоб берадиган тиниқ ақлли одам экан. Огаҳий, Комил, Аваз, Девоний, Баёний каби шоирларнинг аруз илмидаги маҳоратлари ҳақида, Хива шаҳрининг атрофида ўтган устоз хонандалар ҳақидаги ёшлардек эҳтиросли гаплари билан учовимизни ҳанг-манг қилиб қўйган Қурёз ота Дўрмонда меҳмонда яшаётган куни эрталабки чайда Усмон Юсупов оиласига худо яна бир ўғил ато қилганини ва мезбон ундан ўз фарзандига исм қўйиб беришни илтимос қилганини айтди.

— Хўш-хўш, — дейишдик биздар.

— Исми ўлмасхон бўлсин, ўлмасин, яйраб-яшнасин, ўзингизга ўхшаб юрсин, — дедим.

Қурёз ота муносиб кўрган исм Собир Абдулла билан Ҳабибий домлага қандай туюлганини билмайман-у, бироқ мен ичимда: «Усмон ака қизиқ устида илтимос қилиб юборибди, кейин ўлмасхон бўлган, албатта», деб ўйладим. Ўша вақтларда ҳаммадан ташқари ўзимизчасига ўйлашнинг ҳам иложи йўқ эди. Чунки Усмон Юсупов Ўзбекистондек жумҳуриятнинг энг катта раҳбари эди. Бунинг устига оиласи европалик бўлиб, икки ўғлининг бирига Леонид, иккинчисига Владлен деган исм қўйганини ҳам билардим. Шундоқ бир алфозда учинчи ўғилни Ўлмасхон деб аташи ақл бовар қилмайдиган иш эди, албатта.

Хонадаги суҳбат тугаб, Қурёз отани кечқурунлари ҳам ишлайдиган чолғу ансамбли залига, машҳур Юнус Ражабий ҳузурига олиб кирдик. Эртаси кунига репетиция белгиланиб, Хоразм мақомлари устасининг беш-олти ашуласи ёзиб олинди.

Бундан кейин бу воқеа менинг хаёлимдан унут бўлиб кетган эди. Бироқ беш-олти йил илгари «Ўзбекфильм» студиясида Усмон Юсупов тимсоли гавдалантирилган икки серияли бадиий фильм ишлаб чиқарди. Унда Усмон Юсупов, Алексей Толстой ва Ғафур Ғулом каби йирик тарихий шахслар роллари ва фарзандлари ижро этишди. Фильмнинг ўзларига ўхшайдиганлари томоша қилар экан, мени энг кўп ҳайратга солган нарса Усмон Юсупов тимсолини яратган ота ўғлининг исми Ўлмас Юсупов эканлиги бўлди. Демак, узоқ Хоразмдан Тошкентга келган пир-хонандани ўз боғида эъзозлаб меҳмон қилган Усмон Юсупов ўзининг ўша вақтдаги ғоят баланд мавқеини ҳисобга олмай, ҳатто ҳеч иккиланмай, ўзидан ҳеч ҳам ёш бўлмаган исмни ихлос билан қабул қилган, санъатга, санъаткорга эҳтиром қандай бўлишидан ҳаммамизга яна бир бор сабоқ бериб кетган экан-да.

Кучукка таъзим

Юсуфжон қизиқ ўзининг ҳамкасблари билан узоқ қишлоқдаги зиёфатдан Марғилонга пиёда қайтиб келишаётган экан. Зиёфатдан чиқишдан биланоқ ҳамкасбларининг бири қизининг нобоп жонига келин бўлиб тушгани, қудаларнинг ҳаддан ташқари ёмонлиги натижасида ўзига ҳам, қизига ҳам кун йўқлиги, ажратиб олай деса мунчоқдек невараси борлиги, ажратмай деса қизи у хонадонда яшаётганинг иложи йўқлиги ҳақида юракларни тарс ажратиб юборадиган даражада диққат гапларни қалаштириб, ҳамманинг жонига тегибди. Бир гапни тамом қилганидан сўнг яна ўша гапни бошидан бошлармиш. Қудани яхши танийдиган Юсуфжон қизиқ ўз ҳамкасбига жилла унчалик эмаслигини тушунтирмоқчи ҳам бўлиб кўрибди-ю лекин фикридан қайтибди. Негаки, ҳамкасби ўз гапини маъқуллатмай қўймайдиган кажбаҳс одам экан. Юсуфжон қизиқ бирор чора излаб топгунича Марғилонга ҳам кириб келишибди. Кечки пайт экан. Бир афтода ҳол ит бир жамоа одамнинг ёнидан тўппа-тўғри ўтишга кўрққаниданми, ҳарқалай, девор тагига қисилиб-қимтиниб ўтиб бораётган экан.

Юсуфжон қизиқ ўша итга етти букилиб салом бериб, ҳол-аҳвол сўрай кетибди:

— Ассалому алайкум, қалай, сиҳатлари яхшими, қўни-қўшнилар, бола-чақалар, маҳалла-кўй ўйнаб-кулиб юришибдими? Ўзларини кўрмаганимга ҳам анча вақт бўлди. Дийдорингиз хумор қилар экан одамга...

— Ҳай, ҳай, ҳай, Юсуфжон ака, икки туғиб бир қолганингиздан ошириб юбордингиз-ку бу қўтир итни. Тинчликми ўзи? — дарҳол унинг гапини бўлиб сўрабди ҳалиги ҳамкасби. Шу орада ит улардан узоқлашиб кўздан ғойиб бўлибди.

— Одамни роса хижолатга солдингиз-ку оғзимдагини бўғзимда қолдириб, — дея зарда қилибди Юсуфжон қизиқ. — Наҳот танимаган бўлсангиз, қизим келин бўлиб тушган маҳалланинг ити-ку, ахир. Уни эъзозламай кимни эъзозлай?

Юсуфжон қизиқнинг шу ишидан кейин ҳамкасби қудалардан шикоят қилишга барҳам берган, ҳамманинг қулоғи тинчиб қолган экан.

Мол эгасига ўхшайди

Мамажон ҳожи Тошкентда энг машҳур аскиячилардан эди. Асли андижонлиқ бўлган Мамажон ҳожи ака Лутфихоним Саримсоқова ҳамда унинг эри Муҳаммаджон Тожизода билан яқин, қадрдон экан. Лутфихон ая аскияга киришса, унча-мунча аскиячини довдиратиб қўядиган даражада зукко аёл эди.

Мамажон ҳожи аканинг бир зотдор урғочи овчаркаси бўлар, уни алоҳида меҳр билан парваришлар, ҳар йили у болалаганида ўзи лозим кўрган одамларнинг уйига ҳали кўзи очилмаган кучукларни тарқатиб, ҳаммадан миннатдорлик сўзларини эшитар, кейин вақти-вақти билан ўша одамлар уйига бориб, кучукларнинг аҳволидан хабар олиб юрарди.

Бир йили урғочи овчаркасининг қуйиқканини сезиб, ҳар сафар қочириб келадиган танишининг уйига борса, унинг овчаркасини кимдир ўғирлаб кетган экан.

Мамажон ҳожи ака қаттиқ безовталанибди: бир томондан, шундай зотдор кучукнинг қисир қолиши, иккинчи томондан, унинг кучукчаларини кутиб ётган қанчаданқанча қадрдонлар итсиз қолишади.

Шундай хаёл билан кетаётган Мамажон ҳожи ака кўчада эски ошнаси Тожизодани учратиб қолибди. Ундан-мундан гап айланиб, Мамажон ҳожи ака урғочи овчаркасининг ташвишида эканини айтса, Тожизода:

— Ия, дардингизга даво бизда-да. Ўтага эрталаб итингизни бизнинг ҳовлига олиб келаверинг. Менда ўша немис овчаркасининг эркаги бор. Икковини ечиб, ҳовлига қўйиб юборсак, ўзимиз улфатчилик қиламиз. Кечқурунгача итингиз қочади-қўяди, — дебди.

Эртасига эрталаб Мамажон ҳожи ака итни етаклаб, Тожизоданинг Кўкча даҳасидаги «Известия» бекати яқинидаги ҳовлисига борибди. Театрда дам олиш куни бўлганидан Лутфихон ая уйда, уникига икки-уч аёл меҳмон ҳам келган экан. Аёллар уйда, Мамажон ҳожи ака билан Тожизода даҳлизда гангур-гунгур суҳбатлашиб ўтиришибди. Эркаклар ҳовлидаги икки овчарканинг қовушишидан умидвор... Кун кечга яқинлашиб, ҳам аёл меҳмонлар, ҳам Мамажон ҳожи ака уйига қайтадиган вақт яқинлашибди. Бироқ овчаркаларнинг қовушишидан дарак бўлмабди.

Шунда Мамажон ҳожи ака:

— Аттанг, куним бекор кетди, овора бўлдим, Тожизода, — деган экан, Тожизода энди гапга оғиз жуфтлаб турса, ўша аснода қайнаб турган самоварни аёл меҳмонлар олдига олиб кириш учун қўтариб даҳлиздан ўтаётган Лутфихон ая:

— Ҳожи ака, шунча кўпни кўргансиз-у, бироқ «Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади», деган нақлни эшитмаган экансиз-да, — деб юборибди.

Гапга чечан икки аскиябоз эркакнинг тиллари калимага келмай қопти.

Собир Абдулла „енгилди“

Катта санъаткор Собир Абдулла халқ орасида кўп юрар, ҳар гал бирор эътиборга лойиқ гап топди дегунча редакцияларга, нашриётларга кириб, у ердагиларнинг хуморини ёзарди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Оддий иш кунларидан бири бошланар-бошланмас у «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»)нинг адабиёт бўлими эшигидан иккала қўлини осмонга кўтарганча, гўё таслим бўлгандек: «енгилдим, енгилдим!» — дея кириб келди.

Маълум бўлишича, у эрталаб тўй ошига борган, тўй эгаси катта шоирни ҳурмат қилиб, санъаткорлар учун ажратилган каравотга ўтқазиб қўйган экан. У ерда Собир ака нотаниш ҳофизларнинг ашулалари мағзини чақиб ўтирса, ошдан тош чиққандек ғашга тегадиган алмойи-алжойи «мисра»лар қулоғига эшитилаверибди. Бир амаллаб чидаб ўтирган шоир ниҳоят Фузулийнинг «Сўр» радифли ғазали айтилаётганида ашулани «қойил» қилаётган отарчига савол бермасликнинг иложини топмабди. Негаки, ғазалдаги:

Кўзи ёшлуқларин ҳолин ва билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр,

байтининг иккинчи мисраси унинг қулоғига янги «кашфиёт» бўлиб эшитилибди. Хонанда уни:

Кабобпаз сайрини шафтолидин безор ўландан сўр,

тарзида янги «таҳрир»да айтаётган экан.

Ашула тугагач, виқор билан каравотда ўтирган ашулачидан Собир Абдулла сўрабди:

— Ҳозир айтган ашулангизда: **«Кабобпаз сайрини шафтолидин безор ўландин сўр»**, деган бир гап эшитдимми? Агар мен хато эшитмаган бўлсам, шунинг маънисини тушунтириб беролмайсизми?

Ашулачининг бу саволдан энсаси қотиб, бир виқорига ўн виқор қўшилибди, танбеҳ аралаш жавоб қилибди:

— Шуни ҳам билмайсизми, мулла ака. Одатда шафтолини кўп егандан кейин кишининг совуғи ошади ва иссиқлик овқат зарур бўлади унга. Шунда тўйиб-тўйиб ка-

Шариф ЮСУПОВ

боб еса, мижози ўрнига келади-қўяди. Шоир шуни айтяпти. Биз унча-мунча шеър мазмунини билиб олмасдан туриб ашула айтмаймиз.

Бунчалик чуқур «таҳлил ва мантиқ»ни кам кўрган Собир Абдулла иккала қўлини кўксига қўйиб таъзим қилибди, «енгилибди».

Шундан сўнг тўйдан тўғри ўз уйига кетавермай, редакциядагиларни хабардор қилиш учун келган экан.

„Қовун тушгани“

Ўзбекистон халқ ҳофизлари орасида Жамолқори Ғиёсов деган эъзозли хонанда ҳам ўтган. Асли наманганлик бўлган Жамолқори вилоят театрида ишлар, спектаклларда энг масъулиятли ролларни ижро этар, овозининг тагтагидан чиқиб турадиган ажиб бир қийқириқли хонишлари тингловчиларни шундоққина сеҳрлаб қўярди.

1939 йилда умумхалқ ҳашари йўли билан Катта Фарғона канали қуриладиган вақт етгач, бу улкан ҳофиз ўз ҳамнафаслари Ҳожиакбар Аҳмедов ҳамда Жаъфархон Умаровни ёнига олиб канал қазувчилар хизматида қойим турди. Уларнинг хонишлари ўн мингларча кишилар жам бўладиган очиқ саҳналарда Дўнан Дўсматов тахлитидаги азаматлар юрагига ўт солар, ҳаммани мардона меҳнатга илҳомлантирар эди. Каналдан улар «Шавқатли меҳнати учун» медали соҳиби бўлиб қайтишди, ўша пайтларда учовларига «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони ҳам берилди.

Орадан бир неча ой ўтгач Тошкентдаги Муқимий номидаги комедия театри мусиқий драма театрига айлантирилиб, вилоятлардаги энг истеъдодли санъаткорлар шу санъат масканига таклиф этилди. Улар орасида Жамолқори Ғиёсов энг биринчилардан эди. Фарзанди солиҳ бўлмиш бу ҳофиз Наманганда қари отасини ёлғиз ташлаб, Тошкентга кўчиб келишга унамаганида Усмон Юсупов унинг падари бузруквори билан узоқ вақт суҳбатлашиб, унинг ўғли халқ фарзанди ҳам эканини, ана шу бурчни бажариш чоғи келганини мўътабар зотга маълум қилган ва унинг розилигини олган эди.

1940 йилда «Тоҳир ва Зуҳра» мусиқий драмаси Тошкентда биринчи бор қўйилди. Тоҳир ролини Жамолқори Ғиёсов дастлаб ижро этди, Машрабжон Юнусов эса унга дублёр эди. Театрда бир йилдан кўпроқ давр ичида бошқа спектакль қўйилмади. Жамолқори ижросини юз марталаб кўрган томошабинлар тўлиб-тошиб ётарди. Унинг «Отмағай тонг» ва «Ўлмишам»ини тинглаш учун Ўзбекистоннинг узоқ вилоятларидан, қўшни республикалардан келган ихлосмандлар Шайховард Таҳурдаги театр олдида ғужғон ўйнашарди, Жамолқорининг театрга кириш-чиқишини юзларча кишилар пойлаб туришар, орқасидан эргашиб, анча йўлгача кузатиб қўйишар эди. Ватан уруши бошлангач, «Қасос» мусиқий драмасида бош роль — Элёрни ижро этиш ҳам Жамолқорига насиб этди. Бу спектаклда ҳам у «Тоҳир ва Зуҳра»дагидан кам муваффақият қозонмади Зотан, унинг бошқа бирор хонанданикига ўхшамайдиган ўта ширали овози ҳар қандай томошага алоҳида файз киритиб юборарди. Хулласи, театр мусиқий драмаларга мослаштирилган дастлабки икки йил ичида Жамолқори саҳнада ҳақиқий чақмоқ чақиб ўтди. Лекин не чораки, унинг умри ҳам чақмоқ умридек қисқа бўлди.

1942 йил ёз фаслида у атиги 36 ёшида тўсатдан вафот этди. Ҳамманинг дили-бағрига жо бўлиб кетган беназир ҳофиз жанозасига фақат Тошкентдан эмас, узоқ-узоқлардан ҳам келган халойиқнинг кети узилмас, марҳумнинг бошида мардона тиловат қилиб, қордек оппоқ соқолли Ғиёсиддин ота ўтирар, Усмон Юсупов қайта-қайта унинг атрофидан айланар, отага қиёматлик ўғил бўлишини айтиб, ёшли кўзлари билан таскин берарди. Барча вилоятлардан, айниқса Фарғона водийсидан келган ҳофизларни Жўрахон Султонов навбати билан мақом ва патнусаки ашула йўлларидан айттирар эди. Улар орасида Жўра фасон лақабли ҳофиз ҳам бўлиб, «Қассобга мой қайғи, эчкига жон» қабилида фикр юритар, ҳамма мотам оловида ёнган шу лаҳзаларда ўзича энг зўр деб ҳисоблаган ашулани баланд пардаларда айтиб, ҳаммани лол қолдирмоқчи, катта обрў қозонмоқчи эди. Шу мақсадда ўзига навбат келишидан илгари бир неча танишларига бориб, «қайси ашулани айтсам, ҳамма лол қолади» деб сўраб чиқибди. Бировлар «ўзинг биласан» деса, унинг ноўрин ишидан хафа бўлган бошқа биров: «энг яхши ашуланг «Муборак», ҳозир ўшанинг ўрни», деб кесатибди. Кесатиқни тушунмаган Жўра фасон шериги билан мурданинг тепасига келиб:

Ҳуснинг камола етди, эй махлиқо, муборак,
Ойинайи жамолинг топти сафо, муборак —

ни бошлаб юборса бўладими? Ҳаммани лол қолдириш бундан ортиқ бўлмас. Усмон Юсуповнинг ғазабли нигоҳини пайқаган театр раҳбарларидан бири ашуланинг давомини бўғзида қолдириб, Жўра фасон ва шеригини силтаб орқага тортиб, ташқарига судраб кетди. Катта обрў ишқибози ҳофиз шундай қовун туширган эди.

„Фазилатли келин“

Уруш йиллари эди чамаси. Охунжон қизиқ Муқимий номидаги театрда ишлар ва «Кўкча» даҳасининг «Чақар» маҳалласида истиқомат қилар эди. Ўша оғир замонларда унинг хотини вафот этди ва қўшни Сархумдон, Лангар маҳаллаларидаги ёш-яланглар жам бўлиб Шайх Зайниддин бобо қабристонига дафн этиб келдик. Охунжон қизиқ бел боғлаб тобут олдида йиғлаб борар, ҳар чойхона олдидан ўтганда у ердаги чойхўрлар гурра ўринларидан туриб, тобутни нариги чойхона олдига элтгунча унга елка тутар эдилар.

Тобут ва мотам маросими бир томонда қолиб, айниқса ёшлар Охунжон қизиққа тикилишар, унинг йиғлаётганини кўриб пиқиллаб кулишар, лекин шу заҳоти кафтлари билан оғизларини тўсиб, атроф-теваракка қараб жимиб қолишар эди. Охунжон қизиқ бир йилгача маросимларни баҳоли қудрат ўтказди. Шундан кейин унинг дўстлари иссиқ-совуғидан хабар олиб турадиган бир тан маҳрам лозимлигини таъкидлайверишибди. Оила масаласида тушкунликка тушган, бундан ташқари иш билан қаттиқ банд бўлган Охунжон қизиқ ихтиёрни қўшни хотинларга бериб-ди-ю, улар эрсиз бир аёл топишганини айтганда уйланишдан олдин уни кўриш кераклиги хаёлига келмабди. Ниҳоят, ўн-ўн беш киши иштирокида тўйча ўтказиб, келин келгач, «куёв тўра» ҳанг-манг бўлиб қолибди.

Лекин ошна-оғайниларга сир бермай юраверибди. Ўртоқлари «келиннинг қўлидан қачон ош еймиз?» дея уни ҳоли-жонига қўймай, бир куни уйига бостириб келишибди. Бўлар иш бўлгач, Охунжон қизиқ хотинига ош буюриб, улфатлар оз-оз тортиб, ширин бўлиб ўтиришган экан, ош тайёр бўлиб, «келин» уни лаганда кўтариб кирибди.

Кўпчилиги санъат одамлари бўлган улфатларнинг бири чидай олмай: «Охунжон, нима иш қилиб қўйдинг? «Келин» деганинг шуми? Ҳам чўтир, ҳам шилпиқ, ҳам чўлоқ-ку. Буни қандай хотин қиласан, бирор жойга қандай олиб борасан?» деса, Охунжон қизиқ:

— Мулла акаси, келинни жилла ҳам уялтирманг. Хонимнинг барча нуқсонларини ювиб кетадиган бир фазилатлари бор: у киши носвой чекадилар, — деб ўзини оқлабди.

„Мунофиқ“

Расулқори Мамадалиев шеъриятни пухта идрок этар, суҳбатларда, аския чоғида турли шоирларнинг шеърларидан энг муносиб парчалар келтирар эди.

Унинг куёви Холмуҳаммад Олимжонов ҳам хонанда. Расулқори Қўқонда, Холмуҳаммад эса Тошкентда истиқомат қилишар эди. 1966 йилги зилзиладан кўнгли нотинч бўлгач Холмуҳаммад ўз хотини ва қизи Нодирани қайнотасиникига, Қўқонга вақтинчалик кўчириб олиб бориб қўйибди. Оила аҳволидан хабардор бўлиб туриш учун Холмуҳаммад Қўқон билан Тошкент ўртасида бўзчининг мокисидек бориб-келиб турганига ачиниб, бир куни Расулқори унга «Ўғлим, сизга ҳам жуда оғир бўлиб кетди. «Ёрнинг васли эмас озорсиз» деб шунга айтадилар-да» деса, бу ашулани яхши биладиган Холмуҳаммад: «Нодира аҳволидин огоҳ бўлинг», деб келиб турибмиз, дея лутф қилибди. Куёвининг бу лутфидан ғоят мамнун бўлган Расулқори: «Нодирабегимнинг арвоҳи Нодирангизга ёр бўлсин», дея дуо қилибди.

Офелия ЮСУПОВА:

МУСИҚА—КЎНГИЛ ТАРЖИМОНИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Тошкент Давлат консерваториясининг ректори, профессор О. Юсупова яқинда Таиланд давлатида ўзининг соло концерти билан ижодий сафарда бўлиб қайтди. Ўзбек фортепьяно санъатини тан халқига илк бор намойиш этган мусиқачи сафар таассуротлари ҳақида мухбиримиз Ш. Машраббоевга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Кейинги йилларда чет элнинг ўзбек фортепьяно санъатига қизиқиши кучаймоқда. Зеро, турли халқаро кўрик-танловларда бизнинг мусиқачилик мактабимиз тарбиясини олган пианиночилар фахрли ўринларга сазовор бўлишяпти. Бу ўз навбатида ўзбек мусиқа санъати мактабининг мавқеини оширади, албатта. Балки таиландлик композитор ва пианиночи Нат Йонтарарак билан яқиндан танишишимизга, унинг ўзбек мусиқачилигига қизиқиб қолишига ҳам айнан шу сабаб бўлгандир. Лекин, ҳар ҳолда, Таиланд ва Ўзбекистон пианиночилари ўртасида дўстлик, мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ришталари боғланди, деган умиддаман. Ўтган йили юртимизда бўлиб, бир қатор мусиқа мактаблари, билим юрти, консерваториядаги ўқитиш услубларимиз билан яқиндан танишган Н. Йонтарарак мусиқа санъатимизга юқори баҳо бериб, бизни ўз ватанига гастролга таклиф қилди. Шу сабаб таниқли композиторимиз Рустам Абдуллаев Таиландда ярим ойча тан халқининг мусиқа маданияти, тарихи билан танишиб қайтгач, тан мавзуида концерт яратди. Менинг Таиландаги соло концертим ҳам Р. Абдуллаевнинг ушбу асари асосида тузилди. Таиландининг фортепьяно санъати ҳақида гапирадиган бўлсам, у энди ривожланаяпти. Консерватория очиш учун мутахассислар етишмайди. Яқинда Таиланд дорулфунунида мусиқа факультети ташкил этилди. Дўстимиз Нат ҳам истеъдодли пианиночиларни тарбиялаш мақсадида мактаб-студия очган. Мусиқа соҳасида етук мутахассислар етишмаслиги сабабли уларда истеъдодли мусиқачилар бармоқ билан санарли. Улар ҳам ўз маҳоратларини ошириш мақсадида чет элларда ўқишни маъқул кўришади. Шулардан бири иқтисодий қийинчиликларимизга қарамай, бизнинг консерваториямизда таълим олаяпти.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ўз миллий қадриятлари, жумладан, миллий мусиқачилигини ардоқловчи тан халқи Оврупонинг мумтоз мусиқа санъатига ҳам катта эътибор беради. Биздан фарқли ўлароқ, ҳеч қайси бир концерт халқнинг, мутахассисларнинг назаридан четда қолиб кетмайди. Буни концертларимда, тан халқининг киборлари-ю оддий инсонлари билан суҳбатлашганимда чуқур ҳис қилдим. Айтишларича, Таиланд қироличаси ҳам фортепьяно чалишни хуш кўраркан. Бунинг устига Т. Йонтарарака ўхшаш истеъдодли мусиқачиларни чет элда мусиқадан сабоқ олишига ҳам ўзи бош-қош бўлган экан... Назаримда, мусиқани севувчи, тушунувчи инсоннинг кўнгли пок бўлади. Яна шунга аминманки, мусиқа, умуман санъат — кўнгил таржимони, тилидан, динидан қатъий назар, бутун башариятни бирлаштирувчи эзгулик элчиси. Таиландлик ҳамкасб дўстларимиз билан бир қатор тастроль, талаба алмаштириш режаларини тузиб қўйганмиз. Насиб бўлса, бу тадбирлар икки халқни, икки маданиятни бойитишга, яқинлаштиришга хизмат қилади, деган умиддаман.

СУРАТДА: хонанда Маҳмуджон Азимов
С. МАҲКАМОВ суратга олган

Маҳмуджон АЗИМОВ:

НОННИ ЎЙЛАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

Республикада хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимовни яхши биласиз. Улуғ халқимизнинг улуғ фарзандлари ҳақидаги қўшиқлари кирмаган хонадон йўқ. У қўшиқчилик санъати оламига ўз овози, ўз ижро услуби билан чақиндек чақнаб кириб келди. Шу боис ҳам суҳбатимизни унинг тарихий сиймолар ҳақида ижро этган қўшиқлари ҳақидаги мулоҳазалари билан бошладик.

— Оллоҳга шукрлар бўлсинким, кейинги пайтларда ота-боболаримиз руҳини ҳам ёд, ҳам шод этиш имкони туғилди, — дейди Маҳмуджон Азимов. — Шу боис Улуғбек, Бобур, Усмон Носир, Файзулла Хўжаев каби халқимизнинг асл фарзандлари ҳақида имконим етган қадар қўшиқлар яратишга ҳаракат қилдим. Аммо бобомиз Амир Темур ҳақида кўпдан буён куйлашни ўйлаб юргандим. Ниятим амалга ошганидан хурсандман. Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтилган қўшиқ тингловчиларга маъқул кўринди. Абдулла Орипов сўзи билан айтиладиган Мўмин Мирзога бағишланган қўшиқ ҳам репертуаримиздан доимийга ўрин олди.

Булардан ташқари Ҳиндистонга бўлган ижодий сафардан олам-олам таассурот ҳамда армон билан қайтдик. Таассуротлар ўз йўлига, Армон эса Акбаршоҳнинг ишлари, Тожмаҳалнинг кўрку жамоли кишини бефарқ қолдирмайди. Миллий маданиятимиз тарихидан сўзлайди улар. Ўзимда Бобур ҳақида куйлаш масъулияти борлигини ҳис қилдим...

Бобурнинг белида олис юртларга
Ҳумоюн, Акбаршоҳ,
Шоҳжаҳон кетди.
Балки Андижонда қад ростлагувчи
Асору атиқа Тожмаҳал кетди, —

каби сатрлар билан тингловчиларнинг армонли дилларига қўл солгач, ўзимни енгилроқ сездим. Шунингдек, кўпдан орзу қилиб юрганим видеофильм яратилиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Ўзимга маъқул тушган қўшиқларимдан жамланган пластинка аллақачон ошганидан ҳурсандман. Бу ишларнинг ҳаммаси янги қўшиқлар яратишга ундайди. Ва бу йўлда тер тўкишдан асло чарчамайман.

— **Булар ҳаммаси яхши, қувонарли, Маҳмуджон. Лекин кейинги пайтларда замона зайли билан инсоний фазилатларни ҳар жиҳатдан кучайтириш зарурати туғилмоқда. Шу оғир жараёнда қўшиқнинг вазифаси нималардан иборат, деб ўйлайсиз.**

— Бугунги ҳаёт залворлари кўпчиликни, айниқса, оддий халқни ўз ёғига ўзи қовурилишига мажбур этмоқда. Кун сайин ўсиб бораётган нарх-наволарнинг охири кўринмайди. Эртага нима бўлади, деган савол каттаю кичикни қийнамоқда. Минбарда айтилаётган гап бошқа-ю, асли ҳаёт бошқа. Одамлар меҳр-шафқат эмас, мурувват эмас, кўпроқ бир бурда нонни ўйлайдиган замон келди. Озиқ-овқат, кийим-кечак нархлари кўтарилгани билан маошлар ҳамон ўша-ўша. Эҳ, қайси бирини айтиб куясиз, опа. Баъзан шундай оғир кунларда одамларга қўшиқ ҳам ёқмаса керак, деб ўйлайман. Лекин бозор-ўчарларга борганимда қарияларнинг: «Болам, шу дардли ашулаларингни айтишдан қолма. Бизга ҳали ҳам бўлса ўшалар ёқади», дейишлари эртанги кунларга умид билан қарашга ундайди. Қўшиқ ҳамма замонларда одамларни эзгуликка, яхшиликка ва адолатга чорлаган. Бу гал ҳам шундай бўлишига ишонаман.

— **Шу ўринда тингловчилар ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдим.**

— Гапимни бир мисолдан бошлай. Халқлар дўстлиги санъат саройида концерт бераётгандим. Қоғоз узатишди. Унда «Умрингнинг охиригача йиғлаб ўтасанми?» деб ёзилганди. Жуда оғир ботди. Наҳотки залда ўтирганларни шунчалик зериктириб қўйдим. Бу фикр бир зумда тарқалиб ҳам кетди. Чунки шу қадар савияси паст томошабинлар борлигига ачиндим. Яна бир мисол. Янги йил концертида иштирок этиш учун телестудияга чақиришди. Бордим. Шўх қўшиқ айтинг, дейишди. Нима учун? Ахир, янги йилни фақат ёшлар кутмайди-ку. Катталар ҳам кутишади, деб қайта-қайта тушунтиришга тўғри келди. Бир куни капкатта одам «Бобом деб айтаверасан, нечта бобонглар бор?» деса бўладими? Аслида ҳар бир кимса ўз авлодини етти пуштигача билиши лозим, деб уқтиришади донолар. Лекин ўз боболари ва уларнинг хотираларини эъзозламайдиган калтабин томошабинларга ачинаман, холос.

— **Умуман, савия масаласида кўп нарсаларга тайёр эмасмиз, демоқчисиз-да.**

— Худди шундай. Шаҳримиздаги энг катта концерт саҳнасида Файзулла Хўжаевга бағишланган қўшиқни айтмоқчи эдим. Бўлмайди, дейишди. Режиссёр пастдан туриб, ҳамма яхши кўрадиган «Самарқанд»ни айт, деди. Бошладим. Кейин, қўшиқ нечта тўртликдан иборат, деб сўрашди яна. Бешта, жавоб бердим. Икки тўртлигини олиб ташла, деб буюришди улар. Ҳайрон бўлдим. Катта даргоҳнинг тажрибали режиссёридан чиқаётган гап бу. Улуғбек ҳақида беш юз йилда битта қўшиқ яратилармиш-да, унинг ҳам ярмини айтмас эмишман. Концертда қатнашмасликка рози бўлсам ҳам, аммо бу шартга кўнмадим. Афсуски, орамиздаги бундай «билимдон»лар маданий тараққиётимизга путур етказмоқда.

— **Қўшиқ сайқалини куй белгилайди, куйни эса чолғувчилар яратади. Муштарийларни ансамбль қатнашчилари билан қисман таништирсангиз.**

— Чолғувчилар билан хонанда бир-бирини тушунсагина тингловчиларга қўшиқнинг манзур бўлиши табиий. Бу борада аввало «Парвоз» ансамблининг раҳбари Маҳамаджоннинг номини алоҳида тилга олгим келади. Негаки, у нафақат ижжаккачи, балки клуб раҳбари сифатида ҳам доимо имкон, шароит яратиб, ғамхўрлик кўрсатади. Фахриддин эса ўта жонкуяр йигит. Елиб-югуришдан чарчамайди. Концерт бериладиган жойга узоқ-яқин бўлишидан қатъий назар, бир кунда бориб келади. Саҳнани, шароитни кўриб, камчилиги бўлса тузатиб, кўнгли хотиржам бўлиб қайтади. Доирачи Ҳусан Шариповнинг маҳоратини кўпчилик тан олган. Кўпни кўрган, эл таниган бу йигит доирани чалмайди, сайратади. Найчи Хуршиджон кичик жамоамизнинг кенжаси, Тошкент Давлат консерваториясининг учинчи курсида таҳсил олади. Чолғувчилардан ҳам омадим юришган. Ҳаммамиз бир оила аъзоларидек ака-укалармиз.

— **Фарзандларингиздан Умиджоннинг хиргойи қилишини эшитардим. Видеофильмни томоша қилганимда кўрдим. Унинг ҳам ўзингизга ўхшаган хонанда бўлишини истармидингиз?**

— Менга қолса, аввало, ҳунар, касб эгаси бўлишини, ундан бўш қолган вақтини санъатга сарфласа, деб умид қиламан. Негаки, санъаткорлик ўта машаққатли, масъулиятли йўлдир.

— **Ниятларингиз?**

— Мен ҳалол, пешона тери билан кун кечирадиган халқимга доимо таъзимдаман. У билан фахрланаман. Шу халқнинг бахтиёр фарзанди эканман, бой тарихини ўрганиб, доно даҳолари ҳақида қўшиқ айтишдан чарчамайман.

Суҳбатдош:
Муқаддас СОЛИҲ қизи

ИККИ ОҒИЗ ДИЛ СЎЗИ

СЎЗ ИШИНИНГ МАРДИ

Менга бундай адиблар ёқади, уларга ҳавас қиламан. Улар ҳаётни, одамларни жимгина кузатиб юрадилар, суҳбатларга, баҳсларга сокинлик билан, вазминлик билан қулоқ соладилар, энг қизғин, энг кескин можароларни ҳам жилмайиб-гина тинглайдилар ва буларнинг ҳаммасидан ўзлари учун, ишлари учун хулоса чиқариб оладилар.

Оқилжон Ҳусанов ҳам ана шундай холис, одил ва доно адибларимиздан. Унинг исми ўзига жуда муносиб. Мен унинг Жиззахдан Тошкентга келиб, «Муштум» жамоасида ишлаган вақтларини эслайман, ҳажвий жаридамизда эълон қилинган дастлабки ўткир ҳикоя, фельетонларини ўқиганман — янглишмасам, олтмишинчи йилларнинг бошлари эди. Кейин биз уни «Шарқ юлдузи» ойномасида ишлашга таклиф қилдик. Ойномага мен муҳаррирлик қилардим, кўлёзмалар Шуҳрат, Ваҳоб Рўзиматов, Ҳайдар-али Ниёзов каби забардаст ижодкорлар таҳриридан ўтарди. Жамоамизга Оқилжон Ҳусанов, Лола Тожиева, Юсуф Шомансур каби янги кучлар келиб қўшилди. Оқилжон наср бўлимида ишлади. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий қўлёзмаларининг муҳокамаси, таҳририда иштирок этиш, устозлар билан мулоқотда бўлиш бахти Оқилжонга насиб қилди. У Саид Аҳмад, Мирмуҳсин романларининг қўлёзмаларини ўқиди, муҳокамаларда қатнашди, бу қизғин мунозараларда истеъдоди чиниқиб, қалами пишиб борди. Ойномамиз жамоаси истеъдодли, сабр-тоқатли, меҳрибон Оқилжонни масъул котиблик вазифасига муносиб деб топди. Ҳамма бўлимларни, ҳамма жанрларни бирлаштирувчи, жариданинг ҳар бир сонини шакллантирувчи ва унинг истиқболини режалаштирувчи бу масъул вазифада Оқилжон узоқ йиллар давомида, то «Гулистон» ойномасига бош муҳаррир ўринбосари вазифасига тайинлангунча ишлади.

Мен Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилган йилларим Оқилжон билан тез-тез учрашиб турдик. У «Шарқ юлдузи»нинг масъул котиби сифатида кўпинча бизнинг ишлаб чиқариш бўлимимизда ишини битириб кетар, азбаройи камтарлигидан нашриёт раҳбариятига кам учрарди. У янги қисса ёки ҳикоялар тўпламининг қўлёзмасини олиб келганда ҳам, Бадиий наср редакциясида ишини битириб, кетаверарди. Шундай адиблар бўладилар: уларнинг қўлёзмалари муҳокамага ҳам, таҳрирга ҳам муҳтож эмас. Оқилжон шундай қалами пишиқ, сўзи пухта, услуби равон ёзувчиларимиздан. Бундай муаллифларнинг қўлёзмаларини таҳрирга олган муҳаррирлар бир марта ўқиб чиқиш билан кифояланиб, бўш вақтларида шатранж суриб ўтирадилар.

Оқилжон бир қараганда вазмин табиатли, «оғир карвон» адиб. Аслида бундай эмас. Унинг қиссалари, ҳикояларида ҳаёт бутун зиддиятлари билан рўй-рост кўрсатилади, умуман, унинг серқирра ижоди ҳақиқат учун, адолат учун муросасиз кураш ғоялари билан суғорилган.

Адиб ўзи туғилиб, қаттиқ меҳнатда улғайган Зарафшон водийси, тоғлари чўллар билан туташган қадимий Жиззах манзараларини жонли тасвирлайди, ўз сўзли, қайсар табиатли юртдошларининг жонли сиймоларини ҳаққоний чизади.

Оқилжон анчагина ҳажвий ҳикоялар ёзди. «Муштум»да муттасил эълон қилиниб турган, айрим тўплам ҳолида нашр этилган бу асарларда жамиятдаги зарарли қусурлар, салбий ҳолатлар рўй-рост очиб ташланган, аччиқ ташбеҳлар топилган.

Оқилжоннинг болалар учун ёзган ҳикоялари мавзуларининг ранг-баранглиги, тасвирларининг тўпорилиги ва равонлиги, фикрларининг беғуборлиги ва самимийлиги билан мафтун қилади.

Адиб «Самарқанд булбули» номли воқеъномасида буюк ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз ҳаётини батафсил ҳикоя қилган, илҳомбахш ижод йўлини тасвирлаган. Ҳақгўй ва самимий ёзувчи ижоди ҳам ҳофиз куйидай дилгир ва самимийдир.

Қимирлаган қир ошар, деганларидай Оқилжон Ҳусанов ҳам ижоднинг машақатли йўлида қунт ва сабот билан аста-секин илгарилаб, нуроний оқсоқоллик чўққисига кўтарилди. У бахтли адиб, сабабки, баландпарвоз мадҳиябозлик кўчасига кирмади, шуҳратпарастликнинг қалтис ва қилғир йўлларидан юрмади, замонасозлик қилмади, аксинча, камтарин ва улуғ адибларимизга хос машаққатли ижод йўлидан борди, камтарона ҳаёт кечирди. У бадиий сўзга сайқал бериш устида сабот билан, тинимсиз ишлади.

Фидойи адибимиз, сўз ишининг марди Оқилжон Ҳусановни муборак 60 ёши билан қутлайман.

Ҳамид ҒУЛОМ

Қутлайлик!

ЗАЙНИДДИН ДЎСМАТОВ — 60 ЁШДА

Муҳтарам Зайниддин Дўсматов!

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Сизни, қардош Тожикистонда ижод қилаётган заҳматкаш адибимизни қутлуғ олтмиш ёшингиз билан муборакбод этади.

Сиз 1932 йилнинг апрель ойида Ленинобод вилоятининг Хўжанд туманидаги Патар қишлоғида дунёга келгансиз. Адабиётга ҳавас, унинг сеҳрли оламига иштиёқ ана шу мўъжаз қишлоқнинг бепоён осмонида, кенг дала-тузларию адирларида шаклланган, мактаб ва дорилфунун даргоҳларида камол топган.

Сизнинг ўз вақтида китобхонлар тилига тушган «Ёқут», «Сутбулоқ оқшомлари» сингари қиссаларингиз, «Кечиринг мени, одамлар», «Интилганга толе ёр», «Юрак ҳамиша йўлда», «Помир ҳикоялари», «Ойдин кеча», «Ўткинчи шамол» каби китобларингиз бугун ҳам мухлислар жавонларини безаб турибди. Бир неча қисса ва ҳикояларингиз эса қорақалпоқ, қирғиз, татар, тожик, украин, латиш тилларига ўгирилган, айрим тожик адибларининг энг сара асарларини ўзбек китобхонига етказишда ҳам сиз муносиб ҳисса қўшгансиз. Бу йўлда ҳозир ҳам толмай, самарали меҳнат қиляпсиз. Шу маънода Сизни айни куч-ғайратга тўлиб-тошган, бой тажриба тўплаган заҳматкаш адиб, ҳассос таржимон дейиш мумкин.

Қадрли Зайниддин Дўсматов! Сизни барча ижодкор дўстларингиз номидан олтмиш йиллик тўйингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга ҳамиша сиҳат-саломатлик ва баркамоллик, янада юксак ижодий парвоз тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ

СУНЪИЙ ТЎСИҚЛАР

МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ...

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ХАФТАНОМАСИДА ўтган йили «Нонкўрнинг қисмати» сарлавҳали мақолам эълон қилингач, муштарийлардан кўплаб хатлар олдим. Уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифистаклар хилма-хил. Масалан, «Тўқимачилар овози» жаридасининг ходими Дилшод Эргашев шундай деб ёзади:

«Мақолани қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ҳурматли адибимиз Одил Ёқубов, гарчи ҳақиқатни юзага чиқарган бўлсалар-да, суст ҳаракат қилганлар. Ҳақиқат тўла тантана қилиши учун Ҳусан Расуловни тергов қилган шахслар ҳам панжара ортида ўтириб чиқишлари керак...».

Туркистон туманидаги Эски Иқон қишлоғида яшовчи Абдусобир Бектошев эса масалани янада кенгроқ қўяди:

«...Биз нега адолатнинг тантана қилишини кутишимиз керак? Халқ кучи қаерда? Ҳақ-ҳуқуқларимизнинг поймол бўлишига аслида ана шу кутишлар сабабчи эмасми?..».

Шу тумандаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси Зиёда Мавлонованинг фикрлари ҳам кишини чуқур ўйлатиб қўяди: «Бизда ҳеч кечириб бўлмайдиган бир разиллик бор. Кимнингки бошига ташвиш тушса, яккаланиб қолади, уни суйдиган, ёнига кирадиган одам топилмайди. Мана, Ҳусанжон тўрт йил қамоқда ўтирибди. Шу вақт мобайнида адолат истаб ҳуқуқ идораларига кўп мурожаат қилибди. Бироқ унинг кўз ёшлари қумга синггандай зое кетибди. Ниҳоят, Ёзувчилар уюшмаси бу ишга аралашгач, ҳақиқат қарор топибди. Оила тикланибди... Лекин бир савол жавобсиз қолаяпти. Нега ҳақиқат тўрт йилдан сўнггина юзага чиқди? Менимча, бу иллатнинг бош сабаби руҳимизни чулғаб олган лоқайдлик, инсон қадрини, ҳуқуқини менсимасликдир».

Бир туркум мактубларда у ёки бу шаклда арз-додлар баён этилган. «Нега? Нима учун? Қачон?» деган саволлар қўйилган. Уларга жавоб бериш учун масаланинг туб илдиларига назар ташлаш керак.

Биз узоқ йиллар мобайнида мустабид тузум остида яшаб келдик. Оқибати шуки, ҳозир қайси соҳани олманг, барчаси ночор аҳволга тушиб қолган. Ўғирлик, талон-тарож авж олган.

Тошкентнинг Гуруч ариқ маҳаллаасида яшовчи етмиш беш ёшли отахон Тўлаган Азимов бу ҳақда куюниб шундай дейди:

— Қайсики давлатда ўғирлик, талон-тарож бўлса, унинг фуқаролари ҳеч қачон фаровон яшамайдилар. Мана, бир мисол. Тошкент чинни заводининг янги биноси ўрни илгари жаннатмакон жой эди. Узоқни кўролмайдиган бир одамнинг гапи билан заводнинг ҳудуди обод маҳалла ҳисобига кенгайтирилди. Бор-роғларидан ажраган одамларнинг бир қисми Юнусободга, бир қисми Оҳакчи маҳалласидаги янги «дом»ларга, яна бир қисми Танқиқбоев даҳасига кўчиб кетишга мажбур бўлишди. Майли, бу ҳақдаги арз-додимизга ҳеч ким етмади. Энди аҳоли норозилигига қарамай қурилган завод биносининг дераза-ларига қаранг. Синмаган кўзи йўқ. Уларни болалар синдирмаганлар. Эс-ҳушли, катта одамлар ҳали гул солинмаган чинни идишларни ташиб кетиш учун шундай қилишган! Ана шу ташмачиларни қўлга тушириб, жиддий жазолаш керак. Бунинг учун қонун қаттиқ бўлиши керак. Бизнинг қонунлар эса бўш. Устига устак ҳуқуқ-тартибот ходимлари яхши ишламайдилар.

Тўлаган отанинг куюнишларида жон бор. Ҳақиқатан ҳам, нима учун бизда прокуратура, милиция органлари ёмон ишлайди? Нима учун соғлиқни сақлаш соҳасида тез-тез нохуш воқеалар содир бўлмоқда? Нега маорифимиз оқсайди? Маҳаллий ҳокимият мутасаддилари нега президентимизнинг аҳолига ер бериш ҳақидаги фармонига тўла риоя қилмайдилар? Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги қачон давлат тили ҳақидаги қонунга бўйсунади? Банклар қачон ўзбек тилида иш юритишга ўтади?

Мен бир вақтлар Сурия Араб Жумҳуриятида темир йўл қурилишида ишлаганман. Шунда қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Фрот дарёси бўйидаги Дейр-зор шаҳридан то Хассеки деб аталган шаҳарга қадар чўзилган темир из қурилишида қолиб учун ажратилган тахталар тўла-тўкис ишлатилди. Қурилиш ишлари тугагач, тахталар авайлаб тахланди. Сўнгра бойланиб бошқа қурилишга олиб кетилди. Бизда-чи? Кўп ҳолларда қолиб тахталари ишлатилган жойида қолиб кетади, агар аёзли кунлар бўлса, қурувчилар уриб-синдириб, исиниш учун ёқадилар.

Сурия бозорларига кирсангиз, орқаларига сават осиб олган ҳаммол болалар «Ё, саййид, ё мсьё» деб ортингиздан эргашиб юришади. Қўлларига эллик қуруш ёки бир лира бериб, турадиган адресингизни айтсангиз, улар харид қилган нарсаларингизни элтиб беришади. Сиз эса хотиржам ишингизга кетаверасиз.

Айтмоқчи бўлган фикрим, Сурияда, умуман, чет элларда маиший хизмат ана шундай яхши йўлга қўйилган. Тўғри, бизнинг бозорларда ҳам аҳолига хизмат кўрсатилади. Юкларингизни элтиб берадиган машиналар бор. Аммо уларнинг уловидан тушови қиммат. Ҳайдовчи арзимаган жойга фалонча сўм берасиз, деб кўзини лўқ қилиб туради. Бу биринчидан. Иккинчидан, сиз албатта ҳайдовчининг ёнида бўлишингиз керак. Акс ҳолда, харид қилган нарсангизни унинг бир ўзи икки дунёда ҳам уйингизга элтиб бермайди.

Хўш, нима учун кичкинагина бир давлатда бунақанги хизматлар яхши йўлга қўйилгану, бизда тескариси?

ҲАММА ГАП ТУЗУМДА. Хорижда меҳнат қилувчи одам ўзига ўзи хўжайин. Бизда эса меҳнат қилувчидан хўжайин, раҳбар кўп. Ҳозир ана шу ортиқча хўжайинларни камайтирамиз деб кўп гапираяпмиз амалда тескарисини қилаяпмиз. Бир бошқармани тугатиб, ўрнига ассоциация ёки концерн тузаяпмиз. Масалан, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси қошидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасини тугатиш ҳақида фикрлар пайдо бўла бошлаган эди, унинг номини дарров концерн деб ўзгартириб қўйдилар.

Яна бир иллат — бизда сансоларлик, «Бор отанга, бор онангга» қабилида иш юритишлар одатга айланиб қолган.

Ўтган йил сентябрь ойининг бошларида «Меҳнат» касаначилик фабрикасининг идораси учун бир мунча китоблар керак бўлиб қолди. Шу муносабат билан Тошкентнинг Бобур кўчаси ниҳоясида жойлашган 45-китоб дўконига бордик. Умумий қоидага биноан, аввалига бизга ҳисоб варақаси ёзиб беришди. Фабрика ҳисобчилари биринчи галда пул тўлаб, банкдан ўтказиб келишлари лозим экан. Кейин ушбу ҳисоб варақаси китоб савдоси бошқармаси ҳисобига ўтиши, у ердан китоб дўконининг ҳисобчисига тушиши керак экан... Хуллас, бир ярим ой деганда айтилган китобларни олишга муяссар бўлдик.

Мен дўкон мудиридан «Бу ишни соддалаштириш мумкин эмасми?» деб сўрадим. «Мумкин, —деди у.— Сиз тўғри дўконга пул тўлаб, керакли китобни олиб кетсангиз бўлади. Аммо бунга маҳкамапарастлар йўл қўйишмайди. Беш сўмликдан зиёд нарса олдингизми, тамом, ҳисоб варақаси орқали ўтиши керак. Бироқ шахсан менга бошқарманинг мутлақо кераги йўқ. Иккинчидан, банк тизимини ўзгартириш лозим. Қайси идорага қандай китоб сотишим билан банкнинг иши бўлмаслиги керак.

Мудирнинг фикрига қўшилган ҳолда яна бир воқеани айтиб бермоқчиман. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига сўнгги пайтларда кўпчилик қўнғироқ қилиб, пойтахтимизнинг Сағбон кўчаси қачон очилишини сўрашади. Мен эса кимга мурожаат қилишни билмайман. Аввал сув бошқармасига қўнғироқ қилдим. «Йўқ, биз у ерда иш олиб бораётганимиз йўқ!» дейишди. Газлаштириш бошқармасидан суриштирдим. «Биз Сағбон кўчасидан қутулганмиз. Бу — биринчидан, иккинчидан, биз ҳаракатни тўхтатиб қўймаганмиз!» дейишди. Ана энди сизга жумбоқ: қайси ташкилот кўчани ағдар-тўнтар қилиб ташлади экан? Бунисини аниқ билмадим. Чунки кўча кавловчи ташкилотлар жуда кўп. Иссиқлик тармоқлари деб бир кавлайдилар, газ деб икки кавлайдилар. Сув бошқармасининг ҳам, телефон идорасининг ҳам кавлашга ҳақи бор. Қисқаси, кавловчи кўп, лекин тузатувчилар йўқ. «Йўл хизмати» деган идора ишлайдими, ишламайдими, бунисиз бизга қоронғу. Лекин машинаси бор одамлар кўча солиғини тўлаб ётишибди. Тўланган пуллар автоинспекция бошқармасига бориб тушаркан. Пул у ёқда, кўча кавловчи бу ёқда. Икки ўртада ким саргардон, яна оддий фуқаро...

Кошки, шунга яраша иқтисодий аҳволимиз дуруст бўлса?» Аксинча, турмуш кечириш кундан-кунга оғирлашаяпти. Нарх-наво осмонда. Бир кило гўштнинг баҳоси давлат кооператив бозорида 40-45 сўм. Кўзни чирт юмиб оласан. Лекин қассоб халқида инсоф қолмаган. Сўлақмондай суякни, безни қўшиб беради. Ваҳоланки, барча тараққий этган мамлакатларда, ислом оламида гўшт алоҳида, суяк алоҳида сотилади. Лекин нарх-наво ҳар хил бўлади. Бизда-чи? Ҳаммасига баҳо битта. Гўшт деб оласан, ярми суякка чиқиб кетади. Нарх-наво давлат қўмитасидагилар қаёққа қараяптилар? Корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларга улар хўжайин, нарх-навони улар белгилайдилар. Адолатсизликни қаранг!... Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир деганлари шу эмасми?

Ўтган йили қизиқ бир мақолани ўқидим. «Раф» микроавтобуси ишлаб чиқарадиган корхона раҳбари куюниб шундай ёзади:

«СССР ҳукуматининг қарори чиқди. Кўп болалик оилаларга микроавтобус сотиш ҳақида. Биз дарров ишга киришдик. Элликта машинани тайёр қилиб қўйдик. (Бу ҳали нарх-наво кўтарилмаган пайтда эди). Иқтисодчи олимларимиз ҳисоблаб чиқишди. Битта машинани ўн минг атрофида сотсак, бўлар экан. Шунга келишдик. Бироқ шу пайтда нарх-наво давлат қўмитасидан қўнғироқ қилишди. «Шошмай турингларнинг! Машинанинг нархини биз сизларга қўйиб берамиз», дейишди. Иккита одам келди. Машиналарни кўздан кечиришди. Кейин... Ўттиз минг қўйишибди, аваматлар! Бунақанги давлат қўмитаси кимга керак?! Биз ўн мингга рози эдик. Йўқ, ўттиз мингга сотасан, деб туриб олишди. Бунақа бўладиган бўлса, машиналарни олиб кетинглар, дедим. Олиб кетишди...»

Ана, сизга ҳангома. Бугунги кунда фаолият кўрсатиб турган анчайин давлат ташкилот-идоралари ана шундай ишлашмоқда.

ХУЛОСА ТАРИҚАСИДА АЙТИШ МУМКИНКИ, ҳозирги кунда қайси соҳани олманг, илдам тараққий этишимиз учун халқит бераётган тўсиқ кўплигини кўрамиз. Биз биринчи галда, ана шу тўсиқлардан холи бўлишимиз даркор. Бу деган сўз турли-туман ортиқча бошқармалар, вазирликлар, қўмиталар, ҳар хил идоралар қатъиян тугатилиши керак. Шунинг эвазига ишчи-хизматчиларнинг маошларини анча кўтарса бўлади. Моддий жиҳатдан яхши таъминланган инсон ҳеч қачон ташмачилик билан шуғулланмайди. Ўғирликка ҳам ҳожат қолмайди.

Мустақиллик сари илк қадамни ташладик, энди орқага қайтиш йўқ! Собит-қадамлик билан қўлни-қўлга бериб, эзгулик йўлида дадил олға юрайлик!

Мен ишонаман, ёруғ кунлар албатта келади!

Муштарийларнинг дард тўла мактубларини ўқигани-мда, хаёлимдан шундай фикрлар кечди.

Мирвали АЪЗАМ

ОНА ЮРТИДА ҚАДР ТОПГАН ЭР

Боши биринчи бетда

сурмоқда. Тошкентдан борган кўплаб олимлар, айниқса, академик Аҳмадали Асқаров Амир Темурга қўйиладиган ёдгорликни Оқсаройнинг Самарқанд тарафидаги олд қисмида, ҳозирги Темур боғининг ўртасида, Оқсаройга аниқ симметрия асосида қуриш зарур деб фикр билдирдилар. Шунда ҳам ёдгорликнинг муҳташам обида шаклида тикланиши зарурлиги айтилди. Кўпчилик бу фикрни маъқул топди. Ёдгорлик шоҳсупасини бошлаб қўйганлар ҳам.

Бироқ ёдгорликни янгидан муҳташам қилиб қуриш учун маблағ топиш масаласи қандай ҳал бўлади? Шаҳар раҳбарларини мана шу нарса безовта қиларди. Мунозарада иштирок этаётган вилоят раҳбарлари масалани ижобий ҳал этишга ваъда бердилар. Шундан сўнг Оқсарой олдида, Амир Темурга ўрнатиладиган ёдгорлик пойдеворига рамзий ғишт қўйиш маросими бўлиб ўтди. Академик **А. Асқаров**, ёзувчи **Е. Березиковлар** ўз сўзларида Амир Темур ҳайкалини унинг жаҳоншумул шавкатига муносиб қилиб қуриш, уни 1996 йилда нишонланадиган буюк соҳибқиронниг 660 йиллигига қадар битказиш зарурлигини айтишди.

Тушга яқин шаҳарнинг бош майдонидаги улкан мажлисхона шаҳар меҳнаткашлари, вилоят жамоатчилиги намояндалари билан тўлди. Шу жойнинг ўзида қадим Кешнинг бугунги ёш мусаввирлари, ҳунармандлар яратган асарлар, тарихий китоблар кўргазмаси намойиш қилинди. Айниқса, Марс Жабборов яратган Амир Темур портрети кўпчиликка манзур бўлди.

Илмий анжуман бошланишидан олдин Қуръон оятлари ўқилиб, буюк ватандошимиз руҳи покларига тиловат қилинди. Анжуманни шаҳар Кенгаши раиси **Ф. Хатамов** очди. Қашқадарё вилояти ҳокимининг муовини **Р. Раҳмонов** ўз сўзида: «Ота-боболаримиз улуғ соҳибқиронга муносиб бўлишга ҳаракат қилганлар, — деди. — Бизнинг ҳали у зотнинг олдида қарзларимиз кўп. Оқсаройни таъмирлаб тиклашимиз, Шаҳрисабзни музей-шаҳарга айлантиришимиз зарур...»

Анжуманда ЎзФА академиги **А. Асқаров**, ЎзФА мухбир аъзоси **А. Ҳайитметов**, Беруний номидаги Шарқшунослик тадқиқот илмгоҳи директори **А. Ўринбоев**, тарих фанлари доктори **А. Аҳмедов**, тарих фанлари номзоди **Х. Султонов**, таниқли арабшунос олим **У. Уватов**, Самарқанд университети профессори **М. Холбеков**, тарих фанлари номзоди **О. Бўриев** ва бошқалар илмий маърузалар билан чиқдилар. Темурийлар давридаги адабиёт, меъморчилик, Амир Темур ҳақида ёзилган тарихий асарларни нашр этиш муаммолари, Амир Темур даврида бунёд этилган обидаларни таъмирлашнинг бугунги аҳволи хусусида муҳим муаммолар ўртага ташланди. Албатта, Темур ҳақидаги кўп гаплар бўғзимизда қолиб келган йилларнинг маънавий асоратлари ҳақида ҳам эслаб ўтилди. Иброҳим Мўминов singari етук алломаларнинг илмий жасоратлари қайта-қайта тилга олинди...

Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг кафедра мудири **Муборак Тошқўзиева** сўзга чиқиб, буюк соҳибқиронниг юртдошларига узоқ-яқиндан меҳмон чорлаб Амир Темурнинг таваллуд кунларини ёд этганлари учун чуқур эҳтиром билан миннатдорчилик билдирди. У: «Биз буюк бобомиз олдидаги гуноҳларимизни ҳеч қачон ювамасак керак, — деди. — Чунки ўз вақтида Иброҳим Мўминовдек фидойи олимларни ёлғиз қолдирган эдик...» Сўнг ўзининг бир ойлик маошини Амир Темур жамғармасига инъом этди. Шарқшунос олиманинг сўзлари ёзувчи **Е. Березиковни** ҳам илҳомлантириб юборди. У: «Шаҳрисабз Ўзбекистоннинг тарихий пойтахтидир. Биз бу ерда Амир Темурга кичик ҳайкалча эмас, ниҳоятда муҳташам ҳайкал ўрнатишимиз керак, — деди. — Мен ҳам ана шу ишга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Яқинда ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқадиган «Улуғ Темур», «Великий Темур» деган китобларимнинг қалам ҳақларини Амир Темур жамғармасига ўтказаман». Шаҳрисабз даги Шоҳўжа Маҳмуд кичик корхонаси ҳам жамғармага йигирма минг сўм ўтказди.

Анжуман аҳли Амир Темурнинг 1996 йили нишонланадиган 660 йиллиги муносабати билан Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари, ижодкорларига қарата мурожаатнома қабул қилди.

Шундан сўнг шаҳар маданият уйи режиссёри Э. Боймуродов раҳбарлигида саҳналаштирилган «Темур саройида базм» деб номланган театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Кўз ўнгимизда буюк бобомиз Амир Темур даври қайта жонлангандек бўлди. Мумтоз куй ва қўшиқлар янгради. Шаҳрисабз гўзаллари ажойиб рақсларни хиром этдилар.

Амир Темур юртида бошланган бу шодиёна бутун Ўзбекистон бўйлаб давом этди. Буюк соҳибқиронга бағишланган қасидалар, шеър ва қўшиқлар янгради. Уларда ёвларга қўшилиб, бобомизни сўккан тарихчиларга маломату, тангрига шукроналар ҳам ўз аксини топган эди. Биз эса шоир Нормурод Нарзуллаев ва хонанда Комилжон Баротовлар ҳамкорликда яратган янги қўшиқдаги ушбу мисралар билан сўзимизни хотималашни лозим топдик:

Кўҳна Кешнинг ақробоси
Сизни қўмсагай,
Оқсаройнинг остонаси
Сизни қўмсагай,
Карвон кўрган сардобаси
Сизни қўмсагай.
Самарқандниг минорлари
Сизни қўмсагай.

М. АБДУЛЛАЕВ

●

Амир Темур жамғармасининг ҳисоби: Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар банкининг № 74601 ҳисоби. Амир Темур жамғармаси.

ШЕЪРИЯТ БИЛАН УЧРАШУВ

Шу йилнинг 14 апрелида Эски шаҳардаги вилоят кутубхонасида ҳассос шоира Ойдин Ҳожиева таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан адабий учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни зукко танқидчи, таниқли олим Озод Шарафиддинов олиб борди. «Ҳеч қайси замин, — деди Озод Шарафиддинов, — ўзбек тупроғи каби шоираларга бой эмас. Уларнинг ижоди ўзига хос теран ва шарқона. Шулардан бири халқимизнинг севимли қизи, тароватли шеърлари билан ўз ўқувчилари қалбига аллақачон йўл топган Ойдин Ҳожиевадир». Шундан сўнг шоиралар Эътибор Охунова, адиба Олмос, Гулчеҳра Жўраева, Нилуфар, Муҳтарама Улуғова, Мукаррама Муродова, Шарифа Салимовалар сўзга чиқиб, Ойдин Ҳожиева шеъриятининг қалбдаги манзараларини самимият билан чизиб беришди. Халқ хўжалиги доруфунуни ўқитувчиси, профессор Ҳикмат Собиров, Маданият институти ўқитувчиси Зуҳра Бердиева, Ўзбекистон халқ артисти Ширин Азизова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Иброҳимованинг дил сўзлари ҳам учрашув аҳлида яхши таассурот қолдирди.

Шоира Ойдин Ҳожиева ижодига бағишланган бу учрашувда турли маҳаллалар оқсоқоллари ҳам иштирок этишиб, бундай адабий мулоқотлар бизда ҳам ўтказилса, деган истакни билдиришди.

Шунингдек, вилоят кутубхонасининг асли номи «Турон» тикланса деган таклиф ўртага ташланди.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

УЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЎРТА МАХСУС САНЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ 1992-93 ЎҚУВ ЙИЛИГА МУСИҚА ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ИХЛОСМАНД, ҚОБИЛИЯТЛИ, СОҒЛОМ

ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек миллий чолғу асбоблари синфига ўқувчилар 12 ёшдан қабул қилинади.

2—9-синфларга фортепиано, скрипка, альт, виолончель бўйича мусиқа тайёргарлигига эга бўлган ўқувчилар қабул қилинади.

АРИЗАЛАР 1992 ЙИЛ 4—30 МАЙГАЧА ТОПШИРИЛИШИ ШАРТ.

ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ 2 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ.

Ўзингиз билан қуйидаги ҳужжатларни олиб келишингиз зарур:

Боланинг туғилганлиги ҳақида тувоҳномадан кўчирма.

Ота-оналарнинг иш жойидан 1991 йилдаги иш ҳақларининг ойма-ой кўрсатилган маълумотномаси.

Бола соғлиги ҳақида руҳшунос даволовчи врач маълумотномаси.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700152, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, 22 квартал, 1-а уй.

Автобуслар: 2, 13, 33, 41, 50, 75, 77, 78, 87.

Троллейбуслар: 12, 13.

«Москва остонаси» бекати.

Телефонлар: 749221, 749645.

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт билим юрти шу йилнинг 25 апрелида «Очиқ эшиклар» кунини ўтказади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, квартал 1, Чилонзор кўчаси, 9-уй.

Автобуслар: 2, 94, 34, 77, 50.

Троллейбуслар: 6, 11.

Трамвайлар. 9, 11.

«Чилонзор» бекати, «Ҳамза» метро станцияси.

БИЛДИРИШ

Шу йил 24—25 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида «Бадиий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари» мавзуида жумҳурият анъанавий анжумани бўлиб ўтади. Анжуманга таржимонлар, таржимашунослар, адабиёт ихлосмандлари ва қизиққан ўртоқлар таклиф этилади.

Анжуман Самарқанд Давлат дорулфунуни биносида ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАРЖИМА ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАР МАРКАЗИ

ЖОМЕЪ МАСЖИДИ

Бисмиллаҳир Роҳманир роҳийм.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муҳтарам мўъмин биродарлар!

Тошкент шаҳар Чиғатой даҳа қариялари ва намозхонлари илтимосига биноан Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг қарори билан Чиғатой даҳасининг «Чиғатой» қабристони ёнида «Имом Бухорий» номидаги янги жомеъ масжиди қурилишига киришилди.

Масжид қуриш ҳайъати барча мўъмин мусулмонларни ислом дини ва мусулмонлар равнақи йўлида бунёд этилаётган мазкур масжидни бунёд этишда хайру эҳсонлари билан иштирок этишларини илтимос қилади.

ЖАМҒАРМА ҲИСОБИМИЗ: № 000701703 ПСБ. Код: 172682301. Тошкент шаҳар, Октябрь тумани бўлими.

Сизларга Аллоҳдан бахт-саодат ва рушду ҳидоят тилаймиз!

МАСЖИД ҚУРИЛИШИ ҲАЙЪАТИ

ШУМ БОЛАНИНГ ЧОЙХОНАСИ

Кутдайлиз!



Хонада ўтиргандим ташқаридан бир кишининг «Ассалому алайкум» деган овози эшитилди. Эътибор бермай ўтиравердим. Бироздан сўнг ўша овоз яна бир неча марта қулоққа чалинди: «Ассалому алайкум», «Ассалому алайкум»...

Бу серсалом киши ким бўлди экан деб ташқарига чиқсам, наманганлик ҳажвчи Абдуғани Абдувалиев йўлакда мўмингина бўлиб ўтган-кетган билан саломлашиб турибди. Менга кўзи тушгач, яна бояги гапини қайтарди: «Ассалому алайкум». Кўришдик. Сўнг нега бунчалик серсалом бўлиб қолганининг сабабини сўрадим. «Шу мавзуда ёзавериб ўрганиб қолибман», деди у киши кулиб.

Ўйлаб қарасангиз, ростдан ҳам Абдуғани аканинг қаҳрамонларининг асосий қисми қарсакбозлар, серсаломлар, хушомадгўйлар. Китоблари, қиссаларининг номлари ҳам шунга яқин — «Қарсаклар давом этади», «Ассалому алайкум», «Эчки сути»...

Бу йил Абдуғани ака 50 ёшга кирдилар, кирчиллама ёшга тўлдилар. У ҳали яна кўплаб серсаломларни, қарсакбозларни, ўғрню муттаҳамларни фош қиладиган асарлар яратади деган умиддамиз. Унга соғлиқ, омонлик тилаймиз. Белни қатиқ, э, тоне, қаттиқ боғлайверинг, ака!

ШУМ БОЛА

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

КАМРОҚ УХЛА

Никита Сергеевич Хрушчев вилоятларга қилган сафарларидан бирида бир мужикдан:

— Аҳвол қалай? — деб сўрабди.

— Аҳвол чатоқ, ночор яшаяпмиз, — жавоб берибди мужик.

— Камроқ ухла! — депти Хрушчев ва йўлида давом этибди.

Ҳукумат раҳбари кетгач бу гапнинг маъзини чақиш учун анча ўй суриб қолибди мужик. Кечки пайт, уйқуга ётиш олдидан Хрушчевнинг «камроқ ухла», деган гапи ёдига тушиб, ўрнидан туриб ташқарига чиқибди. Қўлларини бўксасига қўйиб қишлоқни айланиб юрибди. Бир маҳал колхоз омбори ёнида қоп орқалаган шарпаларни кўриб қолибди. Зимдан разм солса, колхоз раисидан тортиб парткомгача, агрономдан ҳисобчигача ниманидир ташиётган эмиш. Мужик ҳам уйидан қоп олиб келибди-да, ҳалигиларнинг сафига қўшилиб олибди...

Орадан кўп ўтмай мужик жуда бойиб кетибди. Кунлардан бир кун у Хрушчевни эслаб қолибди. «Менга шунча яхшилик қилди, мен ҳам яхшилигини қайтарай», деган қарорга келибди ва икки халтага совға-саломларни жойлаб Москвга, Кремлга йўл олибди. Кремлда рухсатнома қўлига теккач, Хрушчевнинг ҳузурига кириб кетаётган экан икки соқчи тўхтатибди:

— Халталар билан ичкарига кириш мумкин эмас.

Мужик халталарни соқчилар олдида қолдириб, ичкарига кирибди. Хрушчев мужикни қучоқ очиб кутиб олибди, сўнг:

— Нима мақсадда келдинг? — деб сўрабди.

— Никита Сергеевич, сиз доно раҳбар экансиз. Бир оғиз маслаҳатингизга амал қилиб, камроқ ухлаган эдим, жуда бойиб кетдим. Шу бойлигимдан сизга ҳам жиндак совға олиб келдим, — депти мужик.

— Ҳай, қани совғанг?

— Мен, ҳозир...

Мужик шундай деб ташқарига чиқса, соқчилар алмашган, халталар йўқ эмиш.

— Менинг халталарим қани? — сўрабди мужик.

— Халта-палта кўрганимиз йўқ. Биз ҳозиргина навбатчиликка турдик!

Мужик бўшашиб ичкарига кирибди.

— Ҳа, қани совғаларинг? — сўрабди Хрушчев.

Мужик икки қўлини ёзиб депти:

— Эҳ, Никита Сергеевич, Кремлдагилар ҳам ухлашмас экан.

ҲАЖВ ХАЛТАСИ

АДАБИЁТ ДАРСИДА

Сиз ўқувчилар, Ғафур Ғуломнинг «Тошболта ошиқ», Ҳамид Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърларини биласизлар. Локин жаҳон адабиётини ҳам билишинглар шарт, бўлмаса узоққа бормайсизлар. Шўрлик Холмис деган ёзувчи бор, жуда қизиқ ёзади, шуни топиб ўқинглар.

ШИКОЯТ

Ноқасийнинг шеърлар китоби варақларига нос ўраб сотган эдим, носнинг таъми бузилиб, мижозлар камайиб кетди. Носга кетган харажатни тўла, десам, мен китобни ўз ҳисобимдан чиқарганман, давлат тўласин, деди. Шу гапи тўғрими, масалани ҳал қилиб берсангиз.

ТАЪЗИЯ

Сувдан қутқарувчилар жамиятининг раиси П. Ботмасов сувга чўкиб ўлгани учун марҳумнинг оиласига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

БЕЛАНГИЛАР ДИҚҚАТИГА

Чортоқ, Железноводск, Кисловодск курортларида даволаниб шифо топмаган белангилар 657-«Андижон — Тошкент» поездига чиқиб, проводникка 10 сўм беріб, хўл чойшаб сотиб олишлари мумкин. Андижондан Тошкентга боргунча шу чойшабга ўралиб ётсангиз, эрталаб отдек бўлиб кетасиз.

ҚУТҚАРИБ БЎПМАН

Хў-ўш, шунча ишлаб нима бўлдинг! Ра-аҳмат эшитдингми! Битта ишлаган менми! Қи-ри-г йил ишлаб нима олдим! Бир парча, шу, кампирри кафтидек грамата кимни ўлдирибди. Шуниям раво кўрмайди. Так что, сенга как устоз насиҳатим шукий жонингни қойитма. Бир «иҳ» десанг, биров келиб сенга нима бўлди, демайди. Е, дейдими! Деб бўпти. Қани, олдик... Мундоғ орден олганларга қарагин, биронта простой одам бормі! Биронта пивофуруш бормі! Биронта косатовоқ ювувчи ёки кўча супурадиган бормі! Простой одамга орден бериб бўпти. Так что сен эртадан кечгача чанг ютиб кўча супурсанг ҳам биров раҳмат демайди. Е, дейдими! Деб бўпти. Буни мен сенга устоз сифатида айтяпман. Қани, шуниям олиб қўяйлик... уф, қўлда тайёрлашаяпти, паразитлар. Менга қара, анави ҳайкални кўраяпсанми! Ким у! Пуруғза. Хўш, бизда биронта простой одамга ҳайкал қўйилганми! Қўйиб бўпти. Билсанг, биз кичкина одаммиз. Кичкина одамга ҳайкал қўйиш у ёқда турсин, бепул юз грамм ҳам қуймайди. Америкада эса итга ҳайкал қўйишган. Брежнев тиззасигача орден такди. Лекин сенга биронтасини берганми! Бериб бўпти. Заводдан чиқиш билан бошлиқлар ўзлари бўлиб олади. Миянга қуйиб ол. Буни мен сенга устоз сифатида айтиб қўяяпман. Қани, шу қолганини ҳам олиб қўйайлик... Ия, ҳа, қаёққа кетяпсан!.. Бошлиқларни ураман!.. Э-э, бунақа аҳмоқлик қилмагин-да. Э-эй, ойнакни тепма! Ана, милиса, қоч! Об-бо. Мана энди қамаб қўйса, сени ким қутқаради!

Нима! Мен. Қутқариб бўпман.

ЎҒРИ

РАҲМАТУЛЛА радиони жаҳл билан ўчирди.

— Ҳа, адо бўлгур-ей! Бунча эркинлик, дейсан. Нима, сани ғиппа бўғиб ўлдираётганмиди? Қорнинг оч бўлса эркинликни пишириб ейсанми?

Сўнгра у хонтахта устида турган пиёладаги яхна чойдан ҳўплади-да:

— Та-ак, энди бунақаси кетмайди! — деди ўзига-ўзи. — Садағанг кетай давлат нарх-навоиям осмоннинг еттинчи қаватига чиқариб қўйди. Бу замонда инсондан бошқа ҳамма нарсанинг қадри баланд бўлиб кетди. Бунақада энди ойлик билан оилани тебратиб бўлмайди!

Хотинининг боягина айтган қочиримли гапи қулоқлари тагида жаранглаб кетгандай бўлди: «Оладиганингиз беш юз эллик сўму яна гердайишингизни қаранг. Ёғлироқ жойда ишлаб, кунига «чўтал» тушириб ётганлар нима қилишаётганийкин-а?».

Бу гап унинг нафсониятига тегди-ю хуноби ошиб бақирди:

— Текин пул тешиб чиқади, билдингми?

— Қани, кимни тешиб чиқибди? Фалончи, фалончиларни тешиб чиқдими? Қани, ўша текин пул?

Раҳматулла бирдан ҳовуридан тушиб, ўйланиб қолди: «Ҳа-я, тўғри айтади. Текин пул кимни тешиб чиқибди? Қайтанга бугун уларнинг ошиғи олчи, ошкоралик замонидан хўб миннатдор бўлиб, яйраб яшаб ётишибди-ку! Қийин-қийин, ойлик ҳисобига кун кўрувчиларга — қийин!»

У қандай қилиб бадавлат бўлмоқ илинжида кўрпа-тўшак ичида ёстиқни қучоқлаб, тўлғона-тўлғона пинакка кетди.

Эртаси куни ишга борди. Қўллари ишга бормай анча вақт карахт бўлиб юрди. Тушдан сўнг зарур юмуш билан жамғарма банкига кирди. Яна ишхонасига қайтиш учун одамлар билан тирбанд автобусга бир амаллаб чиқди. «Уф, — у бир пишқириб қўйди,— Раҳбарларимиз ҳадеб фаровонлик ҳақида ваъз айтавермай шунақа «одампресс» автобусларга ҳам минса, халқнинг аҳволи қандайлигини билишарди-куя!»

Автобус ҳали жойидан қўзғалмаёқ иссиққа чидай олмаган болалар чинқириб йиғини бошлаб юборишди. Катталарнинг ади-бадиси-чи.

Унинг асаблари таранглашди. «Автобусга чиқиб, нима қилардим ўзи? Бир бекат пиёда юрсам, асакам кетармиди!» — дея кўнглидан ўтказди.

Бир маҳал автобус депсиниб жўнади. Шу пайт Раҳматулланинг чап биқинига бир нарса қаттиқ бота бошлади. Бўйнини қийшайтириб ён-бошига нигоҳ ташлади: нариги томонга ўгирилиб турган икки эркакнинг ўртасидан кимнингдир сумкаси қовурғасига ботарди. Аёл киши бўлса керак, сумканинг боғичидан маҳкам ушлаб олган. Тавба, эгаси нариги томонда — икки йигитнинг олдида бўлса-ю сумкаси нега орқада қолиб кетдийкин-а? Бу аёл бунчалик ҳам бефаросат бўлмаса-я! У сумкани ўзидан нарироққа сурмоқчи бўлди. Лекин сумканинг оғзи очилиб кетди-да, ундан катакли дафтарнинг варағига ўроғлик нарса чиқиб қолди. Ҳафсаласизлик билан ўралганлиги боисидан ҳам қат-қат қизғиш тусдаги пулнинг чеккаси кўриниб турарди.

Раҳматулланинг юраги гурсиллаб ура бошлади. Хотин кишининг ақли кепакдан деганлари ростми дейман. Тиқилинч жойда пулниям шунақа ҳолда олиб юрарканми? Буям ошкораликнинг меваси-да!..

Сўнгра... сўнгра ўйлаб юрган нарсасини топгандай бирдан суюниб кетди. Кейин яна шаштидан қайтди. Юзини ўгирди-да, автобус ойнасидан ташқарини кузата бошлади. Беихтиёр боши бурилиб, тағин сумкадаги пулга кўзи тушди. Бутун вужуди аланга олиб, юраги дук-дук ураверди. Атрофга аланг-жаланг боқиб, кўзлари олма терарди. Йўқ, ҳеч ким қараётган эмас. Қўллари қалтираб, сумкадаги пулга тегди. Оҳиста тортиб кўрди. Бемалол суғурилиб келаверди. «Бор-е, нима бўлса бўлди!» деди-да, дарҳол қоғозга ўроғлик пулни чўнтакка урди.

Омадни берса, қўшма-қўша қилиб беради дейишади. Негадир автобус кейинги бекатга етмасданоқ тўхтади. Фурсатдан фойдаланган Раҳматулла шопа-пиша автобусдан тушди-да, ўзини одамлар тўдасига урди. У ишхонага келибоқ хонасига кириб, эшикни ичкаридан бекитди. Ҳам иссиқдан ҳам қўрқувдан жиққа терга тушганди. «Менга нима керак эди, шу иш? — ўзидан-ўзи норози бўлди у. — Унинг ҳам бола-чақаси бордир. Шундай қимматчилик замонда роса қийналадиган бўлди-да, бечора! Бой-бадавлатроқ бўлса-ку, хўбу-хуб, агар ўзимга ўхшаган камбағал бўлса, худо урди уни! Мени роса қарғайди-да, энди. Нима қилсам экан-а? Падарига минг лаънат, бунақа ўғирликнинг!».

У бошини қўллари орасига олди-да, чуқур ўйга толди. Сўнгра ўзига-ўзи тасалли бера бошлади: «Нима ўғирлик қилаётган бир менми? Катта-катта ўғирлик қиладиганлар бор-у. Очиқчасига, фалонча пул топиб берасан, деб ўғирлик қилаётганлар бор-ку! Менга нима?»

У қоғоз ўрамини очиб қаради: Роппа-роса икки минг сўм экан. У беш юз сўмни бўлакча санаб олди-да, қолганини ўша катакли қоғозга ўраб, чўнтагига тиқди. «Буниси хотиннинг пальтосига... Бир хурсанд қилай. Бунисига Жовли билан ресторанда бир маза қилайлик. Анча пайтдан бери қачон эрийсан деб юрарди.

Иш вақти тугагач, Раҳматулла дўсти билан ресторанга кирди. Очилиб-сочилиб яйрашди. Ҳисоб-китоб қилинганида, улар ебичган нарсаларнинг қиймати бир юз тўқсон тўққиз сўму тўқсон тийин бўлибди. Раҳматулла бўлакча олиб қўйган беш юз сўмдан иккита юзталикни бор-барака деб официант аёлга узатди. Юз сўмликнинг биттаси белигача йиртилган экан. Аёл норози бўлгандай йиртиқ юз сўмликнинг уёқ-буёғини ҳафсаласизлик билан айлантириб кўрди. Раҳматулла шартта уни ҳам алмаштириб берди.

Ресторандан чиқишгач, улар қуюққина хайрлашиб тарқалдилар. Раҳматулла яхшигина кайф билан уйига қайтди. Дарвозадан кира солиб, чўнтагидан катакли қоғозга ўроғлик пулни чиқарди. Хотини нечундир жаҳли тинмай жавраррди:

— Ҳа, қаро ергина ютгур-ей! Илоё, ўғри қўлларинг чўрт узилиб тушсин-да! Бу кунингдан ўлганинг яхшимасми.

— Ҳа,нима гап, хотин? Биров арпангни хом ўрдими?

Хотини жавоб бериш ўрнига унга анча вақт ёвқараш қилиб хўмрайди.

— Ароқ ўлгурга пул топилади, рўзғорга эса... йўқ, — деди жаҳл билан. Сўнгра тағин қўшиб қўйди. — Бугун бир ергина ютгур автобусда сумкамдаги бор пулимни олиб қўйибди. Ҳа, яшшамагур, илоё ўша пул тешиб чиқсин-да!

— Ққ-қанча п-пу-пул ээ-эди? — деди Раҳматулла зўрға.

— Э-э, ордона қолсин! Қанча бўларди, мен бечора, озиб-ёзиб пальто оламан деб, тишимнинг ковагида авайлаб сақлаб юрган икки минг сўм-да... Худоё-худовандо, буюрмасин-а!..

Шу маҳал бирдан хотининнинг чеҳраси ёришиб, кўзлари чақнаб кетди.

— Иб-би, иб-би, тўхтанг-чи, тўхтанг, — дея югуриб келди-да, эрининг қўлидаги ўроғлик қоғозни юлқиб олиб, яхшилаб разм солди. — Худди ўша! Математика дафтарининг вараги... Ие-ие, мана, варақнинг чеккасига телефон номер ёзиб қўйгандим. Ўшанинг ўзгинаси! Вой тавба, мана йиртиқ юз сўмлик ҳам боракан. Худди, ўша, худди ўша! Қайдан топдингиз, дадажониси?!..

Хотини ёш боладай қувониб, эрининг атрофида гирдикапалак бўларди. Раҳматулланинг бадани увишди, кўзлари тиниб, оёқлари даг-даг титрай бошлади. Аввалига у алланималар деб ғўлдиради, сўнгра «шилқ» этиб, ўзини ташлаб юборди...

Абдуқаюм БЕККАМОВ

САРКАРДАНИНГ КУЛГИСИ

РИВОЯТ

Бухоро томонларда Фрунзени саркарда эмас, «сарканда» дейишади. «Сарканда» — тожикча, тахминан, каллаузар деганн. Алқисса, «сарканда» Фрунзе Когондан Кўлқовли қишлоғи орқали Бухорога ҳужум қиладн. Кечга яқин бойнинг ҳовлисига келиб тушадилар. Ҳовли бўм-бўш. «Сарканда» «Отлардан тушилсин!» дея буйруқ беради. Бойнинг отхонаси берк эди. Жанговар қизил аскарлардан бири эшикни очиб, ичкарига қадам босганда «тақ» этиб манглайига калтак тушади. У «вой-вой»лагаича орқага чекинади. Иккинчи аскар ҳам калтак еб қайтади. Шунда «сарканда» «Отларга миниласиз!» дея қайта буйруқ беради. Тезда ҳовли ўраб олинади. Отхона турли томонлан аёвсиз ўққа тутилади. Деворлар ғалвир бўлиб кетади. Лекин ичкаридан на бировнинг ингранганн, на бир ўқ овози эшитилади. Ниҳоят, эшик бузилиб, ўнтача аскар бирданига бостириб киради. Қарашса ҳеч ким йўқ. Бу «сир»дан ҳамма ҳайрон. Ким бўлди экан! Қизил аскарлар ҳафсаси синчков бир қозоқ бор эди, шу отхонани кўздан кечириб, анчадан кейин битта кетмон олиб чиқади.

— Сени урган мана шул.

Гуррос кулги кўтарилади. Шунда қозоқ йигит «кетменин нов ерндан боссангши», дейди. Андрей кетмонининг дамидан босганда, сопи «тақ» этиб унинг манглайига тегади.

— Вот здорово! — дейди «сарканда» Фрунзе қорнини ушлаб куларкан. — Это кетмен, да!

Неъмат АМИНОВ

УЙҚУСИРАШ КУЧИ

Кеча камина уйқусирайдиган бир киши билан танишиб қолдим. Қаерда денг? Ҳаммомда! Чўмилаётсам, ёнимдан бир кишининг ғиншиган овози эшитилди. Орқамга ўгирилиб қарасам, кўринишн касалманд бир киши хўрсиниб-хўрсиниб бошини ювяпти.

— Кўзингизга совун кириб кетдими? — деб сўрадим меҳрибонлик билан.

— Йўқ, ўзимга-ўзим ачинаяпман, оғайни, чунки бу ерда охирги марта чўмилаяпман. Эртага тинчгина гўримда ётаман! Мен ўлишим керак!

Қўрқканимдан тоғорага ўтириб қолай дедим:

— Ўлишингиз керак?

— Афсуски, шундай!

— Юрагингиз безовта қилаяптими?

— Йўқ, мен юрагим оғриганлигидан эмас, йиқилиб ўлишим мумкин.

— Нега энди?

— Очиғини айтсам, кечаси уйқусираб чиқиб кетиб қоламан. Уйимизнинг томида айланиб юраман. Кейинги пайтларда юрагим беш қаватли уйнинг томига чиқ деб васваса қиляпти.

— Бўлмаса сиз бундай қилинг, томга трубалар орқали тирмашиб чиқмай, худди ерда юргандек зинапоя орқали чиқа қолинг.

— Ахир, у уйда зинапоя орқали томга чиқадиган эшик қулфланган-да!

— Тўхтанг, ўша уй қаерда жойлашган?

— Ана, муюлишда.

— Ахир, мен ўша уйда яшайман-ку!

— Шундайми? Демак, қаётим сизнинг қўлингизда экан-да.

— Қанақасига?

— Агар мени ўлимдан сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, томга зинапоя орқали чиқадиган эшикни очиб қўясиз, сиздан ўтиниб сўрайман.

— Жоним билан, ҳеч ҳам ташвишланманг!

Уйқусировчи киши мени халоскорим дея қичқира кетди ва орқамни ишқалаб қўйди. Ҳаммомдан келгандан сўнг эшик қулфини очиб қўйдим ва биров сезиб қолмаслиги учун гугурт билан маҳкамладим.

Эрталаб ғала-ғовурдан уйғониб кетдим. Зинадан пастга чопиб тушдим-да, кўчага чиқдим. Қарасам, бир неча қўшниларим билан милиционер турибди.

— Нима бўлди? Тинчликми ўзи? — сўрадим қўшнимдан.

— Тунда томдан телевизорларимизнинг антеналарини ўғирлаб кетишибди. Қайси аҳмоқ том эшигини очиқ қолдирганлигини аниқламоқчимиз!

Шуҳратхон

Немисчадан ИМЯМИНОВА таржимаси

ҚИЗҒАНЧИҚ

— Тумов бўлиб қолибман,
Ака, ҳеч йўқ иштаҳам.
Оғримовдим шамоллаб,
Ҳатто совуқ қишда ҳам.

— Музқаймоқни яшириб,
Бермай менга, Афзалга.
Барин ўзинг тушириб,
Чалиндингда касалга.

— Ака, энди не есам,
Майли, берай тенг бўлиб.
Ҳеч бўлмаса бир марта
Уколни ҳам енг бўлиб.

ШИКОЯТ

Синфимизга пол қоқиб,
Уста тез кетиб қолди.
Кўп ҳам ўтмай лол боқиб,
Кўрганлар қотиб қолди.

Қийшайиб ҳўл тахталар,
Кўплари шишиб кетди.
Қалам, ручка, дафтарлар.
Тагига тушиб кетди.

Дарс сўнгига етгунча.
Ўтирамиз ғам босиб.
Янги мактаб битгунча,
Қолмаса бас том босиб.

Арслонбек МАМАРАСУЛОВ

ШАМОЛ

Дарахтларни силкитиб,
Тегмаганга ҳам тегиб,
Кезар шамол ғув-ғув.

Бандин узган япроқлар,
Учқур-чопқир тойчоқлар,
Ўйнаб юрар қув-қув.

Юм-юмалоқ соққадай
Дум-думалоқ олмалар
Тўкилади дув-дув.

Қўрқиб кетган қушчалар
Сапчиб кўкка учарлар
Кўтаришиб қий-чув.

Ғазаблангаи дев каби
Каттакон боғ тебраниб
Гувранади гув-гув.

Дилшод РАЖАБ

Рассом Ботир ҲАСАНОВ

Рассом Рашид АБДУЛЛО

ДОНИШМАНД ДИОГЕН

«Дунё донишмандлар ҳукмидадир». «Донишмандлар худо ёрлақаган кишилар». Бу сифатлар Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) замондоши, юнон донишманди Диогенга тўла тааллуқли. Унлаб фалсафий асарлар муаллифи Диоген мантиқ кучи, ишонтира билиш салоҳияти, ҳозиржавоблиги ва топқирлиги, ғайритабиий турмуш тарзи билан ажралиб турган. Тобланиш учун ёзда ялангоч бўлиб иссиқ қумда думалаш, қишда муздаган ҳайкални қучоқлаб туриш, қорда ялангоёқ юриш унга одат бўлган.

Диоген 90 ёшда вафот этган. Унинг ўлими ҳақида ҳар хил гаплар юради. Бировлар, у нафасини ичга ютиб ўзини-ўзи ўлдирган деса, бошқалар у итлар билан саккизоёқ деган денгиз ҳайвони гўштини талашиб, оғир яраланган ва ҳалок бўлган дейди.

Яқинда қўхна юнон мамлакатида археологик қидирув ишлари олиб борган Шум бола экспедицияси Диоген ҳаётига оид бир талай қизиқ ҳангомаларни қўлга киритди. Қуйида ушбу топилмаларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

●

Диоген бир куни қўлга бош қўйиб сув ичаётган болани кўриб қолибди ва халтасидаги пиёлани чилчил синдирибди:

— Бола оддийликда мени қойил қолдирди!

●

Самовот сирлари ҳақида лоф ураётган кишидан Диоген сўрабди:

— Менга қара, осмондан қачон тушдинг?

●

Бир киши эшигига «Уйимга бало-қазо киришидан худо асрасин!» деб ёзиб қўйган экан. Буни кўрган Диоген ҳайрон бўлиб дебди:

— Ажаб, эгасининг ўзи уйга қандай кирар экан-а?

●

Афлотуннинг «Одам икки оёқли патсиз жонивордир» деган ибораси овоза бўлиб кетган экан. Бир куни Диоген хўроз патини юлиб одамларга намойиш қилибди:

— Мана, афлотунча одам!

●

Бир дорифуруш Диогендан сўрабди:

— Худога ишонасизми?

— Албатта, — жавоб берибди Диоген. — Бўлмаса, сени қандай қилиб «худо урган» деб айта оламан...

●

Ифлос ҳаммом ҳақида у шундай лутф қилган экан:

— Бу ерда чўмилганлар қаерда ювинишар экан-а?

●

Кимдир Диогенга қувринга учраганини таъна қилган экан, «Каллаварам! — дебди файласуф унга, — ахир, қувринлик туфайли донишманд бўлдим-ку!».

●

Диогендан «Нега одамлар қашшоқларга хайр-эҳсон қилишадилару файласуфларга ҳеч нарса бермайдилар», деб сўрашганларида у шундай деб жавоб берган экан:

— Негаки, улар эҳтимол бир кун чўлоқ ёки кўр бўлиб қолишлари мумкин, лекин донишманд бўла олмайдилар.

●

Кўкат ювиб ўтирган Диоген қулоғига Афлотун шундай деб шивирлабди:

— Шоҳнинг хизматига кирганингда эди, кўкат ювиб ўтирмаган бўлардинг.

Диоген ҳам Афлотун қулоғига оҳиста шипшипди:

— Кўкат ювишни билганингда эди, шоҳга хизмат қилиб юрмаган бўлардинг.

●

Одамлар Диогенга хайр-эҳсон қилган кишини мақташа, унинг эҳсаси қотибди:

— Хайр-эҳсонга муносиб эканлигим учун мени қачон мақтайсизлар?

●

Шубҳали, нопок жойларга бориб туришини эслатиб, Диогенга дашном беришса, у бундай деб жавоб берибди:

— Қуёш нури ахлатхоналарга ҳам тушиб туради, лекин бу билан булғаниб қолмайди.

●

Ёш қиз кўзини даволаётган ахлоқсиз дўхтирга у шундай деган экан:

— Эҳтиёт бўл, кўзини тузатаман деб ўзини бузиб қўймагил тағин!

●

Искандар офтобда тобланиб ётган Диогенга дебди:

— Тила тилагингни.

— Қоч, қуёшни тўсма! — дебди Диоген.

●

Куппа-кундузи чироқ кўтариб юрган Диогендан «Нима қилиб юрибсиз?» — деб сўрашса, у «Одам қидириб юрибман!», деган экан.

●

Нима учун уни ит деб мазах қилишларини сўрашганида, Диоген шундай жавоб берган экан: «Ким нарса берса думимни ликиллатаман, ким ҳеч нарса бермаса ириллайман, ёмон одамларни эса қопаман!».

●

Диоген очиқ майдонда нонушта қилаётган экан, санқиб юрган қаланғи-қасанғилар «Ит, ит!», дея қичқиришиб, атрофини ўраб олишибди.

«Мен эмас, сизлар итсизлар, — деб жавоб берибди Диоген. — Бўлмаса, нонуштам атрофида уймалашиб ўтирмасдинглар!».

●

Искандар «Агар Искандар бўлмаганимда, Диоген бўлишни истар эдим!», деган экан!

С. РАҲМАТОВ тўплаган

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Абдунаби ҲАЙДАРОВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 2 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64592. Буюртма № Г-78 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12